


**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ

**TOSHKENT
KIMYO-TEKNOLOGIYA
INSTITUTI**

**“ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
СТАНДАРТЛАШТИРИШ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ”
модули бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчилар: **Қ.А.Ахунджанов**- Тошкент кимё-технология институти “махсулот сифати менежменти” кафедраси доцентии, к.ф.д.

З.А.Акбархўжаев - Тошкент кимё-технология институти “махсулот сифати менежменти” кафедраси доцентии, к.ф.д.

Тақризчи: **Хорижий эксперт: т.ф.н., доц. З.Е.Егорова** - БГТУ (Белоруссия), “Физик-кимёвий усуллар сертификацияси” кафедраси доцент

Ўқув - услубий мажмуа Тошкент кимё-технология институтининг Кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 4-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	15
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	23
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	98
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	134
VII. ГЛОССАРИЙ.....	264
VIII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ РЎЙХАТИ	323

I. ИШЧИ ДАСТУР

1. Кириш

Дастур озиқ-овқат саноатида стандартлаштириш, хом ашё тўғрисидаги маълумот, техник-кимёвий назорат ва маҳсулот сифатига кўйилган талаб, маҳсулотнинг сўнгги босқичда қадоқлаш-ўраш ва сақлашдаги энг замонавий ютуқларни ўрганишга қаратилган.

Дастурнинг асосий мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини «Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси» мутахассислиги ўқув режасида махсус фанлар блокига киритилган «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар» фани ўқув дастурининг **мақсади** – мутахассислик фанларидан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг прогрессив инновацион технологиялари, Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш замонавий корхоналари, замонавий истиқболли импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқариш технологиялари, ускуналари тўғрисида назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида малака ошириш жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

«Озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш» фанининг **вазифаси**:

- озиқ-овқат маҳсулотлари стандартларини ишлаб чиқариш ва таҳлил қилиши;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни билиши;

- хом ашёларни етиштиришда ўсимликлар ҳимояси учун кўлланиладиган кимёвий моддаларнинг турлари, уларнинг хом ашё ва тайёр маҳсулот сифатига таъсирини билиши;

- корхоналарга халқаро стандартларни жорий қилиш;

- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш усулларини;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг техник-кимёвий назорати;

- тайёр маҳсулотларни сифат кўрсаткичларини назорат қилиш тизимларини;

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг меъёрий таъминотини амалга ошира олиши керак.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига кўйиладиган талаблар:

«Озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш» фани бўйича тингловчилар куйидаги янги **билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга** эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

• озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда стандартлардан фойдаланиш;

• озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарига халқаро сифат тизимини жорий этиш;

• Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ишларда қатнашувчи халқаро ташкилотлар ва уларнинг вазифалари;

• Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг стандарт усуллари

• Озиқ-овқат корхоналарида ишлатиладиган норматив техник ҳужжатларни *билиши* керак.

- сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг халқаро стандарт талабларини ўрганиш;

- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини назорат қилишда физик-кимёвий усуллар, меъёрий ҳужжатлар ва қўлланиладиган замонавий асбоб-ускуналар билан ишлаш;

- Стандартлаштириш миллий тизими;
- ISO 9001 халқаро стандарти талаблари;
- ISO 9001 сифат менежмент тизими тамойиллари;
- Интегралланган СМТ ва хавфсизлик менежмент тизимлари;
- Стандартлар лойиҳасини ишлаб чиқиш;
- Стандарт лойиҳасини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

қўникмаларига эга бўлиши лозим.

- Сифат ва хавфсизлик менежменти тизимларини бирлаштириш масалалари

- Стандарт лойиҳасини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш;
- Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларининг қонуний асосларини;

- техник меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар (техник регламентлар, давлат стандартлари, ташкилот стандартлари)нинг турлари ва уларга қўйилган талаблар; савдодаги техник тўсиқлар (СТТ) ва санитар ҳамда фитосанитар тадбирлар бўйича БСТ Келишувининг асосий қоидаларини;

- Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш тизимларининг элементларини; стандартлаштиришнинг асосий усуллари ва улардан маҳсулотни яратишдаги барча босқичларидан фойдаланишни;

- ўзаро алмашинувчанликни таъминлаш тамойиллари ва уларнинг турлари;

- Аккредитация тушунчаси, аккредитлаш давлат тизими;
- Аккредитлаш тартиби ва жараёнлари;

- Сертификатлаштириш идораларини OzDSt/ISO 16.10 асосида аккредитлаш;
- Синов лабораторияларини OzDSt/ISO 17025 асосида аккредитациядан ўтказиш *малакаларига* эга бўлиши зарур.
- ташкилот ва тармоқларда стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича ишларнинг замонавий ҳолатини тавсифлаш ва таҳлил қилиш;
- стандартлаштириш усулларини амалиётга қўллаш; техникавий меъёрий ҳужжатлардан, маҳсулотларга мажбурий талабларни ўрнатишда хорижий мамлакатларнинг етакчи ташкилотлари стандартлари, ҳудудий ва халқаро стандартлардан самарали фойдаланиш;
- стандартлаштириш усуллари, қоидалари ва норматив ҳужжатларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш, экспертиза қилиш; ва улардан фойдаланиш
- маълумотлар базасини яратиш, асосийларини танлаш ва уларни назорат қилиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

МОДУЛНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан

боғлиқлиги ва узвийлиги

«Озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш» фани қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини «Озиқ-овқат хавфсизлиги» мутахассислиги бўйича киритилган «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги», «Озиқ-овқат маҳсулотлари идентификацияси ва сохталигини аниқлаш» фанлари билан узлуксиз боғлиқ бўлиб, ушбу фанларни ўзлаштиришда назарий асос бўлиб хизмат қилади. «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда инновацион технологиялар» фанини тўлиқ ўзлаштиришда ва амалий вазифаларни бажаришда «Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари», «Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий,

касбий ахборот майдонини лойиҳалаш» ҳамда «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» фанлари ёрдам беради.

Фаннинг олий таълимдаги ўрни

« Озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштириш » фани қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишини «Озиқ-овқат хавфсизлиги» мутахассислиги бўйича махсус фанлардан дарс берувчи профессор-ўқитувчилар учун муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу фан олий таълим муассасаларида тингловчи ва педагоглар томонидан ўқув-илмий ишларини олиб бориш учун асосий назарий ва амалий билимларни беради.

Ўқитиш методлари

Ўқитишни қуйидаги усуллари режада тугилган:

- мини-маърузалар ва суҳбатлар (тадқиқотни мужассамлаштириш, ўрганишга қизиқишни кучайтириш);
- дидактик ва ролли ўйинлар, баҳс мунозаралар (қоидаларга риоя қилишни ўрганиш, ҳамкорликни таъминлаш, логик хулоса қилишни шакллантириш);
- дискуссия ва диспутлар (фрагмент ва далилларни аниқлаш, қўлоқ солиш ва солиштиришни шакллантириш);
- тренинг элементлари (позитив муносабатни шакллантириш).

Модуль бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул вазифаси	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			
			Жами	жумладан,		
			назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот	
1.	Озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштиришда унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти.	2	2	2		
2.	Стандартлаштиришнинг ҳуқуқий асослари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари	2	2		2	
3.	Халқаро стандартлаштириш ташкилотлари	2	2	2		
4.	Стандартлаштириш бўйича давлат бошқаруви, стандартлаштириш органлари ва хизматлари	2	2		2	
5.	Озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган стандарт талаблар	2	2	2		
6.	Давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва юритиш	2	2		2	
7.	Техник жиҳатдан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	2	2	2		
8.	Ўзбекистон давлат стандартлаштириш тизими бўйича меъёрий ҳужжатлар	2	2		2	
9.	Стандартлаштиришнинг методологик (услугий) асослари	2	2		2	
10.	Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларнинг миқёси ва турлари	2	2		2	
11.	Сертификатлаштириш схемалари ва аккредитлаш	2	2		2	
12.	Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида эксперт комиссия ва эксперт кенгашларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари	2	2			2
13.	Сифат менежменти тизими	2	2			2
Жами:		26	26	8	14	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Озиқ-овқат маҳсулотларини стандартлаштиришда унинг иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти.

Стандартлаштиришнинг қисқача тарихи, Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг тарихий жараёнлари, Стандартлаштириш ишларини қадим замонда, ўрта асрда XX аср бошларидаги аҳволи, стандартлаштиришнинг ривожланиш сабаб ва омиллар Стандартлаштириш ва уларга жавоб бериладиган саволларнинг мақсади, Стандартлаштириш бўйича хизматлар йўналтирилган жараёнлар, Стандартлар ва стандартлаштириш тушунчаси, Стандартлаштириш аренаси.

2-мавзу. Халқаро стандартлаштириш фаолияти ва ташкилотлари

ISO ва унинг фаолиятлари, Халқаро электротехника комиссияси – ISO/IEC. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ишларда қатнашувчи халқаро ташкилотлар Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаши.. Сифат бўйича Европа ташкилоти (ЕОК), Синов лабораторияларининг аккредитлаш бўйича Халқаро конференцияси (ИЛАК), Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаши, Стандартлаштириш бўйича Европа комитети (CEN). Электротехникада стандартлаштириш бўйича Электротехникада стандартлаштириш бўйича Европа комитети (CENELEC) ва бошқалар. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқа давлатларда стандартлаштириш фаолияти.

3-мавзу. Озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган стандарт талаблар.

Стандартларнинг синфларга булиниши. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини стандартлаш хусусиятлари, .Озиқ овқат маҳсулотларини текширишнинг умумий усуллари. Тайёр маҳсулотларни қадоқлаш, идишларга жойлаш ва сақлашга қўйиладиган стандарт талаблар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини

стандартлаш хусусиятлари. Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг умумий усуллари. Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг махсус усуллари. Озиқ-овқат корхоналарида ишлатиладиган норматив техник ҳужжатлар.

4-мавзу. Техник жиҳатдан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.

Ўзбекистон Республикаси “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни, техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг тузилиши. Техник регламент турлари ва техник регламентларда белгиланадиган хавфсизлик талаблари. Техник регламентларнинг мазмуни.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот. Стандартлаштиришнинг ҳуқуқий асослари, мақсад ва вазифалари, тамойиллари.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг қонуний асослари, Стандартлаштиришнинг асосий тушунча, мақсад ва вазифалари Халқаро стандартлаштириш, Минтақавий стандартлаштириш, Миллий стандартлаштириш.

2-амалий машғулот. Стандартлаштириш бўйича давлат бошқаруви, стандартлаштириш органлари ва хизматлари.

Давлат стандартлаштириш тизими Стандартлаштириш бўйича давлат бошқарувлари. Давлат стандартлаштириш тизими Стандартлаштириш бўйича давлат бошқарувлари Стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотлар Корхоналарда ва ташкилотларда стандартлаштириш хизматлари.

3- амалий машғулот. Давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва юритиш

О‘з DSt 1.1-92 "Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Ўзбекистон Республикасининг стандартини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби. Стандартга техникавий топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

4- амалий машғулот. Ўзбекистон давлат стандартлаштириш тизими бўйича меъёрий ҳужжатлар

Асосий қоидалар.. Стандартлаштириш ва меъёрий ҳужжатлар. Давлатлараро стандартлаштириш. Давлат стандартлаштириш тизимида асос солувчи меъёрий ҳужжатларнинг классификацияси.

5- амалий машғулот. Стандартлаштиришнинг методологик (услубий) асослари.

Стандартлаштиш усуллари: симплификация, стандартлаштириш объектларини тартиблаштириш, параметрик стандартлаштириш, унификация, агрегатлаштириш ва типлаштириш. Комплекс стандартлаштириш. Илгариланма стандартлаштириш.

6-амалий машғулот: Меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларнинг миқёси ва турлари.

Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар. Меъёрий ҳужжатларнинг (структураси) тузилишига талаблар. Баён қилишга талаблар. Расмийлаштиришга талаблар. Мазмунига талаблар

7- амалий машғулот. Сертификатлаштириш схемалари ва аккредитлаш

Сертификатлаштириш мақсад ва вазифалари, сертификатлаштириш тартиби, сертификатлаштириш схемалари, сертификатлаштириш жараёнлари. Аккредитлаш. Синовлабораторияларни аккредитлаш жараёнлари.

КУЧМА МАШГУЛОТ

8 - амалий машғулот. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида эксперт комиссия ва эксперт кенгашларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгаш. Кенгашнинг асосий вазифалари.

9 –амалий машғулот. Сифат менежменти тизимини қўллаш.

ISO 9001 халқаро стандарти талаблари, ISO 9001 сифат менежмент тизими тамайиллари, Интегралланган СМТ ва хавфсизлик менежмент тизимлари, ИСМТваХ элементлари учун талаблар матрицаси, Маҳсулотларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш жараёнининг модели, Сифат ва хавфсизлик менежменти тизимларини бирлаштириш масалалари; Тизимларни бирлаштириш Аккредитация тушунчаси. Синов лабораторияларини OzDSt/ISO 17025 асосида аккредитациядан ўтказиш.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотида, мустақамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулоти натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

-қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;

-ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

-иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна: “Сабзавот ва мева маринади” матнини ёритиб беринг?” саволини йўналтирувчи услубий тавсиялар ёрдамида жадвалда жавоб бериш

Йўналтирувчи услубий тавсиялар:

Савол

Сабзавот ва мева маринади

(Ф) Фикрингизни баён этинг

(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи

далил келтиринг

(У) Фикрингизни умумлаштиринг

“Сабзавот ва мева маринадлари” мавзусига “ФСМУ” технологиясини қўлланилиши

Ф - (фикрингизни баён этинг)

Маринадли консервалар ўзга консервалардан фарқ қилади.

С - (фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг)

Маринадли консервалар тайёлаш технологияси, сифати ва сақлаш муддати билан ажралиб туради.

М - (кўрсатган баёнингизни асословчи далил кўрсатинг)

Маринадли эритма қўшилиб, пастеризацияланган сўнг сақланиш муддати ҳам ўзгаради.

У - (фикрингизни умумлаштиринг)

Сабзавот ва мева маринадлари тайёрлашда, бошқа консервалар тайёрлашдаги технологияларидан фарқли ўлароқ бланширланиб, маринадли эритма ёрдамида пастеризацияланган ҳолда тайёрланади.

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - англизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ходиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде кўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ходисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: ким (Who), қачон (When), қаерда (Where), нима учун (Why), қандай / қанақа (How), нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллари ишлаб чиқиш	индивидуал ва гуруҳда ишлаш; муқобил ечим йўллари ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гуруҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда кўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқчилари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг (индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

<p style="text-align: center;">ТЕСТ</p> <p>1. Органолептик баҳолаш усулининг моҳияти</p> <p>А) дегустацион комиссия томонидан берилган баҳо</p> <p>Б) ДСт идораси томонидан берилган баҳо</p> <p>В) Марказий лаборатория томонидан берилган баҳо</p> <p>Г) Истеъмолчилардан ташкил топган комиссия томонидан берилган баҳо</p>	<p style="text-align: center;">МУАММОЛИ ВАЗИЯТ</p> <p>Маҳсулотларни сифатини аниқлашда таҳлил услублари:</p>
<p style="text-align: center;">СИМПТОМ</p> <p>Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати – маҳсулотнинг кўрсаткичлари асосида аниқланади.</p>	<p style="text-align: center;">АМАЛИЙ КЎНИКМА</p> <p>Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини аниқлашга доир.</p>

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

➤ ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;

➤ янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;

➤ таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалядилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“В” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

Венн диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

• иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқиляётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;

- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадидилар;

- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадидилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

“Тушунчалар таҳлили” методининг жадвали

Тушунчалар	Тушунчалар мазмуни
ISO 9001 Сифат менежменти тизими	
ISO 22001 Озиқ овқат хавфсизлиги менежменти тизими	
ISO 14001 Экологик менежменти тизими	
OHSAS 18001 Касбий хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги менежменти тизими	
Интегрирланган менежмент тизимлари	

“Тушунчалар таҳлили” методининг дарс жараёнида бажарилиши

Тушунчалар	Тушунчалар мазмуни
ISO 9001 Сифат менежменти тизими	Маҳсулот ёки хизматларни сифатининг бақарорлигини таъминлаш ва истеъмолчи талабларига жавоб бериш даражасини ошириш қаратилган бошқарув тизими
ISO 22001 Озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими	Озиқ-овқат маҳсулотларини хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмолчи хавфсизлигини кафолатловчи бошқарув тизими
ISO 14001 Экологик менежменти тизими	Маҳсулотнинг биринчи босқичидан истеъмолчига қадар ҳар бир қадамда атроф муҳит таъсирини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришнинг барча турларида ишлаб чиқаришни таъминлайдиган бошқарув тизими
OHSAS 18001 Касбий хавфсизлик ва меҳнат муҳофазаси соҳасидаги менежменти тизими	Соғлиқни сақлаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳит муҳофазаси бўйича қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига асосланган ҳолда амалга ошириладиган бошқарув тизими
Интегрирланган менежмент тизимлари	Барча бошқарув тизимларни ўзаро бирлашган қонун қоидалари ва талаблари асосида яратилган умумлаш менежмент тизими.

Кластер (ғунча, боғлам) усули Педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у талаба (ўқувчи)ларга ихтиёрий муаммо (мавзулар) хусусида эркин, очиқ ўйлаш ва шахсий фирларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур усул турли ҳил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. "Кластер" усули аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш

тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу усул муайян мавзунинг талаба (ўқувчи)лар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стиль ва стиль ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Кластер" усули пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан талаба (ўқувчи)лар, билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Усул гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда талаба (ўқувчи)лар томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни ториш имкониятини яратади.

"Кластер" усулидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя этиш талаб этилади:

- Ниманики ўйлаган бўлсангиз шуни қоғозга ёзинг, фикрингизнинг сифати тўғрисида ўйлаб ўтирмай, уларни шунчаки ёзиб боринг;

- Езувингизнинг орфографияси ёки бошқа жиҳатларига эътибор берманг;

- Белгиланган вақт ниҳоясига етмагунча, ёзишдан тўхтаманг. Агар маълум муддат бирор бир ғояни ўйлай олмасангиз, у ҳолда қоғозга бирор нарсанинг расмини чиза бошланг. Бу ҳаракатни янги ғоя туғилгунга қадар давом эттиринг;

- Муайян тушунча доирасида имкон қадар кўпроқ янги ғояларни илгари суриш ҳамда мазкур ғоялар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик(боғлиқликни)ни кўрсатишга ҳаракат қилинг. Ғоялар йиғиндисини сифати ва улар ўртасидаги алоқаларни кўрсатишни чекламанг.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

Мавзу: "ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ" ФАНИНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Режа:

- 1.1.Стандартлаштиришнинг қисқача тарихи
- 1.2.Стандартлаштириш ишларини қадим замонда, ўрта асрда ва XX аср бошларидаги аҳволи.
- 1.3.Стандартлаштиришнинг ривожланиш сабаб ва омиллар
- 1.4.Стандартлаштириш ва уларга жавоб бериладиган саволларнинг мақсади
- 1.5.Стандартлар ва стандартлаштириш тушунчаси

1.1. Стандартлаштиришнинг қисқача тарихи

Стандартлаштириш билан қадимдан инсонлар шуғулланиб келишган. Буни эрамиздан 6 минг йил олдин Миср ва Шумерда ёзиш ва санок пайдо бўлиши ва бундаги белгилар, пиктограммалар ва бошқа турли хил шаклларда ва хатларда кўришимиз мумкин. Бу эса ўша даврлардаги стандартлаштиришнинг яққол бир кўринишидир. Сонларни вавилонликлар эрамиздан олдинги 4000 йилларда кашф этишган ва фойдаланишган. Ўнлик санок тизими ҳам айнан шу Вавилон (Бобил) давлатида яратилган. Нота ёзувлари ҳам қадимий меъёрлаштирилган тил сифатида Грецияда эрамиздан олдин 200 йилларда пайдо бўлиши айтишимиз мумкин.

Хитойда эрамиздан олдинги 206-220 йилларда хариталардаги шаҳар ва қишлоқларнинг шартли белгилари билан белгиланиши ҳам ҳақиқатдир.

Эрамиздан олдинги 1700-1600 йилларда Фесте саройидаги дисклар қўямасини айнан бир хиллиги ҳам стандартнинг бир кўринишидир.

Хитой императори Цинь Шихуанди (тахминан 2200 йил олдин) солиқларни йиғишда оғирлик тошлари, ўлчовлар ва тангаларнинг бир хиллаштирган. У иероглифларни бирхиллаштириб, камон ўқлари ва уларнинг бир хил узунлигини таъминлаган.

Қадимий Мисрда тахминан бундан 7 минг йил олдин ўлчаш санъати мавжуд бўлган., пирамидалар қурилишида узунлиги узунлик бирлик қабул қилинган. Эрамиздан олдинги XVIII асрда қирол Хаммурапи стандартлаштирилган оғирлик ва ўлчовлар тўғрисида қонун қабул қилган.

Бунда оғирлик ўлчов тоши ва ўлчовларни кенг қўллаш билан биргаликда уларни қалбакилаштиришни ҳам олдини олиш учун ҳамма томонлама қонуний жазолар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўлчаш ҳажми амали меъёрий-қонунлар билан мувофиқлаштирилган. Узоқ ўтмиш тарихимиздан маълумки, Ўзбекистонда ҳозирги кундаги тарихий ёдгорликлар яъни бино ва иншоотларнинг қурилишида стандартлаштириш фаолияти ҳам муҳим ўрин тутиб, ўша пайтдаги қурилиш ашёларини бирхиллаштириш яъни пештоқладаги хандасавий нақшлар, панжаралар ва тўсинлар ҳамда пойдевор ва деворлардаги ғиштларнинг таркибий тузилиши ва ўлчамларида стандарт андозалар қўлланилганлиги стандартлаштиришдан фойдаланганлигининг ёрқин мисолидир.

Тула қурол заводида бир хил калибр белгиланган. Россия Империясининг Пётр II ҳукмронлиги даврида ХВИИ-ХВИИИ асрларда яратилган жуда кўп қурол аслаҳа элементлари аниқ бир хил наъмуналардан қилиниши белгиланиб, ҳозирги замон стандартлаштирилишининг прототипи тарзида намоён бўлган.

1785- йили Француз муҳандиси Леблан 50 дона қурол – аслаҳа қулфларини яратди, уларнинг ҳар бири бошқа қурол – аслаҳалар учун қўшимча ишловсиз тушар эди, яъни ўзаро алмашинувчан бўлган.

1846-йилда эса Германияда темир йўллар ени (колеяси)ни ва вагон улаш илашмасининг унификацияси (бирхиллаштирилиши) амалга оширилди. 1869-йилда эса темир йўл рельси профили ўлчамлари бўйича стандарт наъмуналар тўплами чиқди.

1870 - йилда Европанинг бир қатор мамлакатларида “Стандарт” ғиштлар ишлаб чиқарила бошлади.

1891- йилда Англияда, кейинчалик эса бошқа Европа мамлакатларида стандарт, параметрлари маълум тартибга солинган бурама (резба)лар ишлаб чиқарила бошланди.

XIX асрнинг охирларига келиб Европа мамлакатлари, айниқса кўп ва майда мамлакатлар асосида шаклланган Германияда стандартлашган деб аталиши мумкин бўлган маҳсулотлар сони жуда кўпайиб кетган. Чунки катта бир мамлакат ичида кичик-кичик республикалар мавжуд бўлиб, хали умумлашган талаблар шаклланмаган, ўлчовлар тасодифий танланган эди. Масалан узунлик, Генрих-II тирсакка тенг ўлчам «локот» номи билан, буюк Карл оёғи ўлчамига тенг бирлик «фут» номи билан юритилганди¹.

1790-йилда Францияда илк бор узунлик бирлиги сифатида «метр» яратилиб, у ер меридиани чорак узунлигининг ўн миллиондан бирини ташкил этди. Орадан 85 йил ўтгач, Париж конвенциясида халқаро ўлчов ва тарозилар маҳкамаси узунлик бирлиги сифатида «метр»ни қабул қилди. Бу воқеа илмий-техник тараққиётнинг муҳим ҳодисаларидан бири бўлди².

1.2. Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг тарихий жараёнлари

Марказий Осиё мамлакатларининг, хусусан Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг бошланиши ҳақида аниқ бир рақамли вақт ва маконни келтириш аввалги бўлимнинг баъзи бир ҳолатларига тақрор бўлиши табиий. Аллома донишмандларимизнинг тарихий асарларига назар солсангиз бунга ҳеч шубҳа қолмайди. Қадимдан Ерон ва Турон Заминида ишлаб чиқариш муносабатлари, жараёнлари савдо, иқтисодий, илмий-техник ишлари ўзаро яқин ва чамбарчас ҳолатда олиб борилган. Шу муносабат билан Эрон мутаффакири Кайковуснинг XI асрда ёзилган «Қобуснома»

¹ Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 1999 Springer, 330 p.

² Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.

асаридан бир парча эслаш кифоя: «Хозирги мен яшаётган замонда инсон қўл урган ҳар қандай иш бўлмасин уларни тартибсиз қолдириб бўлмас, ҳар нарсада тартибни англаш зарур». Ҳар қандай соҳада меъросни (анъана, одат, тарбия) тартибли (стандарт) ҳолатда қолдирилишини аниқ тасдиқлаган Қайковус вақти келганда кўп ишга улгуришни назарда тутган эди. Асарда санъат, ҳайкалтарошлик, мусиқа ва бошқа соҳаларда инсон фаолияти хулқ атвориға кўйилган талаблар шу кунларда ҳам ўз ифода ва мазмунига эга. Қадимги алломаларимиз асарларидаги ва ота-боболаримизнинг « ...етти ўлчаб, бир кес, ...ўйламасдан сўзлама» каби ҳикматли ўғитлари стандартлаштириш жараёнларининг элементларидир.

Стандартлаштириш элементлари Турон заминидаги мамлакатлар, хусусан Ўзбекистон минтақасида бунёд этилган ноёб архитектура бойликларида, стандарт ғиштларни ранго-ранг безаклар билан уйғунлашган ўлчовларда қўлланилиши инсонни маҳлиё қиладиган: Гўри амир, Бибихоним, Пахлавон Маҳмуд, Хива ташқи ва ички қальалари, Улуғбек мадрасаси, Калон минораси, Кўкалдош мадрасаси ва бошқаларда мужассамлашган.

Марказий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистонда қадимдан: қадок (400 г атрофида), чакса (6 кг), пуд (16 кг), ботмон (160 кг) каби масса бирликлари; енлик (панжа ени, 2 см атрофида) сўям (бош бармоқ ва кўрсаткич бармоқ ўлчови – 18 см атрофида), қарич (бош бармоқ билан чинчалоқ бармоқ ўлчови-23 см), қадам (икки оёқни юришдаги ўртача оралиғи-0,75 м атрофида), қулоч (икки қўлнинг елка сатҳида чўзилишдаги узунлик-1,5 м атрофида), бир тош (тахминан 0,75 км), бир чақирим (тахминан 3 тош) каби узунлик бирликлари; таноб (100 м кв атрофида) сирт бирликлари стандарт бирликлар сифатида кенг қўлланилиб келинган. Кирпич сўзининг-қирбич, колбасанинг – қўлбос, утюг (дазмол)нинг – ўт юк каби протипларининг туркий тилда мавжудлиги, алгебранинг ал-жабр, медисинанинг – мадади сино каби тушунчалар билан уйғунлиги ҳам Марказий Осиё мамлакатларида Стандартлаштириш объект ва жараёнлари тарихининг етарлича чуқур ва мазмунлилигидан далолат беради. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда

стандартлаштиришнинг расмий босқичи 1923 йил Тошкент шаҳрида «Ўлчов ва тарозилар маҳкамаси Туркистон маркази ташкил» этилишдан бошланди. Бу марказнинг Қўқон, Самарканд, Ашхобод, Олма-Ота шаҳарларида шаҳобчалари тузилди.

1926-йилда Ўзбекистон ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссариати ҳузурида стандартлаштириш маҳкамаси бунёд этилди. У даврларда стандарт уч хил турда тасдиқланар эди: синаладиган, тавсия этиладиган, мажбурий қўлланадиган.

Ўзбекистонда стандартлаштириш ишлари Марказқўм тасдиқлаган, соҳалар таҳлилига кўра тузилган йиллик режалар асосида олиб борилар эди.

1932- йил март ойида “Ўзбекистон минтақаларини 2 хил вақт камарига ўтказиш тўғрисида” Совнарком қарори қабул қилинди: 4-вақт камари (Москва вақтига + 2 соат) ва 5-вақт камари (Москва вақтига +3 соат).

Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг замонавий босқичи 1973 йили Ўзбекистон Республикаси давлат Стандарт бошқармаси (Ўздавстандарт) ташкил этилган

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, яъни 1992 йил март ойидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил қилиш тўғрисида” ги 93-қарори қабул қилингандан буён, стандартлаштиришнинг янги даври бошланди.

1993-1998 ва 2000-2003 йилларда Ўзбекистонда стандартлаштиришни жадаллаштириш борасида бир қатор ўта муҳим ҳукумат қарорлари чиқди, муайян чора-тадбирлар белгиланди. 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 342-қарорига биноан “Ўздавстандарт” – “Ўзстандарт” агентлиги номи билан янги босқичда фаолият олиб бормоқда. Стандартлаштиришни ривожлантиришнинг халқаро стандартлаштириш жараёни билан уйғунлашган асосий йўналишлари белгиланиб, соҳалар стандартлари, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва

жорий этиш бўйича ваколатли давлат муассасалари, назорат қилиш ва кузатиб бориш бўйича идора ва ташкилотлар белгиланди.

1.3. Стандартлаштиришнинг ривожланиш сабаб ва омиллари

XX асрдаги умумтехникавий ривожланиш, шу жумладан қуролланиш пойгалари стандартлаштиришни ривожланишига катта туртки бўлган.

Хусусан, биринчи жаҳон уруши вақтида ва унинг тугалланишидан кейин бир қатор мамлакатлар: Голландия, Германия, Франция, Швеция Австрия, Венгрия, Белгия, Италия, Япония ва бошқаларда стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлар тузилган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин эса яъни, 1946 йилда Халқаро стандартлаштириш ташкилоти тузилишига асос солинди.

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида техника тараққиётида жиддий ютуқларга эришилди, саноат ва ишлаб чиқаришни йириклашуви вужудга келди. Бу эса бир қатор ривожланаётган мамлакатларда стандартлаштиришга эътиборни кучайтирди. Бу мамлакатларнинг баъзиларида миллий стандартлаштириш ташкилотлари пайдо бўлди.

Стандартлаштириш қўмитаси барпо бўлган мамлакатлар орасида Англия биринчи бўлди. Қўмитанинг асосий вазифаси Буюк Британия империяси иқтисодий салоҳиятини, ашё-маҳсулот, ҳарбий техника ва бошқа буюмларга стандартлар ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш ҳисобига амалга оширишни кўзлашдан иборат эди.

Ўтган асрнинг охирига келиб стандартлаштириш бўйича АҚШ, Япония ва Европа мамлакатлари етакчиликка еришдилар. Бу мамлакатларда иқтисод жадал ривожланиб борди ва улар жаҳон бозорида мустаҳкам ўрнишиб олдилар.

Шу тариқа жаҳон бозорида XXII асрнинг бошларига келиб АҚШ, Япония ва Европа мамлакатлари маҳсулотлари эркин савдода ҳукмронлик қила бошлади. Ҳозирги кунда буларга буюк Хитой, Жанубий Корея, Малайзия ва Туркия каби бир қатор ривожланаётган мамлакатлар ҳам қўшилиб бормоқдалар.

Стандартлаштиришнинг мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантириши уларнинг халқаро бозорда гегемонлигини кучайтиришга олиб келди. Ҳатто шу даражага келдики, сифатли маҳсулот яратган аммо стандартлаштириш бўйича етакчи бўлмаган мамлакатлар жаҳон бозорига эркин йўл топа олмай қолдилар.


1.4. Стандартлаштириш ва уларга жавоб бериладиган саволларнинг мақсади

Бу тадқиқот унда стандартларга муҳтож бўлган ташкилотлар ва стандартлаштириш хизматларини таклиф қиладиган ташкилотлар бош актерлар (ҳаракат қатнашчилари) бўлиб ҳисобланадиган жараёнга тааллуқли бўлади. Кейингиларига расмий миллий стандартлаштириш ташкилотлари томонидан чегаралашлар қўйилади (ҳатто, худди NSOs нинг қисқартириб юборилганлиги каби). Бу тадқиқотнинг мақсадлари қуйидагича ифодаланиши мумкин:

1. Умуман стандартлаштириш ҳодисасининг табиатини кўпроқ очиб бериш;
2. Миллий стандартлаштириш ташкилотларининг ролини кўпроқ очиб бериш;
3. Стандартлаштиришга муҳтож бўлган ҳаракат қатнашчиларига амалий ёрдам кўрсатиш учун асосларни шакллантириш;
4. Миллий стандартлаштириш ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатиш учун асосларни шакллантириш.

NSOs тўғрисида хулосалар қилиш ҳолатига эга бўлиш учун стандартларни ривожлантирадиган бошқа ташкилотларни (SDOs) ўрганиб чиқиш зарур бўлади.

1.1 расмда тасвирланган схема стандартлаштириш бўйича хизматлар уларга йўналтирилган жараёнларни энг содда кўринишда тасвирлайди. Унинг содда бўлиши учун тескари боғланиш тушириб қолдирилган³.



1-расм. Стандартлаштириш бўйича хизматлар йўналтирилган жараёнлар.

Стандартга мухтож бўлган ҳаракат қатнашчилари (актерлар) кўпинча стандартлаштиришни осонлаштирадиган SDO ёки NSO каби учинчи шахснинг хизматларидан фойдаланадилар. Бу тадқиқотда жавоб бериладиган асосий саволлар қуйидагилардир:

Миллий стандартлаштириш ташкилотлари стандартлаштиришни енгиллаштириш учун ҳаракат қатнашчиларига қандай хизматларни таклиф қилиши лозим?

Бу саволга бугунги кундаги амалдаги амалиётни, ҳаракат қатнашчиларини, уларнинг эҳтиёжлари ва истакларини ҳисобга олган ҳолда жавоб бериш лозим бўлади. Шу сабабли унга қуйидаги саволлар қўшимча қилиниши мумкин:

³ Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.

Бу саволларга битта ҳам жавоб бўлмаслигини ҳам кутиш мумкин. Мамлакатда бозорнинг стандартлаштириш хизматларига бўлган эҳтиёжи, масалан, қуйидагиларга боғлиқ ҳолда фарқ қилиши мумкин:

- мамлакатнинг ўлчами ва иқтисодий потенциали;
- бош савдо-сотиқ тармоқлари;
- бизнес-маданият;
- сиёсий маданият;
- мамлакат ривожининг умумий даражаси.

Шу фарқлар туфайли, гарчи умумий элементларни кутиш мумкин бўлсада, умумий жавобларни бериб бўлмайди.

Мамлакатда амалдаги SDOs ўзларининг таклиф қиладиган хизматлари ва ўзаро муносабатлари билан NSOs дан, масалан, қуйидагилар бўйича фарқ қилади:

- ўлчам: 1 - 800 ходимлар;
- юридик структура: хусусий ташкилот ёки ҳукумат бюроси;
- маҳсулот ёки хизматлар портфели: стандартларни ишлаб чиқишнинг нисбий улуши, стандартларни сотишнинг нисбий улуши, инфорацион хизматлар ва бошқа ҳаракатларнинг (агар мавжуд бўлса) нисбий улуши.

Шу сабабли 4 ва 5 саволларга бир қийматли жавоб бериб бўлмайди, бироқ умумий элементлар қидириб кўрилади.

1.5. Стандартлар ва стандартлаштириш тушунчаси

Миллий стандартлаштириш ташкилотларининг ҳаммаси стандартлаштиришнинг Стандартлаштириш Гиди томонидан ўрнатилган расмий таърифланишига ISO/IEC 2 (ISO/IEC, 1991) бажонидил рози бўлади.

Стандартлаштириш амалдаги ёки потенциал муаммоларни, умум фойдаланиши ёки такрорий фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш

фаолиятидир, унинг мақсади ушбу контекстда буюртмаларнинг оптимал даражасига эришишдан иборат бўлади⁴.

Эслатмалар:

1. Хусусан бу фаолият стандартларни ифодалаш, нашр қилиш ва амалга оширишдан иборат бўлади.

2. Маҳсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг мўлжалланган мақсадларга яроқлилини яхшилаш, савдо-сотиқдаги тўсиқларнинг олдини олиш ва технологик ҳамкорликка кўмаклашиш стандартлаштиришнинг муҳим фойдаси бўлиб ҳисобланади.

Бироқ, бу таъриф фақатгина расмий стандартлаштириш ташкилотлари томонидан (FSOs) стандартлаштиришга таллуқли бўладими ёки томонларнинг умум фойдаланиши ёки такроран фойдаланиши шарт-шароитлари учун ишлайдиган муассасаларга ҳам тааллуқли бўладими, шуниси тушунарсиз. Бундан ташқари, таъриф йиғилиш учун дизайн, стандарт дастурий таъминотни ёки қонунчиликни яратиш каби одатда стандартлаштириш томонидан тан олинмайдиган воқеъликларга ҳам тааллуқли бўлади.

ISO/IEC ни таърифлаш учун асосий фарқлар:

- стандартлаштиришнинг иқтисодий жиҳати: афзалликларни яратиш ва катнашувчи томонларнинг эҳтиёжларини мувозанатлаш;

- муаммоларнинг улар учун ечимлар танланган турларининг характеристикалари;

- ечимларнинг характеристикаси: корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларининг чекланган жамланмаси.

Таъриф бу тадқиқот учун жўнаш нуқтаси бўлиб ҳисобланади. Стандартлаштириш ва NSO хизматларини муҳокама қилишда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

⁴ Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.

- стандартлаштириш харажатлари ва унинг фойдасини эътиборга олиш билан эҳтиёжларни мувозанатлаш усули,
- ечимларни аниқлайдиган ва ёзадиган жараёнлар;
- муаммоларга мос келишнинг характери;
- манфаатдор корхоналар;
- вақт аспекти: маълум бир давр давомида фойдаланиш учун бир марталик ечим, шундан кейин янги стандарт амалга оширилиши мумкин.
- стандартлаштиришда қатнашадиган томонлар;
- стандартлаштириш натижасидан фойдаланадиган томонлар;
- бу натижалардан ҳақиқатан ҳам фойдаланилишини кутиш фойдасига аргументлар (асослар).

Стандартлар

Гид ISO/IEC 2 стандартни куйидагича таърифлайди:

Стандарт - умумий келишув бўйича ўрнатилган, умум томонидан маъқулланган ва тан олинган, ушбу контекстда буюртмаларнинг оптимал даражасига эришиш учун қаратилган ҳаракатлар ёки натижалар учун умум фойдаланиш ёки такрорий фойдаланиш учун қоидалар, тавсиялар ёки ўзига хос хусусиятларни таъминлайдиган ҳужжатдир.

Бундан ташқари, стандартларга бўлган эҳтиёж ҳужжат формасига (қоғозда ёки электрон) шарт эмас. Стандартлаштиришнинг юқорида айtilган таърифидан фойдаланиш билан стандартни куйидагича ифодалаш мумкин:

Стандарт – амалдаги ёки потенциал мувофиқлик муаммосининг уларнинг эҳтиёжларини мувозанатлаш билан қатнашувчи томон ёки қатнашувчи томонларнинг фойдасига ишлаб чиқилган, маълум бир давр давомида ечимлар улар учун мўлжалланган томонларнинг кўп сони томонидан кўп мартаба ва уздуксиз фойдаланиши учун мўлжалланган ва шундан умид қилиш билан, чекланган ечимлар жамланмасининг маъқулланган спецификациясидир.

СТАНДАРТЛАШТИРИШ АРЕНАСИ

Стандартларга бўлган маршрутлар

1. Зарурий стандарт аниқлангандан кейин биринчи савол бундай стандарт компаниядан ташқарида ёки компаниянинг ўзида мавжудми деган саволдан иборат бўлади. Бу саволга жавоб бериш осондай бўлиб туюлади, бироқ аслида бундай эмас. Аксарият компанияларнинг сиёсати ҳеч қандай ташқи стандарт бўлмаганда ёки ташқи стандартлар мавжуд бўлгани ҳолда – компаниянинг эҳтиёжларини қаноатлантира олмаган тақдирда ўзлариинг стандартларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. Ташқи стандартлардан фойдаланиш қуйидаги афзалликларга эга:

- Бу ғилдиракни қайта қуриш ва шу билан боғлиқ бўлган харажатларнинг олдини олади.

- Бу бошқа компаниялар билан ҳамкорлик қилишда фойдали бўлади, масалан, етказиб берувчилар у билан аллақачон таниш бўлиши мумкин.

- Компания стандартларни бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида қайғурмаслиги лозим: SDO бошқариш тўғрисида қайғуради ва, умуман олганда, вақти-вақти билан уларга хизмат кўрсатиш тўғрисида ҳам қайғуради.

2. Агар ҳеч қандай қониқарли стандарт бўлмаса ва янгиси ишлаб чиқилиши зарур бўлса, бошқа томонлар билан ҳамкорлик қилиш керак ёки керак эмаслиги масаласини ҳал қилиш зарур бўлади. Стандарт бошқа манфаатларга эга бўлган бошқа томонларга тегиб ўтадиган бўлса, компания бу манфаатларни ҳисобга олиши лозим. У бошқаларни ўзи кўрсатган стандартдан фойдаланишга мажбур қилиши мумкин бўлган вазият бирдан-бир истисно бўлиши мумкин. 60-йилларда IBM да рўй берган ҳодиса бунга мисол бўла олади: периферия асбоб-ускуналарини ишлаб чиқарувчилар ёки "IBM корпорацияси" томонидан ўрнатилган техник талабларга мослашиши ёки ҳеч нарса сотмасликни танлаши лозим бўлган. Стандарт бошқа томонларга тегиб ўтмаганда, бироқ компаниянинг мувофиқлик муаммолари

ўша томонларникига ўхшаш бўлганда, ҳамкорликни ривожлантириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди.

3. Компания бўйича компания стандартларининг сони одатда ташқи стандартларнинг сонига қараганда кўп бўлади. Бироқ уларни кўпинча стандартлар деб эмас, масалан, процедуралар, йўриқномалар ёки техник шартлар деб аташади.

4. Компания стандартни ишлаб чиқиш учун ҳамкорлик қилиши керак бўлганда туғиладиган биринчи савол ким билан ҳамкорлик қилиш керак деган савол бўлади.

“Улушлар” манфаатдор томонлар ўртасида аниқлаб олиниши ва баҳоланиши лозим. Мос келувчи томонлар ва уларнинг мос келувчи манфаатлари маълум бўлганда, ёки ҳеч бўлмаганда қисман маълум бўлганда, турли томонлар ўртасидаги муносабатларни текшириш бошқа ҳаракат қатнашчиларининг стандартлаштириш масаласи бўйича ҳолатини аниқлашдан бошланади. Бошқача қилиб айтганда, “стандартлаштириш аренаси” SDOs ни идентификациялашни ва уларнинг хизматларини (агар бор бўлса) ўз ичига олиш билан “картага киритилиши” лозим.

Юқорида айтилганлар асосида қуйидагиларни баҳолашга уриниб кўриш мумкин:

- стандартни яратиш учун зарур бўладиган ҳаракатлар;
- стандартни ҳақиқатан ҳам яратиш мумкинлиги имкониятлари;
- бу компаниянинг эҳтиёжларини қай даражада қаноатлантира олишининг кутиладиган даражаси (стандарт кўпинча турли хил манфаатларни акс эттирадиган келишув бўлади) ва бу билан боғлиқ бўлган афзалликлар;
- агар мос келувчи муаммо ҳал қилинмаса, кутиладиган йўқотишлар.

5. Стандарт ишлаб чиқишга қарор қилингандан кейин кейинги масала кимни – барча манфаатдор томонларними ёки фақатгина улардан баъзи бирларини жалб қилиш кераклиги масаласи бўлади.

6. Ҳар иккала ҳолатда ҳам SDO таклиф қиладиган платформадан фойдаланиш ёки фақатгина танлаб олинган томонлар билан иш кўришни танлаш имконияти мавжуд бўлади. Кейинги вариантни танлашни берилган ҳолат учун амалдаги стандартлаштириш, яъни SDO нинг кўллаб-қувватлашисиз стандартлаштириш деб аташ мумкин.

7. Ҳамма манфаатдор томонлар рози бўлган тақдирда FSOs ёки SDOs ни танлаш мумкин. FSOs NSOs ни ўз ичига олади. Халқаро даражада ёки Европа даражасида FSOs да иштирок этиш умуман олганда фақатгина NSOs орқали мумкин бўлади. Бошқа SDOs лар ташкилотнинг бўлимларини, секторли SDOs ни, профессионал ассоциациялар ва саноат консорциумларини ўз ичига олади. Бироқ улар кўпинча манфаатдор томонларнинг барча категорияларига иштирок этиш имконини бермайди. Шу сабабли ҳаракат қатнашчисини танлаш, кимни таклиф қилиш SDO ни танлашга катта таъсир кўрсатиши мумкин. Бу танлаш шунингдек қуйидагиларга ҳам боғлиқ бўлади:

- стандартлаштириш бўйича таклиф қилинган хизматлар портфели;
- бу хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- бу хизматларнинг унумдорлигининг баҳоси/даражаси;
- SDO нинг обрўси;
- стандартларнинг кутиладиган сифати.

Амалиётда танлаш бу ерда таклиф қилинганига қараганда анчагина мураккаб, чунки ҳаракатларга тўсиқ бўладиган кўпгина ташкилотлар мавжуд, сиёсий қарашлар ҳам танловга таъсир кўрсатиши мумкин. Кучли таъсирга эга бўлиш учун кўпинча худди ўша мавзуни муҳокама қилаётган бир нечта комитетларга қўшилиш зарур бўлади.

8. Қандай платформа танланишидан қатъий назар, стандартлаштириш ҳар доим қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мос келувчи муаммо учун ечимларни лойиҳалаш;
- бу ечимлар асосида қарор қабул қилиш;
- ечимларни ёзиш;

- манфаатдор томонларга маълум қилинадиган стандартларни яратиш;
- стандартларни тарқатиш.

Назорат саволлари

1. Эрамахдан олдинги стандартлаштириш
2. Стандартлаштириш илк босқичлари
3. Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг тарихий жараёнлари
4. Стандартлаштиришнинг ривожланиш
5. Стандартлаштириш бўйича хизматлар йўналтирилган жараёнлар
6. Стандартлаштириш тушунчаси

Назорат топшириқлари

1	“Метр” ўзинлик ўлчови қачон гима асосида қабул қилинган.	1790-йилда Францияда илк бор узунлик бирлиги сифатида «метр» яратилиб, у ер меридиани чорак узунлигининг ўн миллиондан бирини ташкил этди. Орадан 85 йил ўтгач, Париж конвенциясида халқаро ўлчов ва тарозилар маҳкамаси узунлик бирлиги сифатида «метр»ни қабул қилди.
2	Қўқон, Самарканд, Ашхобод, Олма-Ота шаҳарларида ўлчов ва тарозилар бўйича ташкилот қачон ташкил этилган.	«Ўлчов ва тарозилар маҳкамаси Туркистон маркази ташкил» этилишдан бошланди.
3	Ўзбекистонда стандартлаштиришнинг янги даври қайси қарор билан ва қачон бошланди.	Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, яъни 1992 йил март ойидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нинг “Ўзбекистон республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил қилиш тўғрисида” ги 93-қарори қабул қилингандан буён, стандартлаштиришнинг янги даври бошланди.
4	Гид ISO/IEC 2 стандартни қуйидагича таърифлайди:	Стандарт - умумий келишув бўйича ўрнатилган, умум томонидан маъқулланган ва тан олинган, ушбу контекстда буюртмаларнинг оптимал даражасига эришиш учун қаратилган ҳаракатлар ёки натижалар учун умум фойдаланиш ёки такрорий фойдаланиш учун қоидалар, тавсиялар ёки ўзига хос хусусиятларни таъминлайдиган ҳужжатдир.

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.

Ахборат манбалари

1. www.ima.uz
2. vtww.academy.uz
3. www.standart.uz
4. www.smsiti.uz

2-Мавзу: ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАШТИРИШ ФАОЛИЯТИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ

Режа:

- 2.1. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти - ISO ва унинг фаолиятлари.
- 2.2. Халқаро электротехника комиссияси – ISO/IEC.
- 2.3. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ишларда қатнашувчи халқаро ташкилотлар.
- 2.4. Сифат бўйича Европа ташкилоти (ЕОК)
- 2.5. Синов лабораторияларининг аккредитлаш бўйича Халқаро конференцияси (ИЛАК)
- 2.6. Стандартлаштириш бўйича Европа комитети (CEN)
- 2.7. Электротехникада стандартлаштириш бўйича Европа комитети (CENELEC) ва бошқалар.

2.1. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти - ISO ва унинг фаолиятлари

Биринчи стандартлаштириш миллий ташкилоти - Британия Ассоциацияси /British Engineering Standards Association/ 1901 йилда ташкил этилган бўлиб, биров кейинроқ, биринчи жаҳон уруши даврида Дания бюроси, Германия қўмитаси (1918 й.), Америка қўмитаси (1918 й.) ва бошқалар ташкил топди.

Стандартлаштириш соҳасидаги ишлар халқаро марказ кераклигини тақазо қилди. Шу мақсадда 1926 йили стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотларнинг Халқаро Ассоциацияси (ISA) пайдо бўлди. ISA нинг таркибига 20 мамлакат вакиллари кирди.

1938 йили Берлин шаҳрида стандартлаштириш бўйича Халқаро съезд очилди. Унинг таркиби турли техника соҳалари бўйича 32 та қўмита ва кичик қўмиталардан ташкил топди. 1939 йили бошланган иккинчи жаҳон уруши ISA нинг фаолиятини тўхтатиб қўйди⁵.

⁵ Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.

Ҳозирги Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Standards Organization) 1946-1947 йиллари ташкил топди, уни қисқача ISO деб юритилади. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси таркибида фаолият кўрсатиб, ривож топмоқда.

ISO нинг тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсад - халқаро миқёсдаги мол алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришдир.

Бу мақсадларни амалга ошириш учун:

– дунё кўламида стандартларни ва улар билан боғлиқ бўлган соҳаларда уйғунлаштиришни енгиллаштириш учун чоралар кўриш;

– халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва чоп этиш (агар ҳар бир стандарт учун унинг фаол ташкилий ва кичик кўмиталарининг иккидан уч қисми маъқуллаб овоз берса ва умумий овоз берувчиларнинг тўртдан уч қисми ёқлаб чиқса, стандарт маъқулланиши мумкин);

– ўз кўмита аъзоларининг ва техникавий кўмиталарнинг ишлари ҳақида ахборотлар алмашинувини ташкил қилиш;

– соҳавий масалалар бўйича манфаатдор бўлган бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш кўзда тутилади.

ISO раҳбар ва ишчи кўмита идораларидан ташкил топган. Раҳбар идоралари таркибига Кенгашнинг юқори идораси - Бош Ассамблея, Кенгаш, ижроия бюроси, техникавий бюро, кенгашнинг техникавий кўмиталари ва марказий секретариати киради.

ISO да президент, вице-президент, ғазиначи ва бош секретарь лавозимлари мавжуд. Бош Ассамблея - ISO нинг Олий Раҳбари бўлиб, ISO нинг йиғилиши уч йилда бир марта бўлади. Унинг сессиясида президент уч йил муддат билан сайланади.

Бош Ассамблея ўтказиш вақтида саноат соҳасида етакчи мутахассислар иштирокида халқаро стандартлаштиришнинг муҳим муаммолари ва йўналишлари муҳокама қилинади.

ISO кенгаши йилига бир марта ўтказилиб, унда ташкилотнинг фаолияти, хусусан, техникавий идораларнинг тузилиши халқаро стандартларнинг чоп этилиши, кенгаш идораларининг аъзоларини ҳамда техникавий қўмиталарнинг раисларини тайинлайди ва бошқа масалалар кўрилади.

ISO таркиби иккита ташкилот ташкил этади, яъни ISA ва 1944 йилда асос солинган, БМТ қошидаги стандартларни мувофиқлаштириш қумитаси – UNSCC, унинг штаб-квартираси Лондонда жойлашган. ISO ни яратишдан мақсад – “... халқаро миқёсда саноат стандартларини унификациялаштириш ва мувофиқлаштиришни енгиллаштириш...”. Ҳозирги кунда 150 та мамлакат ISO ташкилотининг аъзоси ҳисобланади.

ISO халқаро ноҳукумат ташкилотидир. ISO расмий тили рус, инглиз ва француз тиллари деб тан олинган. Ташкилотнинг бюджети йиллик аъзолик тўловларидан ва ИСО нашрларидан олинган фойдалардан таркиб топган.

ISO нинг қонунчилик идораси Бош ассамблеяси бўлиб, ҳар уч йилда бир маротаба йиғилади.

Бош ассамблеянинг сессиялар орасида ISO раҳбарияти президент бошчилигида Кенгаш ўтказилади. ISO Кенгашини ISO нинг бош директори бошчилигида Ижро қумитаси ва Марказий котибиат орқали фаолиятни амалга оширади⁶.

ISO нинг асосий қумиталари бўлиб, стандартлаштириш бўйича илмий-техник ахборотлар тамойилини ўрганиш бўйича доимий қумита – INFCO, Маҳсулотларни аттестациялаш бўйича қумита – SERTICO, ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича қумита – DEVCO ҳисобланади.

⁶ Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.

ISO нинг энг муҳим идораси бўлиб Стандартлаштириш тамойилларини илмий ўрганиш бўйича доимий қумита (The Standing Committee for Study of Scientific Principles of Standardization) ҳисобланади. Уни қисқартиган ҳолда ISO/СТАКО ёки оддийгина СТАКО (STACO) деб номланади.

ISO нинг асосий вазифаси махсус ташкил этилган техник қумиталар (ISO/TK) ва қумита ости қумиталари (ISO/TK/ПК) халқаро стандартларни ишлаб чиқишни бажаради.

1994 йилга келиб, ISO таркибига 100 та миллий ташкилотлар, жумладан, улар қаторига МДХ мамлакатлари ҳам аъзо бўлди.

ISO нинг энг муҳим йўналишлари бўлиб сифат, ахборот технологиялари, халқаро стандартлар билан ишловчи бошқа кооперациялар, атроф-муҳит, таълим йўналишлари ҳисобланади.

ISO қуйидаги ҳужжатларни нашр этади:

- ҳарфли индекси ва сонли рақами мавжуд бўлган халқаро стандартларини (масалан, ISO 1000);

- гуруҳли мавзулари ва қўлланиш соҳаси бўйича жойлаштирилган халқаро стандартларнинг йиллик каталогини (ISO Catalogue);

- ISO тузилмаси ва унинг ҳар бир техникавий қумитасининг фаолият соҳаси ҳақидаги ахборотлардан тариб топган йиллик маълумот (справочник) ларни (ISO Memento).

ISO аъзолари ёки муҳбир-аъзолари мамлакатда стандартлаштиришнинг ривожлантириш даражасига алоқадорлигидан келиб чиқиб, стандартлаштириш бўйича миллий стандартлаштириш ташкилоти бўлиши мумкин. ISO таркибига кириш тўғрисидаги таклифлар ISO марказий котибиатига жўнатилади (Швейцария, Женева шаҳри).

1972 йилгача стандартлаштириш бўйича ISO ҳужжатларига тавсия сифатида қаралган. Ҳозирги вақтда бундай ҳужжатлар ISOга аъзо-мамлакатларнинг барчаси учун халқаро стандартлар мавқиега эга.

Ҳозирги пайтда ISO туристик, меҳмонхона, молиявий, суғурталаш хизматларни, хўжалик техникаларини таъмирлаш бўйича хизматлар ва

кадрларни тайёрлаш ва таълим бўйича хизматларни стандартлаштириш бўйича кенг миқёсдаги ишларни ривожлантирмоқда.

ISO 1995 йилда Интернетда ўзининг Welcome to ISO Online <http://www.iso.ch>. номли саҳифасини очди.


ISO ташкилотининг ташкилий тузилмаси 2.1-расмда келтирилган. Бош бошқарув органи Генерал ассамблея бўлиб ҳисобланади. Генерал ассамблея сессиялари ўртасидаги вақтда ташкилий ишларни стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлари вакиллари кирувчи ISO Кенгаши бошқаради.

ISO Кенгашига етти та STACO, PLACO, CASCO, DEVCO, COPOLCO ва REMCO қумиталари бўй сўнади.

STACO ISO Кенгашига халқаро стандартларни ишлаб чиқиш усули ва принциплари бўйича услубий ва ахборот ёрдам кўрсатади.

У асос солувчи стандартлаштириш принципларини ўрганиш ва ушбу соҳадаги оптимал натижаларга эришиш бўйича тавсияларни тайёрлайди. STACO савдони ривожлантириш учун халқаро стандартларни қўллаш бўйича терминологик ва семинарларни ташкиллаштириш билан ҳам шуғулланади. PLACO томонларнинг ишларини ташкиллаштириш ва техникавий мувофиқлаштириш, ISOнинг ишларини режалаштириш бўйича тавсияларни тайёрлайди.

CASCO маҳсулотлар, хизматлар, жараёнлар ва сифат тизими стандартлари талабларига мувофиқликни тасдиқлаш, синов лабораторияларини лаёқатлилиги ва сертификатлаштириш идорларига тегишли масаллар билан шуғулланади. CASCOнинг энг муҳим иши – миллий ва ҳудудий сертифициатлаштиришларни қабул қилиш ва ўзаро тан олиш, ҳамда мувофиқликни тасдиқлаш ва синаш соҳаларида халқаро стандартлардан фойдаланишга кўмакашади.



2.1-расм. ISO ташкилотининг ташкилий тузилмаси

DEVCO стандартлаштириш соҳасида ривожланаётган мамлакатлар таклифлари ўрганади ва ушбу соҳада бу мамлакатларга кўмаклашиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқади.

COPOLCO истеъмолчилар қизиқишларини ва стандартлаштириш орқали кўмаклашиш имкониятларни таъминлаш масалаларини ўрганади ҳамда халқаро стандартлар тўғрисидаги зарурий маълумотларни уларга етказиш билан шуғулланади. Бунда уни нашр этаётган: “Истеъмол маҳсулотларини солиштириш синовлари”, “Истеъмолчилар учун маҳсулотлар тўғрисида ахборотлар”, “Истеъмол маҳсулотларини

эксплуатация қилиш тавсифларини ўлчаш усуллари стандартларини ишлаб чиқиш” ва бошқа қўлланмаларини энг катта ўрин тутди.

REMCO стандарт намуналар (эталонлар)га тааллуқли масалалар бўйича қўлланмаларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бундан ташқари REMCO халқаро метрология ташкилотлари, хусусан, МОЗМ – халқаро конунлаштирувчи метрология ташкилоти билан стандарт намуналар бўйича ISO нинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи бўлиб ҳисобланади.

Халқаро стандартларнинг лойиҳаларини техникавий қумиталар ишлаб иқишади. Техникавий қумиталар (ТҚ) муайян техника соҳасида ишловчи умумтехник ва қумиталарга бўлинади. ТҚ доирасида қумита ости қумиталари (ҚҚ) ва ишчи руҳлар (ИГ) ишлашади.

ISO нинг: халқаро ўлчаш бирликларини ишлаб чиқиши; резбаларнинг метрик тизимини қабул қилиши; барча турдаги транспортларда юклани ташиш учун контейнерларнинг стандарт ўлчамлари ва конструкцияси тизимини қабул қилиши муҳим аҳамиятга эга бўлган ютуқларга эришган. Ҳозирги пайтда жуда муҳим бўлган, ISO 9000 серияли стандартларни ишлаб чиқиш ТҚ 176 “Сифатни таъминлаш тизимлари” қумитасининг иши эканлиги билан долзарб ҳисобланади.

ISO халқаро стандартлари мажбурий бўлиб ҳисобланмайди, бироқ, ҳар бир давлат уларни тўлиқ қабул қилмаслиги ёки умуман қабул қилмаслик ҳуқуқига эга. Аммо, ўзининг маҳсулотларини халқаро бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш учун бу стандартларни қабул қилишга ўз-ўзидан мажбурдир. Шунинг учун бир қача давлатлар стандартлаштириш объектларига ўзининг миллий стандартларини яратмасдан мавжуд бўлган мос стандартларни қўллашга интилишади.

2.2. Халқаро электротехника комиссияси – ISO/IEC

Электротехника соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича ишлар 1881 – йилда бошланган. Бунда Электр бўйича биринчи халқаро конгресс тузилди. 1904 – йилда Сент-Луисда (АҚШ) ҳукумат вакилларининг Электр

бўйича халқаро конгресси мажлисида электр машиналар атамаларини ва параметрларини стандартлаштириш масалалари билан шуғулланувчи махсус идора тузиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилинди.

Бундай идора – Халқаро электротехник комиссия (IEC) расмий равишда 1906 – йилда Лондонда 13 мамлакат вакилларининг конференциясида тузилди.

1946 – йилда ISO тузилди ва унга IEC ўзининг молиявий ва ташкилий масалаларда мустақиллигини сақлаган ҳолда алоҳида ҳуқуқлар билан қўшилди.

Бу ташкилотларнинг секретариатлари ҳудудий жиҳатдан бир бинода Женевада жойлашган.

ISO ва IEC нинг фаолият соҳалари аниқ чегараланган – IEC электротехника, электроника, радиоалоқа, приборсозлик соҳасида, ISO эса қолган барча соҳаларда стандартлаштириш билан шуғулланади.

Мамлакатлар ўзларининг миллий қўмиталари билан IEC да қатнашади. Миллий қўмиталар саноатнинг барча соҳалари манфаатларини ифодалайди. Кўпчилик мамлакатларда бундай миллий ташкилотлар қатнашади. Бу билан бир қаторда баъзи мамлакатларнинг IEC да қатнашувчи миллий қўмиталар стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлардан мустақил равишда фаолият юритади (масалан, бундай мамлакатларга Франция, ГФР, Италия, Бельгия ва б. киради).

Ҳозирги вақтда 41 миллий қўмита IEC аъзосидир. Бу мамлакатларда жаҳонда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг 95 % ни истеъмол қилувчи ер шарининг 80 % аҳолиси яшайди. Булар асосан саноати ривожланган мамлакатлар. Шунингдек саноат тармоқларига эга бўлган ривожланиб келаётган қатор мамлакатлардан иборат. IEC нинг расмий тили – инглизча, французча ва русча.


IEC нинг асосий вазифаси юқорида номи келтирилган соҳаларда Халқаро стандартларни яратишдан иборат.

IEC ning oliy rahbar idorasi Kenqash b'ulib, bunda mamlaqatlarning barqa milliy q'umitalari qatnashadi. Saylanuvchi lavozimli шахslарга президент уч йиллик мухлатга сайланади, вице-президент, хазначи ва бош секретарь киради.

IEC техник идораларининг тузилмаси ISO даги каби: техник қўмиталар (ТҚ), кичик қўмиталар (КҚ) ва ишчи гуруҳлар (ИГ) дан иборат. Умуман, IEC да 80 дан ортиқ ТҚ бор бўлиб, буларнинг бир қисми халқаро умумтехник ва тармоқлараро характердаги стандартларни (масалан, атамалар бўйича, график тасвирлар, стандарт кучланишлар ва частоталар, иқлим синовлари ва б.), бошқа қисми эса, махсулотнинг муайян турлари учун (трансформаторлар, электрон техника буюмлари, маиший радиоэлектрон аппаратлари ва б.) стандартларни ишлаб чиқади.

IEC стандартларини яратиш процедураси унинг Устави, Процедура қоидалари ва техник ишлар бўйича Умумий директивалар томонидан белгиланади. Ҳар 1-1,5 йилда ТҚ (КҚ) мажлисларда ўз ишларининг дастурларини тузади (ёки тўғрилайди). Ҳар йили IEC дастурига 500 гача ва бундан ҳам ортиқ янги, халқаро стандартларни яратишни кўзда тутувчи мавзулар киритилади. IEC/ISO ишлаб чиққан ва 1990 йил 1 февралдан амалга киритилган Директиваларга мувофиқ амалдаги стандартни қайта кўриб чиқиш янги мавзунини ишлаб чиқиш каби қаралади.

ISO каби, 1972 йилда IEC ўз тавсияномаларини халқаро стандартлар деб номлади.



2.2-расм. МЭК халқаро ташкилотининг ташкилий

Хозирги вақтда 2 мингдан ортиқ халқаро IEC стандартлари яратилган, бунда IEC стандартлари ўзларида маҳсулотга ва маҳсулотни синаш методларига техник талабларнинг мавжудлиги нуқтаи назардан ISO стандартларига нисбатан анча тўлиқ тузилган бўлади. Буни, бир томондан, IEC нинг фаолият соҳасига кирган маҳсулотга талабларда хавфсизликка оид талаблар асосий ҳисобланиши билан тушунтириш мумкин, бошқа томондан эса, кўп ўн йилликлар давомида тўпланган иш тажрибаси стандартлаштириш масалаларини анча тўлиқ ҳал қилишга имкон беради.

2.3. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича ишларда қатнашувчи халқаро ташкилотлар

Халқаро миқёсда метрология соҳасида қонунлаштирувчи халқаро ташкилот ҳам мавжуддир. Уни қисқартирилган ҳолда МОЗМ (Международная организация законодательной метрологии) деб аталади. Бу ташкилотнинг асосий мақсади - давлат метрологик хизматларни ва бошқа миллий муассасаларнинг фаолиятларини халқаро миқёсда мувофиқлаштиришдир.

МОЗМ фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

-МОЗМга аъзо бўлган мамлакатлар учун ўлчаш воситаларининг услубий меъёрий метрологик тавсифларининг бирлигини белгилаш;

-қиёслаш ускуналарини, солиштириш усулларини, эталонларни текшириш ва аттестатлашини, намунавий ва ишчи ўлчаш асбобларини уйғунлаштириш;

-халқаро кўламда бирхиллаштирилган ўлчаш birlikларини мамлакатларда қўлланишини таъминлаш;

-метрологик хизматларнинг энг қулай шаклларини ишлаб чиқиш ва уларни жорий этиш бўйича давлат кўрсатмаларининг бирлигини таъминлаш;

-ривожланаётган мамлакатларда метрологик ишларни таъмин этиш ва уларни зарур техник воситалари билан таъминлашда илмий-техникавий ёрдамлашиш;

-метрология соҳасида турли даражаларда кадрлар тайёрлашнинг ягона қонун-қоидаларини белгилаш.

МОЗМнинг Олий раҳбар идораси метрологиядан қонун чиқарувчи Халқаро конференцияси ҳисобланиб, у ҳар тўрт йилда бир марта чақирилади. Конференция ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини белгилайди, ишчи идораларининг маърузаларини тасдиқлайди, бюджет масалаларини муҳокама қилади.


МОЗМнинг расмий тили - француз тилидир.


2.4. Сифат бўйича Европа ташкилоти (ЕОК)

Сифатни назорат қилиш Европа ташкилоти ЕОКК (Европейская организация по контролю качества), унинг биринчи конференцияси 1957 йилда чақирилган ва унинг низоми ҳам тасдиқланди.

2.5. Синов лабораторияларининг аккредитлаш бўйича Халқаро конференцияси (ИЛАК)

ISO ва IEC ишлаб чиққан халқаро қоидаларга асосан лабораторияларни аккредитлашдан мақсад синов лабораторияларни аниқ синовлар ёки аниқ тур синовлари (ISO/IEC Руководство 2. 86) ўтказишга ҳуқуқ беришдан иборат.





2.1. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаши

Миллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш учун 1992 – йилда МДХ мамлакатларининг (Болтиқ бўйи мамлакатларидан ташқари) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаши (ДАК) тузилди.

МДХ мамлакатлари ҳукуматларининг бошлиқлари 13 март 1992 –йилда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида Битимга имзо чекди.

Бу Ҳамкорлик давлатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларнинг имкониятларини ва бойликларини бирлаштиришга, илгари тўпланган тажрибалар ва меъёрий хужжатлардан биргаликда фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришга, шунингдек фаолиятнинг бу соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга оширишга имкон берди. ДАК нинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи идора сифатида ишлари МДХ да қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- ягона меъёрий база – давлатлараро стандартлар, таснифлагичлар ва

бошқа меъерий ҳужжатларни қўлланиш ва ривожлантириш;

- ягона эталон база ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимларини шу жумладан, вақт ва частоталар, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларига оид стандарт маълумотнома маълумотлари давлатлараро хизматларини шакллантириш;

- маҳсулот ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш.

ДАК нинг техник сиёсати аъзо-давлатларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари, илмий-техникавий комиссиялари (ишчи гуруҳлари) ва стандартлаштириш бўйича давлатлараро ТҚ томонидан шакллантирилади.

ДАК фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-техникавий комиссиялар ёки ишчи гуруҳлар, вақт ва частотанинг бир хил ўлчанишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро Битимни бажариш бўйича ваколатли вакилларининг Кенгаши, шунингдек стандартлаштириш бўйича 230 дан ортиқ давлатлараро ТҚ доимий ишламоқда. Хозирги вақтда Кенгашнинг ишчи идораси Минскда жойлашган стандартлаштириш бўйича Бюродан иборат. Кенгашни ротация асосида ДАК аъзо-мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларининг раҳбарлари бошқаради.

Кенгаш давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида қатор ҳукуматлараро битимларни тайёрлади ва булар МДҲ мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг мажлисларида қабул қилинган. Бундай битимлар жумласига қуйидагилар киради:

- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида Битим (13.06.1992, Москва);

- Вақт ва частотани ўлчаш бирхиллигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим (09.10.1992, Бишкек);

- Қиёслаш ва метрологик аттестатлаш мақсадида чегарадан олиб ўтиладиган меъерий ҳужжатлар, эталонлар, ўлчаш воситалари ва стандарт

намуналарни олиб ўтишга божхона тўловлари, солиқлардан ва махсус рухсатномаларни беришдан озод қилиш тўғрисида Битим (10.02.1995, Алмати);

- Ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотга меҳнат муҳофазаси бўйича келишилган меъёрлар ва талабларни ишлаб чиқиш ва риоя қилиш тартиби тўғрисида Битим (12.04.1996, Москва);

- Эркин савдо ҳудудида техник тўсиқлар бўйича Битим (20.06.2000, Москва);

- МДХ давлатларида саёҳат соҳасида давлатлараро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича Концепция.

МДХ мамлакатларида амалдаги техник қонунларни уйғунлаштириш мақсадида ДАК да модел қонунлар ишлаб чиқилган:

- “Стандартлаштириш тўғрисида” (Парламентлараро ассамблеянинг (ПАА) 10-ялпи мажлисида қабул қилинган);

- “Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тўғрисида” (МДХ ПАА нинг 11 –ялпи мажлисида қабул қилинган).

ДАК доирасида қуйидаги битимлар тузилган ва бажарилмоқда:

- Сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказиш ва ўзаро тан олиш принциплари тўғрисида (04.06.1992, Краснодар);

- Давлат синовлари ва хилини тасдиқлаш, метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш натижаларини, шунингдек синовларни, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш лабораторияларини аккредитлаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида (06.10.1992, Тошкент);

- Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини яратиш ва қўлланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Тошкент);

- Моддалар ва материалларнинг физик константалари ва хоссалари тўғрисида маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Душанбе);

- ДАК стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар (ISO, IEC) ва Европа Иттифоқи (CEN) стандартлаштириш бўйича ташкилоти, стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилот томонидан тан олинган ва унга ISO ва IEC да қабул қилинган қоидаларга мувофиқ “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Евро-Осиё ташкилоти (EASC) номи берилган. Юқоридаги номи келтирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик, ахборот ва меъёрий ҳужжатлар билан алмашилиш ва ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш тўғрисида узоқ муддатли келишувлар имзоланган.

EASC имзоланган келишув (битимлар) га асосан халқаро ва европа стандартларини давлатлараро стандартлар орқали, EASC нинг алоҳида аъзо-мамлакатлари эса, миллий стандартлар орқали қўлланиш ҳуқуқига эга. Бу давлатлараро ва миллий стандартларни ҳам халқаро, ҳам европа стандартлари билан юқори даражада уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бундай ҳуқуқдан EASC нинг аъзо-давлатлари, бу ташкилотларда аъзолик статусидан қатъий назар, фойдаланади.

Ҳозирги вақтда МДХ давлатлараро стандартларининг жамғармасида 19000 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар бор. 1992 – йилдан бошлаб 3800 дан ортиқ давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жамғарма ДАК нинг стандартлаштириш бўйича Бюроси томонидан, ДАК аъзо-давлатларнинг миллий идоралари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Давлатлараро меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг талаблари халқаро, ҳудудий ва илғор миллий стандартлар билан уйғунлаштирилади. Бу МДХ мамлакатларининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ягона меъёрий-техник таъминотни сақлаш учун шароит яратади, шунингдек ДАК аъзо-давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни халқаро ва европа бозорига чиқаришга кўмаклашади.

2.6. Стандартлаштириш бўйича Европа комитети (CEN)

ЕИУ доирасида бирлашган бозорни яратиш бўйича вазифаларни амалга ошириш муносабати билан “техник тўсиқларни” бартараф этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Бундай техник тўсиқлар буюмларга стандартлардаги фарқ, улардан фойдаланиш қоидаларининг зидлиги, хавфсизлик техникаси бўйича фарқланувчи меъёрлар, соғлиқни сақлаш ва табиатни асраш меъёрларидаги фарқлар ҳисобига пайдо бўлади.

Бу муаммони ҳал қилишда европа стандартлаштиришига биринчи навбатда аҳамият берилади.


ЕИУ ва Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) вакилларининг 23 март 1961 йилда Парижда бўлиб ўтган мажлисида CEN нинг ташкил этилганлиги эълон қилинди (CEN 1970 – йилгача Стандартларни мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси, деб аталган). CEN аъзолари ЕИУ ва ЕЭСА нинг 18 мамлакати: Австрия, Белгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Исландия, Италия, Люксембург, Норвегия, Нидерландия, Португалия, Финляндия, ГФР, Франция, Швеция ва Швецария стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотларидан иборат. Бу – ёпиқ ташкилот бўлиб, Ғарбий Европа мамлакатларининг юқорида келтирилган иқтисодий гуруҳ аъзоларини бирлаштиради⁷.

CEN нинг биринчи мажлисидаёқ Устав ва процедура Қоидалари тасдиқланди. 1970 – йилда CEN Устави қайта кўриб чиқилади. Бунда Уставга маълум ўзгартиришлар билан бирга европа стандартлари (EN) ни мажбурий яратиш ҳам киритилган.

Стандартларни яратиш бўйича барча ишлар техник қўмиталар томонидан олиб борилади. Бундай техник қўмиталарда техник секретариатлар иқтисодий гуруҳ мамлакатларидан бири томонидан бошқарилади.

⁷ Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.

СЕН доирасида 140 дан ортиқ ТҚ тузилган. ТҚ билан бир қаторда, алоҳида масалаларни ҳал этиш учун маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган.



2.1-расм СЕН нинг ташкилий тузилмаси

СЕН вазифаси қуйидагилар воситасида хизматлар савдосини ва алмашилишни ривожлантиришга қўмаклашишдан иборат:

- СЕН аъзо-мамлакатларида яратилган стандартларни уйғунлаштириш ва европа стандартларини ишлаб чиқиш;
- ўзларининг директиваларида ва бошқа расмий ҳужжатларида ҳавола қила олишлари учун европа стандартларини ЕИУ, ЕЭСА га, шунингдек бошқа ҳукуматлараро ташкилотларга тақдим этиш;
- электротехникада стандартлаштириш бўйича Европа қўмитаси ва стандартлаштириш масалалари бўйича бошқа илмий-техник ва иқтисодий ҳудудий ҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик;

– ISO va IEC orқали халқаро стандартлаштиришга ва Европада ISO стандартларини ва бошқа халқаро стандартлар ва тавсияномаларни бир хилда қўлланишга кўмаклашиш;

– европа стандартлари асосида сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган хизматларни бериш.

CEN да стандартлаштириш бўйича ишлар кўп жиҳатдан ISO да эришилган натижалаларга асосланади ёки уларни тўлдиради.


CEN қуйидаги соҳаларда стандартлар яратади: авиация жиҳозлари, сув иситиш газ приборлари, газ баллонлари, кўтариш механизмларининг деталлари, ошхона газ плиталари, лифтлар ва юк кўтаргичлар, пайвандлаш ва қирқиш, қувурлар ва трубопроводлар, насос станциялари (фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш), стеклопластикадан тайёрланган цистерналар ва бошқалар.

CENELEC 1972 – йилда иккита ташкилот – ЕЭСА (СЕНЭЛ) аъзолари-мамлакатларининг электротехник стандартларни мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси ва ЕИУ мамлакатларининг электротехник стандартларини мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси (СЕНЭЛҚОМ) нинг бир-бирига қўшилиши натижасида тузилди⁸.

CENELEC аъзолари 17 европа давлатлари: Австрия, Белгия, Буюк Британия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Финляндия, Франция, ГФР, Швецария, Швециянинг миллий электротехник қўмиталаридан иборат. Бу давлатлар (Люксембургдан бошқалари) бир вақтда IEC аъзоси ҳисобланади.

CENELEC нинг расмий тили инглизча, французча ва немисча.

⁸ Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.



2.2-расм. CENELEK нинг ташкилиш тузилмаси

CENELEK нинг асосий мақсадлари ЕИУ билан яқин ҳамкорликда электротехник стандартлар тўпламини яратиш, шунингдек Европа эркин савдо ассоциацияси Секретариатининг ёрдамида бу ҳудуд мамлакатларида моллар ва хизматларнинг ягона бозорини таъминлашдан иборат. CENELEK аъзо – миллий қўмиталарнинг тўлиқ ўзаро келишуви билан яратилган стандартларга бу вазифани таъминлаш учун муҳим восита сифатида қаралади. CENELEK нинг асосий фаолияти аъзо-мамлакатлар миллий стандартлари ўртасидаги ва буюмларнинг стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштириш процедуралари ўртасидаги барча техник фарқларни бартараф этишга йўналтирилган. Бундай фаолият савдода техник тўсиқларга йўл қўймаслик учун зарур. Бу иш молларнинг ғарбий европа даражасида эркин юриши учун зарур ка Миллий идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш учун 1992 –

йилда МДХ мамлакатларининг (Болтиқ бўйи мамлакатларидан ташқари) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаши (ДАК) тузилди.

МДХ мамлакатлари ҳукуматларининг бошлиқлари 13 март 1992 –йилда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш тўғрисида Битимга имзо чекди.

Бу Ҳамкорлик давлатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларнинг имкониятларини ва бойликларини бирлаштиришга, илгари тўпланган тажрибалар ва меъёрий ҳужжатлардан биргаликда фойдаланиш ва уларни такомиллаштиришга, шунингдек фаолиятнинг бу соҳаларида ягона техник сиёсатни амалга оширишга имкон берди. ДАК нинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи идора сифатида ишлари МДХ да қуйидагиларни таъминлашга қаратилган:

- ягона меъёрий база – давлатлараро стандартлар, таснифлагичлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қўлланиш ва ривожлантириш;
- ягона эталон база ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш тизимларини шу жумладан, вақт ва частоталар, моддалар ва материалларнинг таркиби ва хоссаларига оид стандарт маълумотнома маълумотлари давлатлараро хизматларини шакллантириш;
- маҳсулот ва хизматларни синаш ва сертификатлаштириш натижаларини ўзаро тан олиш.

ДАК нинг техник сиёсати аъзо-давлатларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идоралари, илмий-техникавий комиссиялари (ишчи гуруҳлари) ва стандартлаштириш бўйича давлатлараро ТҚ томонидан шакллантирилади.

ДАК фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-техникавий комиссиялар ёки ишчи гуруҳлар, вақт ва частотанинг бир хил ўлчанишини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро Битимни бажариш бўйича ваколатли вакилларининг Кенгаши, шунингдек стандартлаштириш

бўйича 230 дан ортиқ давлатлараро ТҚ доимий ишламоқда. Хозирги вақтда Кенгашнинг ишчи идораси Минскда жойлашган стандартлаштириш бўйича Бюродан иборат. Кенгашни ротация асосида ДАК аъзо-мамлакатларининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий идораларининг раҳбарлари бошқаради.

Кенгаш давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида катор ҳукуматлараро битимларни тайёрлади ва булар МДХ мамлакатлари ҳукумат бошлиқларининг мажлисларида қабул қилинган. Бундай битимлар жумласига қуйидагилар киради:

- Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисида Битим (13.06.1992, Москва);
- Вақт ва частотани ўлчаш бирхиллигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида Битим (09.10.1992, Бишкек);
- Қиёслаш ва метрологик аттестатлаш мақсадида чегарадан олиб ўтиладиган меъёрий ҳужжатлар, эталонлар, ўлчаш воситалари ва стандарт намуналарни олиб ўтишга божхона тўловлари, солиқлардан ва махсус рухсатномаларни беришдан озод қилиш тўғрисида Битим (10.02.1995, Алмати);
- Ўзаро етказиб бериладиган маҳсулотга меҳнат муҳофазаси бўйича келишилган меъёрлар ва талабларни ишлаб чиқиш ва риоя қилиш тартиби тўғрисида Битим (12.04.1996, Москва);
- Эркин савдо ҳудудида техник тўсиқлар бўйича Битим (20.06.2000, Москва);
- МДХ давлатларида саёҳат соҳасида давлатлараро стандартларни ва сертификатлаштириш тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича Концепция.

МДХ мамлакатларида амалдаги техник қонунларни уйғунлаштириш мақсадида ДАК да модел қонунлар ишлаб чиқилган:

- “Стандартлаштириш тўғрисида” (Парламентлараро ассамблеянинг (ПАА) 10-ялпи мажлисида қабул қилинган);

- “Ўлчашлар бирлигини таъминлаш тўғрисида” (МДХ ПАА нинг 11 –ялпи мажлисида қабул қилиган).

ДАК доирасида қуйидаги битимлар тузилган ва бажарилмоқда:

- Сертификатлаштириш бўйича ишларни ўтказиш ва ўзаро тан олиш принциплари тўғрисида (04.06.1992, Краснодар);

- Давлат синовлари ва хилини тасдиқлаш, метрологик аттестатлаш, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш натижаларини, шунингдек синовларни, ўлчаш воситаларини қиёслаш ва калибрлаш лабораторияларини аккредитлаш натижаларини ўзаро тан олиш тўғрисида (06.10.1992, Тошкент);

- Моддалар ва материаллар таркиби ва хоссаларининг стандарт намуналарини яратиш ва қўлланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Тошкент);

- Моддалар ва материалларнинг физик константалари ва хоссалари тўғрисида маълумотларни яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида (06.10.1992, Душанбе);

- ДАК стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар (ISO, IEC) ва Европа Иттифоқи (CEN) стандартлаштириш бўйича ташкилоти, стандартлаштириш бўйича ҳудудий ташкилот томонидан тан олинган ва унга ISO ва IEC да қабул қилинган қоидаларга мувофиқ “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Евро-Осиё ташкилоти (EASC) номи берилган. Юқоридаги номи келтирилган ташкилотлар билан ҳамкорлик, ахборот ва меъёрий хужжатлар билан алмашилиш ва ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш тўғрисида узоқ муддатли келишувлар имзоланган.

EASC имзоланган келишув (битимлар) га асосан халқаро ва европа стандартларини давлатлараро стандартлар орқали, EASC нинг алоҳида аъзо-мамлакатлари эса, миллий стандартлар орқали қўлланиш ҳуқуқига эга. Бу давлатлараро ва миллий стандартларни ҳам халқаро, ҳам европа стандартлари билан юқори даражада уйғунлаштиришга ёрдам беради. Бундай

хуқукдан EASC нинг аъзо-давлатлари, бу ташкилотларда аъзолик статусидан катъий назар, фойдаланади.

Хозирги вақтда МДХ давлатлараро стандартларининг жамғармасида 19000 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар бор. 1992 – йилдан бошлаб 3800 дан ортиқ давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жамғарма ДАК нинг стандартлаштириш бўйича Бюроси томонидан, ДАК аъзо-давлатларнинг миллий идоралари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Давлатлараро меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг талаблари халқаро, ҳудудий ва илғор миллий стандартлар билан уйғунлаштирилади. Бу МДХ мамлакатларининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ягона меъёрий-техник таъминотни сақлаш учун шароит яратади, шунингдек ДАК аъзо-давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни халқаро ва европа бозорига чиқаришга кўмаклашади.

Назорат учун саволлар

1. Халқаро стандартлаштириш ташкилоти ва унинг фаолиятлари.
2. Халқаро электротехника комиссияси .
3. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар.
4. Сифат бўйича Европа ташкилоти
5. Синов лабораторияларининг аккредитлаш бўйича Халқаро конференцияси
6. Стандартлаштириш бўйича Европа комитети
7. Электротехникада стандартлаштириш бўйича Европа комитети.
8. www.ima.uz
9. vtww.academy.uz
10. www.standart.uz
11. www.smsiti.uz
12. www.uza.uz

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.

Назорат топшириқлари

1	Биринчи стандартлаштириш миллий ташкилоти	Британия Ассоциацияси /British Enginezing Standards Association/ 1901 йилда ташкил этилган бўлиб, бироз кейинроқ, биринчи жаҳон уруши даврида Дания бюроси, Германия кўмитаси (1918 й.), Америка кўмитаси (1918 й.) ва бошқалар ташкил топди.
2	ISO нинг тузилишидан кўзда тутилган асосий мақсад	халқаро миқёсдаги мол алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни ривожлантиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасида ҳамдўстликни ривожлантиришдир.
3	IEC нинг фаолият соҳалари	электротехника, электроника, радиоалоқа, приборсозлик соҳасида
4	МОЗМ фаолиятининг асосий йўналишлари	ўлчаш воситаларининг услубий меъёрий метрологик тавсифларининг бирлигини белгилаш; қиёслаш ускуналарини, солиштириш усулларини, эталонларни текшириш ва аттестатлашини, намунавий ва ишчи ўлчаш асбобларини уйғунлаштириш; халқаро кўламда бирхиллаштирилган ўлчаш бирликларини мамлакатларда қўлланишини таъминлаш;

Мавзу: 3 Озиқ-овқат маҳсулотларининг стандартлаштириш

Режа.

1. Тайёр маҳсулотларни қадоқлаш, идишларга жойлаш ва сақлашга қўйиладиган стандарт талаблар
2. Стандартларнинг синфларга булиниши.
3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини стандартлаш хусусиятлари
4. Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг умумий усуллари
5. Озиқ-овқат маҳсулотларини текширишнинг махсус усуллари
6. Озиқ-овқат корхоналарида ишлатиладиган норматив техник ҳужжатлар.

3.1. Озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган стандарт талаблар

Меъёрий ҳужжатларда келтирилган маҳсулотга қўйиладиган талабларнинг шаклланишини белгилайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришда талаб қилинадиган тадбирлар қуйидагилардан иборат:

1. Барча экстремал имкониятларни, хавфларни очиб бериш.
2. Етарли даражадаги ҳимоя воситалари мавжудлигини мўлжаллаш.
3. Маҳсулотнинг ўзидан боғлиқ бўлмаган барча ҳимоя воситаларини ҳисобга олиш.
4. Истеъмолчини огохлантириш чораларини ҳисобга олиш.

Муқаррар талабларга қуйидагилар киради:

1. Кишилар анжомлари, ҳаёти ва соғлиги учун керак бўлган маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлаш;
2. Ташқи муҳитнинг муҳофазасини таъминлаш;
3. Тежамкорлик ресурсларини таъминлаш;
4. Ўрин олиш ва ўзаро тўлдиришнинг хусусиятларини ташкил қилиш;
5. Назорат усуллари бирлигини таъминлаш;
6. Тамғалаш.

Ун ва ёрма маҳсулотларини қадоқлаш, тамғалаш, ташиш ва сақлаш ишларини стандартлаштириш

Ун, ёрма, сули пағаси ва талқонини идишларга солиб коплаш учун стандартлар қуйидаги меъёрларни белгилайди:

ун учун 1,000; 2,000; 3,000 кг; ёрма учун 0,025 га каррали бўлган ҳолда 0,400 дан 1,000 кг гача вазнда; сули пағаси учун-0,050 га каррали бўлган ҳолда 0,250 ва 0,300 кг вазнларда қадоқланади.

Алоҳида бирлик маҳсулотлар массасининг йўл қўйиладиган четланиш миқдорлари қуйидаги қийматлардан ошмаслиги керак:

1%-ун ва ёрма учун; 1%-сули пағасининг вазни 0,550 кг гача бўлганда.

Ун ва ёрмани полиэтилен плёнкасидан тайёрланган пакетларга ҳам қадоқлаш мумкин. Ун, ёрма, сули пағаси ва талқони солинган пакет ва халталарнинг умумий вазни 15 кг дан ортиқ бўлмаган картон ёки фанера кутиларга қадоқлаш мумкин.

Пакет ва халтачаларга қопланган ун, ёрма, сули пағаси ва талқонини автомобиль транспортида ташиш учун улар ускуна – идишларга жойлаштирилади. Бундан ташқари ун ва ёрмани янги ва ишлатилган матоли қопларга (50,70 кг) қоплаш мумкин.

Идиш ва қопларнинг устига типографик усулда ёки штамп ёрдамида маркалаш тамғаси босилади. Қоплаш пайтида ҳар қайси ун ёки ёрма солинган халтанинг устига ўлчами 6 x 9 см ли мустаҳкам эластик картондан, халтабоп қоғоз ёки А русумли қоғоздан қирқиб тайёрланган маркалаш ёрлиғи тиқилган ёки ёпиштирилган бўлиши керак. Ёрликда маҳсулотни тавсифловчи қуйидаги маълумотлар ёзилган бўлиши керак: ишлаб чиқарувчи ўрни ва қайси ўринга қарашлилиги; маҳсулотнинг номи (тури, нави, олий ва биринчи нав уни витаминлаштирилган бўлса, йирик шрифт билан ажратилиб кўрсатилади); вазни (кг); ишлаб чиқариш санаси (йил, ой, сана, смена номери); маҳсулотга қўйилган стандарт белгиси.

Стандартга мувофиқ ҳар қайси тур маҳсулот идишнинг устига озиқ-овқат ва энергиявий қиймати: 100 гр маҳсулотдаги оқсил, ёғ ва углевод

миқдорлари кўрсатилади.

Мавжуд стандартларга мувофиқ ун, ёрма, сули пағаси ва талқони ёпик транспорт воситаларида шу транспорт турларида маҳсулот ташиш қоидаларига мувофиқ равишда, шунингдек универсал контейнер ва пакетларда ташилади. Ун, ёрма, сули пағаси ва талқонини темир йўл транспортида ташиш учун ёпик вагонлардан фойдаланилади.

Маҳсулот ҳаво транспортида ташилиши учун улар албатта контейнер еки ящикларга жойлаштирилган бўлиши шарт.

Ун, ёрма, сули пағаси меъёрий техник ҳужжатларда кўрсатилган қоидаларга мувофиқ куруқ, тоза, яхши шамоллатиш иконияти бўлган, дон захиралари зараркунандалари бўлмаган омборларда сақланади.

3.2. Стандартларнинг синфларга бўлиниши.

Ҳозирги кунда республика халқ хўжалигининг барча соҳаларида саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумдавлат таснифи жорий этилган.

Тармоқлар стандарти стандартларни бўлимларга ажратиб таснифлаш асосида ҳисобланади. Унга таснифловчи индекс берилади, у алифбонинг бош ҳарфи билан белгиланади. Масалан, қишлоқ ва ўрмон хўжалигига « С » индекси озиқ-овқат ва таъм билиш бўйича « Н » индекси берилади.

Бўлимлар 98синфга, ҳар бир синф – 10 кичик синф, ҳар бир кичик синф – 10 гуруҳга , ҳар бир гуруҳ – 10 кичик гуруҳга, ҳар бир кичик гуруҳ- 10 турга ажратилган бўлади.

Умумдавлат таснифига кўра озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти 91 синфга, балик, сут, ёғ, пишлоқ, ун-ёрма 92 синфга, деҳқончилик маҳсулотлари 97 синфга , чорвачилик маҳсулотлари 98 синфга киритилган.

Ҳарфли индекс стандартнинг тармоқга тегишлилигини кўрсатади.

Маҳсулотнинг табиий сифат белгиларига кўра гуруҳларга йуналтирилган тур ва кичик турларга ажратиб таснифлаш унинг ботаник ва биологик белгилари, технологик хусусиятлари билан истеъмол қиймати боғлиқлигини яхшироқ

ифода этади. Баъзи стандартларда сифатнинг турли курсатгичлари классларга бириктирилган бўлади.

Биринчи классга кирувчи барча курсатгичлар бўйича энг яхши сифат меъёрларга эга маҳсулотлар киритилади. Стандартларда маҳсулотларга ҳам тегишлича ўрин берилган бўлиб, улар ўта паст кўрсатгичларга эга эканлиги таърифланади.

Стандартнинг йўналишига кўра, унда сифатнинг асосий (базис) ва сўнгги (чекловчи) меъёрлари кўрсатилган бўлиши мумкин.

Стандартлар муайян маҳсулотни баҳолашда қўлланиладиган сифат синовлари услублари тўғрисидаги, шунингдек, уни сақлаш ва ташиш шартлари тўғрисидаги кичик бўлимлар (хаволалар) кўринишида яқунланилади.

Стандартлашда сифатни баҳолаш услублари стандарти алоҳида ўринни эгаллайди. Товарлар сифатини меъёрлаш бу сифатни белгилашнинг стандарт услубларини ҳам талаб қилади.

Чунки хом-ашё ва тайёр маҳсулотни баҳолаш уларни истеъмолчи томон ҳаракатининг турли босқичларида амалга оширилади, товарни у ёки бу сифат гуруҳига киришида хатога йўл қўймаслик борасида ҳамда тегишли ҳисоб-китобларни амалга оширишда стандартлашнинг сифатни баҳолаш услублари кўзда тутилади.

Стандарт ҳужжатларининг бетида классификация системаси бўйича группанинг белгиси кўрсатилади.

Давлат стандартлари ГОСТ-индекси, регистрацион рақами ва тасдиқланган йилини ифодаловчи рақамдан иборат.

Қайта кўриб чиқилган ҳамма категориядаги стандарт ҳужжатларининг 1-бетида уларнинг белгиси ва улардан олдин бўлган стандарт белгилари ҳам кўрсатилади. Баъзида стандарт рақами олдида юлдузча қўйилади. Бу стандартга ўзгариш киритилганлигини билдиради.

Экспорт килинадиган маҳсулотларга қўйиладиган ҳужжатлар:

1. Фақат экспорт килинадиган маҳсулотларга қўйиладиган талабларни белгилайдиган стандартлар.

2. Ҳалқ хўжалиги эҳтиёжларини таъминлайдиган, ҳам экспортни таъминлайдиган маълум маҳсулотга қўйиладиган ягона умумий талабларни белгилайдиган стандартлар.

3. Ички бозор учун етиштирилган, ташқи бозор учун рақобатини таъминлайдиган сифат кўрсаткичли маҳсулотларга қўйиладиган стандартларга қўшимчалар.

Экспортга юбориладиган маҳсулотлар стандартининг номини унинг экспорт учунлиги кўрсатилади.

3.3. Қишлоқ хўжалик маҳсулотини стандартлаш хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг стандартлари илмий асосланган сифат меъёрига эга бўлиши лозим. Стандарт сифат меъёрлари пасайтирилган ҳолатда маҳсулот сифатини оширишни рағбатлантормайди. Синовларнинг ишонарли ва оператив усулларининг йўқлиги маҳсулотнинг ҳақиқий сифатини баҳолаш имконини бермайди, шунинг учун стандартларни ишлаб чиқишда ўсимлик маҳсулотига хос бўлган барча хусусиятлар ҳисобга олиниши даркор.

Стандартлашнинг биологик объектларида тегишли қишлоқ хўжаликлари маҳсулотлари учун ўзаро боғланган икки хусусият – ирсият ва ўзгарувчанлик ҳосдир. Бу хусусиятлар деҳқончилик маҳсулоти сифатига ягона талабни белгилашни қийинлаштиради. Маҳсулот сифати ундан фойдаланиш йўналишларига кўра ҳам табақаланиши даркор. Айни бир маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари ундан бир мақсадда фойдаланилганда юқори деб, бошқа мақсадда фойдаланилганда эса паст деб топилиши мумкин. Масалан, пахта чигити таркибидаги ёғнинг кўп бўлиши уни ем-хашак, маҳсулот тарзидаги қиммати ва сифатини оширади.

Мойли ва эфир мойли экинлар

Мевалари ёки уруғи мойга бой бўлган ўсимликлар мойли экинларга киради. Мойли экинлар уруғининг сифати барча умумий мажбурий кўрсаткичлар; ранги, ҳиди, таъми, ифлосланиши дон захиралари зараркунандалар билан зарарлангани тавсифланади. Айрим экин ва туркумларда дон қобиғи аниқланади.

Мойли экинлар уруғлари сифатининг белгиларини баҳолаш ва тавсифлашда айрим ўзига хос хусусиятлар мавжуд. Масалан, уруғларни қабул қилиш ва етказиб беришда бошоқли, дуккакли донли экинлар донга нисбатан намликнинг бир мунча паст мезонлари белгиланган. Бу шу билан изоҳланадики, уларда мавжуд бўлган мой намни ютиш ва тутиб туришга қодир эмас. Шу сабабли сув ажратилмайди ва фақат гидрофил моддалар, асосан, оксиллар билан тутиб турилади. Бинобарин, мойли экинлар уруғидаги боғланмаган намлик бошоқли ва дуккакли экинлар донига нисбатан намликнинг бир мунча паст миқдорларида пайдо бўлади, яъни уларнинг критик намлиги анча паст. Ана шундай хусусиятларга кўра мойли экинлар уруғи учун стандартларга биноан бошоқли ва дуккакли экинлар донига нисбатан намликнинг бошқа меъёрлари белгиланган.

Мойли экинлар уруғи туркумларидаги мавжуд аралашмалар билан ифлосланишини аниқлашда, улар икки гуруҳга – ифлос ва мойли гуруҳларга белгиланилади. Бошқа мойли экинлар уруғи мойли гуруҳга киритилади. Аралашмалар уруғининг сақланишига салбий таъсир қилади, мой миқдорини ва сифатини пасайтиради. Мой сифатига айниқса бузилган уруғлар каби аралашмалар кўп таъсир қилади. Бошқа мойли экинлар уруғи ҳам маҳсулот миқдори ва сифатига таъсир қилиши мумкин, чунки уларда мой анча кам бўлиши мумкин.

Саноат хом-ашёси сифатида ишлатиладиган эфир мойли экинлар меваларда намуналарни ажратишда қуйидагилар ажратилади; бутун нормал мевалар, бегона аралашмалар, шу ўсимликнинг эфир мойли аралашмаси, бошқа ўсимликнинг эфир мойли аралашмаси бўлган мевалар. Кўпгина

мойли экинлар уруғига умумий техник шартларнинг давлат стандартлари амал қилади, улар саноатда қайта ишлаш учун тайёрланадиган ва етказиб берилладиган уруғларнинг сифатига талабларни, қабул қилиш қоидаларини, улар сифатини белгилаш услубиетини, ташиш ва сақлаш қоидаларини белгилайди.

Мойли экинлар уруги ранги (горчица, мойликўқнор, кунжут), биологик хусусиятлари - лалми ёки кузги (рапс), уруғларнинг йириклиги (канакунжут) еки етиштириладиган зона (наша ўсимлиги) га қараб турларга бўлинади.

Экинга қараб базисли намлик 9-14 % гача, зарарли аралашма таркиби- 1-3 % ва мойлиси – 2-6 % ўзгариб туради.

Стандартлар барча мойли экинлар уруғида канакунжут бўлишига йўл қўймайди, чунки унинг таркибида заҳарли моддалар (альбуминрицин ва рицинин) бўлиб, улар мой ажратиб олингандан сўнг кунжарада қолади.

Пахта чигити ҳам мойлилар гуруҳига киради, у пахтанинг саноат навларини қайта ишлашда олинладиган навларига қараб 4 навга бўлинади; 1- биринчи навники; 2- иккинчи навники; 3- учинчи навники; 4- тўртинчи навники.

Пахта чигити навини аниқлашда, шунингдек, унинг намлиги, ифлослиги тўлиқ тўқланганлиги ҳам ҳисобга олинади. Тўқланганлик деганда чигитнинг қайта ишланганлигидан сўнг унда қолган тола ва тўқларнинг фоизлардаги таркиби тушунилади. Тўқланганлик бўйича меъёрлар чигитли пахтанинг навлари ва биологик турлари (ўртача толали, ингичка толали бўйича табакалаштирилган тарзда белгиланилади ва ҳар бир тур муайян типдаги навлар гуруҳларга бўлинади, шунингдек, пахтанинг ўртача толали навларининг неча марта линтерланишига ҳам боғлиқ бўлади).

3.4. Озиқ овқат маҳсулотларини текширишнинг умумий усуллари

1. Текширишнинг физикавий усулига қуйидагилар киради: ўлчаш (массани, оғирликни, узунликни ва ш.у.) иситиш қиздириш совутиш филтрлаш ҳайдаш.

Маҳсулот оғирлиги тарозилар ёрдамида аниқланади. Тажриба дарсларида асосан техник кимёвий тарозилар ишлатилади. Тажриба дарсларини иситиш усулидан фойдаланганда иситиш анжомлари ишлатилади. Буларга: сув ҳаммоми, электр ўчоғи, газ ўчоғи, спирт лампаси, қуритиш шкафлари, термостатлар, муфел ўчоғи киради.

Маҳсулот намлигини аниқлаш маҳсулотни сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Намликни ўлчашнинг бир неча усуллари мавжуд. Буларга: қуритиш иссиқлик таъсирида сувнинг буғланиши усули.

Маҳсулотни охириги оғирлигигача қуритиш усули қуйидагидан иборат: олинган намуна қуритиш шкафида 4-5 соат диаметри 5-6 см баландлиги 4-5 см бўлган темир бюксаларда солиб қуритилади. Бу усулнинг яхши томони шундан иборатки, аниқ натижа олинади. Лекин бошқа усулларга қараганда кўп вақт сарфланади.

Тез усулда қуритиш: қуритиш шкафида 130°C да 40 минут олиб борилади. Бу усулда намлик тез аниқланади лекин аниқлиги камроқ, чунки юқори температурада асосий маҳсулотда оксидланиш бўлади. Бу ерда учувчи кислоталар спиртлар пайдо бўлади булар намлик билан бирга йўқолади.

Инфрақизил нурлар билан қуритиш усули. Бу шунга асосланганки юқори намликни материаллар инфрақизил нурларни ютиш қобилияти кучли бўлади. Бу нурлар маҳсулотнинг ичкарасига кириб сув буғларини ютади бунда булар қизийди ва буғланади. Бунда Чижов аппарати ишлатилади. Электротермик усул пиво ишлаб чиқаришда донни заводларга қабул қилиб олишда ишлатилади.

Текширишнинг кимёвий усуллари. Шакар миқдори стандарт бўйича ГОСТ 8756.13-95 перманганат усули билан аниқланади (Бертрен усули). Бу усулда фелинг I (мис сульфатининг эритмаси CuSO_4) ва фелинг II (узум кислотаси калий ва натрийли тўзининг туйинган натрий миқдоридagi эритмаси) қўшилади. Натижада 2 валентли мис узум кислотасидаги “натрий ва калий” ўрнини олади. Бу эритма инверт шакар билан реакцияга кириб, у ердаги альдегид ёки кетон гуруҳлари икки валентли мисни қайтариб бир

валентли мисга айлантирилади охириги маҳсулот перганометрик усулда аниқланади.

Калий перманганат эритмасининг кетганига қараб жадвалдан шакарнинг миқдори аниқланади.

Консерваларда ёғнинг миқдори қўйидаги усулларда аниқланади: Сокслет аппаратида ёғ миқдорини экстракция йўли билан аниқлаш стандарт экстракция тарози усули орқали ёғ миқдорини аниқлаш рефрактометр орқали ярим тайёр маҳсулотларда ва консерваларда ёғ миқдорини аниқлаш.

3.5. Озиқ овқат маҳсулотларини текширишнинг махсус усуллари

Консерваларни қадоқлашда шиша идишларнинг ҳар хил турлари: ок зангламайдиған темирдан қилинған идишлар, алюминий ва пластмассадан тайёрланған идишлар ишлатилади. Идишлар юқори сифатли материалдан тайёрланған бўлса, унинг ичидаги маҳсулот яхши сақланади. Анализ натижаларига қараб темирнинг стандарт синфини тартиб рақамини аниқлайдилар. Тайёр идишларни қабул қилишда стандарт талабига жавоб берадим, йўқми текширадилар. Техник синаганда листларнинг қалинлиги ўлчанади ва яхшилаб кўриб чиқилади. Листларнинг қалинлиги микрометр билан 0 01 мм аниқликда улчанади. Темирнинг моҳиятига ва идишларнинг ўлчамларига қараб стандарт темирнинг тартиби танланади. Қалинлиги стандарт бўлмаған темирни ишлатганда банкалар деформацияга учрайди, бу маҳсулотнинг бузилишига олиб келади. Листларнинг ўлчамлари стандарт талабига жавоб бериши керак. Идишлар учун темир ёки қопқоқ учун лак қилиш мумкин. Бир томон ёки икки томондан стандартларнинг махсус талабига кўра. Темирни механик синаш, унинг эластиклиги, мустахамлигини аниқлашга олиб келади. Бу эса ўз навбатида герметик идишни очишига олиб келади. Ускунада темир механик синалади. Темирни техник ва механик текширгандан кейин, консерва идиш тайёрлаш учун кимёвий анализ қилинади. Темир юзасидаги рух миқдори аниқланади. Рух миқдори ядометрик усул билан аниқланади. Рухнинг миқдори 200 см юзада

(ёки 100м листда) 1 синфли темирда – 0,39 – 0,45, 2 – 0,28 – 0,38, 3 – 0,23 – 0,27 г бўлиши керак.

Темирни стандарт талабига жавоб беришини кўрғошиннинг миқдорига қараб, яъни 0,04 % дан ошмаслиги керак. Бунинг учун кўрғошин бошқа металлдан ажратилади. Кўрғошин миқдори калориметрик усул билан аниқланади. Консерваларни узок сақлаш идишларнинг кафолатли беркитилганлигига боғлиқ. Бўш ва тўлиқ идишларни кафолатли беркитилганлигини тажрибада синаш учун Бомбаго аппарати ишлатилади. Металлдан ва шишадан тайёрланган идишларнинг кафолатли беркитилганлигини аниқлаш ГОСТ 8756.18-95 да ёзилган.

Идиш қопқоқларини баҳолаш.

Техник шартларига кўра қопқоқлар оқ темирдан, қалинлиги 0,20-0,26 мм СКО – 58 идишлари учун, 0,20-0,30 мм СКО – 83 идишлари учун бўлиши керак. Қопқоқнинг ичкари қисми озиқ-овқат лаки ёки эмаль билан, ташқариси озиқ-овқат билан қопланади. Лакнинг сифати тажрибада текширилади. Қопқоқнинг ўлчамлари, қалинлиги ўлчов асбобларида ўлчанади. Қопқоқларда занг, қатланмаган, четлари узилмаган бўлиши керак. Лакли қопламалар (ичкари ва ташқариси) қора темирдан тайёрланган қопқоқлар 3 % ли тузли эритмада 120 ° С да иситилган кунгабоқар ёғида ва 12-15 % концентрацияли томат пюреда 2 соат қайнатилганда ўзгармаслиги керак. Лакли қопламалар (ичкари ва ташқариси) оқ темирдан тайёрланган қопқоқлар 3 % ли сирка кислотасида ва 2 % ли калийнинг нордон узум кислотасида 2 соат қайнатилганда ўзгармаслиги керак.

Консерва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган шиша идишлар, кимёвий ва термик мустаҳкам, деффектлари бўлмаслиги, ГОСТ 5717-95 талабларига жавоб бериши керак. Бу стандартда кўриниши, ўлчамлари, оғирлиги, техник шартлари ва қабул қилиш қоидалари кўрсатилган. Ўлчамлари, формаси, идишнинг диаметри, баландлиги, оғзи махсус ўлчов жиҳозлари орқали ўлчанади.

Шишали идишларнинг термик мустаҳкамлигини аниқлаш учун 40, 100, 60 ° С сувга 5 минут солинади. ГОСТ 17733-98 да аниқ усул ёзилган бўлиб, бунга кўра синалаётган шиша идишлар 30 минут 18 ° С да қуритиш шкафига жойлаштирилади. Техник талабларга кўра синалган идишлар қуритиш шкафида 30 минут сақланади: кейин идишлар 20 ° С сувли резервуарга солинади ва у ерда камида 1 минут сақланади. Идишлар синалгандан кейин сувдан олиб текширилади. Синашни ушлаган идишлар ёрилмайди, уларнинг сони қуйидагича аниқланади:

$$X = \frac{A * 100}{A}$$

Бунда:

A – синашни сақлаган идишлар;

A – синашга қўйилган идишлар сони.

Маълум кўринишдаги идишларга ГОСТ лар ўрнатилади. Шиша идишларнинг кимёвий мустаҳкамлигини аниқлаш учун 24 соат 10 % ли сирка кислотасида 40 °С температурада жойлаштирилади. Шиша идишларнинг ичкари босимга қаршилиги гидравлик ёки ричагли пресс орқали текширилади. Девор қалинлиги махсус электромагнит ёки индикаторли жиҳозлар орқали ўлчанади. Ювиш сифатини текширувчи текширади. У шиша синиқлари ювилган идишдаги хлорнинг миқдорини сувда, сувдаги температура ва босимни текшириб туради. Шишалар беркитгичлари ташқаридан текширилади, яъни герметик ва критик босим орқали текширилади.

3.6. Озиқ-овқат корхоналарида ишлатиладиган норматив техник хужжатлар.

Учувчи кислоталарни аниқлаш усули шароб, ярим тайёр шароб маҳсулотлар ва коньяк спиртлари учун ГОСТ 13193-98 орқали олиб борилади.

Сувли пар ҳайдаш усули орқали учувчи кислоталар коцентрациясини аниқлаш. Усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат: бу усул асосан шароб ва коньяк спиртлари таркибидаги учувчи кислоталарни махсус жиҳозда сувли пар ёрдамида ҳайдашдан иборат. Дистиллят фенолфталеин иштирокида ишқор билан титрланади. Бу усулни олиб боришда ишлатиладиган аппаратлар, материаллар ва реактивлар:

Тарози – ГОСТ 24104-80

Термометрлар – 1-А2 ёки 2-А2 ёки 1-Б2 ГОСТ 215-73

Секундомер ГОСТ 5072-79

Колбалар Кн 250; Кн 750 ёки Кн 1000 ГОСТ 25336-82

Музлатгич жиҳози – ГОСТ 25356-82

Сув босимли насос – ГОСТ 25336-82

Тубусли колба – 1-250 ёки 2-250 ёки 1-500 ёки 2-500 ГОСТ 25336-82

Томизгич ГОСТ 25336-82

Бюретка – 1-2-25-01 ГОСТ 20292-74

Шароб, ярим тайёр шароб маҳсулотлари ва коньяк спиртларидаги альдегидни аниқлаш усули ГОСТ 12280-95 орқали олиб борилади. Бу усул херес турига мансуб шароб, мева резаворли шароб, шампан шароби, коньяк ва коньяк спиртларида альдегидлар миқдорини аниқлашда қўлланилади. Альдегидлар йодометрик усулда аниқланади. Стандарт ОС СЭВ 4259-93 талабига тўлиқ жавоб беради. Намуна олиш усули ГОСТ 14137-94 орқали олиб борилади.

Намуна олиш ГОСТ 14137-94 стандарти орқали олиб борилади.

Шароб, ярим тайёр шароб маҳсулотлари, коньяклар ва коньяк спиртлари таркибидаги этил спирти миқдори ГОСТ 13191-98 стандарти орқали олиб борилади. Бу стандарт узум, мева-резаворли шароб ҳамда ярим тайёр шароб маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тадбиқ қилинади.

Этил спирти миқдори ареометр ёрдамида аниқлаш усули. Ишлатиладиган аппаратлар материаллар ва реактивлар:

Ареометрлар – АСП-1 ГОСТ 18481-96

Термостат ёки сув ҳаммоми

Тарозилар – ГОСТ 24104-95

Колбалар – 1-250-2 ёки 2-250-2 ГОСТ 1770-94

Колбалар – К-750 ёки П-750 ёки К-1000 ёки П-1000 ГОСТ 25336-97

Цилиндрлар – 1 39/350 ГОСТ 18481-86

Мўзлатгичлар – ГОСТ 15336-97

Тубусли колбалар – 1-1000 ёки 2-1000 ГОСТ 25336-97

Сув босимли насоси – ГОСТ 25336-97

NaOH – ГОСТ 4328-97

KOH – ГОСТ 24369-85

Дистилланган сув ГОСТ 6709-97

Индикатор қоғози

Гўшти ярим тайёр маҳсулотлар ГОСТ 49208-94 стандарти орқали текширилади. Гўштнинг сифати органолептик кўрсаткичлар орқали аниқланганда қуйидаги стандарт билан текширилади ГОСТ 7269-94 “Гўшт. Намуна олиш усуллари ва тозалигини текшириш усуллари”.

Ярим тайёр маҳсулотлар органолептик текширилганда бирон бир кўрсаткичи талабга жавоб бермаса кимёвий, гистологик, микробиологик тажрибалар ГОСТ 7269-99, ГОСТ 23392-98, ГОСТ 19496-94, ГОСТ 21237-95 стандартлар орқали олиб борилади.

Текшириш учун катта бўлакчи гўшдан камида 200 г кесиб олинади, пергамент қоғози билан қадоқланади ва тажриба хоналарига юборилади. Кимёвий анализда ГОСТ 23392-98 учувчи ёғли кислоталар, оқсиллар биринчи маротаба парчаланиши миқдори аниқланади. Нистологик анализда ГОСТ 19496-94, мускул тўқималари эндомезия ҳолатлари аниқланади.

Бактериоскопияда тўқималардаги микроблар миқдори аниқланди.

Гўштни суякдан ажратиб, тажриба тарозиларда ўлчанади. ГОСТ 24104-95 бу орқали гўштнинг миқдори аниқланади. Ярим тайёр маҳсулотларнинг

физик-кимёвий кўрсаткичлари ГОСТ 49121-94 ва ТУ 28-19-94 бўйича киймали ярим тайёр маҳсулотлар учун қуйидагича бўлиши керак:

Ярим тайёр маҳсулотларнинг намлиги ГОСТ 4288-96 стандарти бўйича Чижов аппаратида олиб борилади. Ярим тайёр маҳсулотлар таркибидаги нон миқдори крахмал миқдorigа қараб ГОСТ 4288-96 стандарти орқали олиб борилади.

3. Сут ва сутни қайта ишлаб тайёрланган қатик маҳсулотлар фақат овқатбоплик аҳамиятига эга бўлмасдан балки пархез ва даволаш хусусиятларига ҳам эгадир. Буларга айниқса фцидофил маҳсулотлари – кимиз, қатик, кефир, творог мисол бўла олади. Қатик сутни сут ачитувчи бактериялар билан ачитиб тайёрланади.

Тайёрланиш технологиясига қараб қатик қаймоғи олинмаган сутдан тайёрланган ёғли, қаймоғи олинган сутдан тайёрланган ёғсиз турларига бўлинади. Қатикнинг сифати органолептик баҳолашда унинг ташқи кўриниши, консистенцияси ранги, таъми ва ҳиди аниқланади. Қатикнинг ташқи кўриниши ва консистенцияси – қатик олинган идишнинг ҳолати унинг ташқи кўриниши, яхши беркитилган ёки беркитилмаганлиги аниқланади. Қатикнинг ҳиди ва таъми бу кўрсаткичларни аниқлаш учун, идиш қопқоғи олингандан кейин қатик юзасидан ёғ қатлами олиниб ташланади, идиш чайқатилади ва маҳсулот стаканга қуйилади. Қатикнинг органолептик кўрсаткичи ОСТ 49-29-96 талабига мувофиқ бўлиши керак.

Назорат учун саволлар

1. Озиқ-овқат маҳсулотларига қандай талаблар қўйилади?
2. Озиқ – овқат стандартлари қандай синфларга бўлинади?
3. Экспорт қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларига қўйиладиган талаблар.
4. Қандай мақсадда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари стандартлаштирилади?
5. Озиқ –овқат маҳсулотлари қандай усулларда текширилади?
6. Озиқ –овқат корхоналарида қандай норматив ҳужжатлар ишлатилади.

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. П. Р. Исматуллаев, А. Н. Мақсудов, А. Х. Абдуллаев, Б. М. Ахмедов, А. А. Аъзамов. Метрология стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. “Ўзбекистон” Тошкент 2001й.
7. ЎЗРСТ 5.0-92. Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаш тизими. Асосий қоидалар.
8. ISO 9000-1-94. Стандарти по общему руководству качеством и обеспечению качества.
9. [www. ima.uz](http://www.ima.uz)
10. vtww .academy.uz
11. www.standart.uz
12. www.smsiti.uz
13. www.uza.uz

1	стандартлаштириш даражаси	Географик, сиёсий ёки иқтисодий аломатларни ҳисобга олиб стандартлаштириш бўйича фаолиятларда иштирок этиш шакли
2	ҳудудий стандартлаштириш	Қайдайдир маъмурий-ҳудудий бирлик даражасидаги стандартлаштиришдир. Мамлакат ичида ёки маъмурий-ҳудудий биликдаги (масалан, вазирлик даражасида), маҳаллий даражада, ассоциация ва фирмалар даражасида ва саноатнинг алоҳида фабрикалари, заводлари ёки муассасалари даражасида, стандартлаштириш иқтисодиётнинг сектори ёки тармоқ даражасида бўлиши мумкин
3	маҳсулотни ҳимоялаш	фойдаланиш, транспорт ёки сақлаш давомида иқлим ёки бошқа салбий шароитлари таъсиридан ҳимоя маҳсулотлари
4	меъёрий ҳужжат	ҳужжат фаолияти ёки уларнинг натижалари учун қоидалари, кўрсатмаларни ёки хусусиятларини белгилаш Изоҳ: 1 муддатли "ҳужжатдир" стандартлари, ҳужжатлар, техник, амалиёт ва қоидаларига кодлари каби нарсаларни ўз ичига олган умумий атамдир. Изоҳ 2 муддатли "ҳужжат" ҳар қандай ўрта унда ёки ахборот юзасида қайд етган англатади. Изоҳ 3 меъёрий ҳужжатлар турли маъноларини билдиради атамалар, деб ҳужжат асосида келажакда белгиланган ва унинг мазмуни бир шахс сифатида қабул қилинади.

Мавзу: ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИ

Режа

- 4.1 Ўзбекистон давлат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни, техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг тузилиши.
- 4.2 Техник регламент турлари.
- 4.3. Техник регламентларда белгиланадиган хавфсизлик талаблари.
- 4.4 Техник регламентларнинг мазмуни
- 4.5. Техник регламентларни ишлаб чиқиш бўйича умумий қоидалар.

4.1 “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни тўғрисида

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш давомида бошқа МДҲ давлатлари: Россия Федерациясининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, Белоруссия Республикасининг “Стандартлаштириш ва техник нормалаштириш соҳасида техник меъёрий ҳуқуқий актлар талабларига мувофиқ баҳолаш тўғрисида” ва Қозоғистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги амалдаги қонунлари ўрганилган.

Келгусида стандартларни халқаро стандартларга уйғунлашуви, техник-иқтисодий маълумотларни кодлаштириш ва ягона таснифлаш тизимини яратиш бўйича ишлар, халқаро реестрларда рўйхатга олинмаган экспертлар ва халқаро даражада тан олинган мутахассисларни мавжуд эмаслиги техник регламентларни ишлаб чиқиш давомийлиги кейинги йилларда ўтиши ҳисобга олинган. Кўрсатиб ўтилган давлатлар тажрибаларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида” қонуни қабул қилинганидан сўнг, ўтиш даврида қонунлар параллел амал қилиниши учун Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонунига ҳам ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги қонуни алмаштириши ўтиш вақти тугаши бўйича стандарт ва техник регламентларни тайёрлаш, қабул қилиш ва қўллаш билан алоқадор масалаларни ҳал этилиши “Ўзстандарт” Агентлиги ишлаб чиққан “Техник жиҳатдан тартибга солиш

тўғрисидаги” қонун лойиҳасида назарда тутилган. Белгиланган ўтиш давомида амалдаги қонуний актларга алмаштирилувчи техник регламентларни ишлаб чиқиш режалаштирилган. Техник регламентлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган йиллик дастур бўйича ишлаб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунида “техник нормалаштириш” давлат вазифаси Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ бошқа давлат бошқаруви идорлари, шунингдек, МДХ бошқа давлатлари бириктирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси билан бир қаторда ҳозирги вақтда “Ўзстандарт” агентлиги амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Маҳсулотлари ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонунини ўз навбатида алмашинувчи ва мувофиқликни баҳолаш ҳамда тасдиқлашнинг асосий процедураларини аниқловчи “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқмоқда⁹.

“Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунда қуйидаги атамалар ва таърифлар келтирилган:

техник жиҳатдан тартибга солиш — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги — маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларининг, бажариладиган

⁹ Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.

ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайди;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар — техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;

техник регламент — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

умумий техник регламент — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, бир турдаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар гуруҳи хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

махсус техник регламент — техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, умумий техник регламентда назарда тутилмаган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар айрим турининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;

савдодаги техник тўсиқлар — маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда мавжуд бўлган тафовутлари ёки ўзгаришлари оқибатида савдода юзага келадиган тўсиқлар.

4.2. Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг тузилмаси

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимида кирувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Ушбу тизимни шакллантириш, такомиллаштириш ва Қонун билан белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида, техник жиҳатдан

тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари тайинланган (17.1-расм):


– Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради ҳамда ташкил этади;

– Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлигига доир, уларда инсон ҳаёти ва соғлиги учун зарарли моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббиёт буюмлари, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қўллаш бўйича мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик фаолиятида маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди;

– Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамда атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишда маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди;

– Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган вазифаларни амалга оширади.



4.1-расм. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими

Қонунда техник регламентларни ишлаб чиқиш жараёни ушбу соҳа эксперт кенгашларига юклатилган. Ишлаб чиқилган техник регламент лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни эса ваколатли давлат органлари ҳузурида ташкил этиладиган эксперт комиссиялари бажаради.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида меъёрий хужжатларни тўплаш ва улар тўғрисида маълумотларни етказиш масалаларни тизимли равишда ҳал этиш мақсадида давлат фонди ташкил қилинди¹⁰.

Жорий этилаётган тизимни шакллантириш учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 10 майдаги 86-сонли “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори билан қуйидагилар тасдиқланди:

1. “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари тўғрисидаги Низом”;

¹⁰ Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.

2. “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг давлат фондини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом”;

3. “2010-2013 йиллар учун техник регламентларни ишлаб чиқиш дастури”.

4.3. Техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг асосий принциплари

Ўзбекистон Республикасининг «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига биноан техник жиҳатдан тартибга солишнинг асосий принциплари белгиланган, булар:

- техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги, чунки техник регламент бир турдаги маҳсулот, иш ва хизматлар хавфсизлигига мажбурий талабларни ўрнатувчи норматив ҳужжат ҳисобланади;

- техник регламентларни қўллашнинг бир хиллиги, яъни техник регламент Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўлланилади;

- техник регламентларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий ва халқаро норматив ҳужжатларга мувофиқлиги.

Таъриф бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар таркибига қуйидагилар киради:

- техник регламентлар;
- стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар;
- санитария, ветеринар-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари;
- шаҳарсозлик, экология нормалари ва қоидалари;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар;
- техник регламентларнинг, уларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва эълон қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотнинг очиклиги.

«Ўзстандарт» агентлигига, юридик ва жисмоний шахсларнинг сўровларига кўра:

– амалдаги, ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинган техник регламентлар тўғрисидаги маълумотларни;

– маҳсулот, иш ва хизматларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш тартиб-таомили тўғрисидаги маълумотларни;

– Ўзбекистон Республикасининг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги халқаро ташкилотларга аъзолиги ва халқаро шартномалардаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни;

– қабул қилинган ва ишлаб чиқиладиган техник регламентлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа норматив ҳужжатларни эълон қилишнинг расмий манбалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш юклатилган.

Техник регламентларда белгиланадиган хавфсизлик талаблари

Техник регламент қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилиниши мумкин:

- биологик хавфсизлик;
- механик хавфсизлик;
- кимёвий хавфсизлик;
- ядровий ва радиациявий хавфсизлик;
- ёнғин хавфсизлиги;
- электр хавфсизлиги;
- машина ва ускуналарни ишлатиш (улардан фойдаланиш) ҳамда утилизация қилиш хавфсизлиги;
- бинолар, иншоотлардан ва уларга туташ ҳудуддан фойдаланиш хавфсизлиги;
- экологик хавфсизлик;
- ветеринария хавфсизлиги;
- саноат ва ишлаб чиқариш хавфсизлиги;

- портлаш хавфсизлиги;
- ахборот хавфсизлиги;
- ўлчовлар ва синовлар усулларининг бир хиллигини таъминлаш, шунингдек маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига қўйиладиган бошқа талаблар ҳам белгилаб қўйилиши мумкин.



4.1-расм. Техник регламентларда маҳсулотлар ҳавфсизлигини таъминловчи талаблар.

Ўз ТЖТСДТ нинг аббревиатура кўринишидаги давлат тилида қисқартирилган номланиши О`з ТЖТСДТ (Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими) деб белгиланади.

Ўз ТЖТСДТ га тармоқлараро стандартлаштириш тизимининг 18 синфи берилган.

4.4 Техник регламентларнинг мазмуни

“Ўзстандарт” агентлиги техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва бошқа давлат хўжалик бошқаруви органлар асосланган таклифлари бўйича шакллантиради ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади¹¹.

Эксперт кенгашлар техник регламентлар лойиҳасини ишлаб чиқувчилар бўлади. Эксперт кенгашлар техник регламентлар лойиҳасини ишлаб чиқишда O`z DSt 1.1, O`z DSt 1.6, O`z DSt 1.24, O`z DSt 18.0, O`z DSt ISO/IEC 51, O`z DSt 1052, O`z RH 51-010, ҳамда маҳсулот, ишлар ва хизматларни хавфсизликга миллий ва халқаро талабларга доир хавфсизлик талабларини белгиланадиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амал қилади.

Техник регламентлар лойиҳасини ишлаб чиқиш учун асос сифатида халқаро, давлатлараро, минтақавий ва Ўзбекистон давлат стандартлардан, ҳамда бошқа давлатларнинг эквивалент (уйғунлаштирилган) техник регламентлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланса бўлади.

O`z DSt 1.7 ва O`z DSt ISO/IEC 21 бўйича Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган (киритилган) шартда ишлаб чиқаралаётган стандартлардан белгиланган даражада фойдаланишга рухсат берилади. Бунда, белгиланган тартибда техник регламентларда кўрсатилган стандартлар матнлари тўлиқ ёки қисман келтирилади.

Техник регламентларни ишлаб чиқувчи:

– манфаатдор фойдаланувчилар лойиҳаси билан танишишга имкон бериш учун аниқ техник регламентни ишлаб чиқиш тўғрисида “Ўзстандарт”

¹¹ Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.


агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасини ахборот нашрда билдиришномани ишлаб чиқиш вақтидан икки ҳафтадан кечикмай дастлабки боқичда чоп этади;

– қачон ҳали тузатишларни киритиш ва мулоҳазалар инобатга олинган бўлиши мумкин бўлганда, ишлаб чиқишининг дастлабки боқичида билдиришнома чоп этади;

– расмий талаб асосида тўлиқ тавсифлар ёки амалдаги халқаро стандартлар билан жиддий фарқланишларни кўрсатиб, ишлаб чиқиладиган техник регламент лойиҳа нусхаси манфаатдор фойдаланувчиларга тақдим этади;

– манфаатдор тарафларга мулоҳазаларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва ишлаб чиқувчи ушбу муҳокамани инобатга олиш учун камситишсиз вақтни ажратиб беради.

Ишлаб чиқувчи техник регламентига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқариш усули ёки товарларни мослаштиришга ишлаб чиқарувчига вақт бериш учун техник регламентларни чоп этиш ва улар кучга кириш орасида аниқ вақтни назарда тутди.



4.2-расм. Техник регламентларни тасдиқлаш даражаси ва меъёрий ҳужжатлар давлат фондиди шакллантириш

Техник регламентларни ишлаб чиқиш тартиби.

Техник регламент лойиҳаси охириги таҳрирни ишлаб чиқиш тугатишни эксперт кенгаш баённомаси билан расмийлаштирилади. Баённомага эксперт кенгашнинг ҳамма аъзоларининг имзолари қўйилади.

Техник регламент лойиҳаси эксперт кенгашнинг баённомаси қарорига мувофиқ ҳамма манфаатдор ташкилотлар келишилган деб ҳисобланади, ҳоллари бундан мустасно, агар:

– эксперт кенгашнинг таркибига асосий манфаатдор ташкилотларнинг вакил (вакиллари) киритилмаган бўлса;

Келишиш 30 кун ичида ёзма равишда ўтказилади.

4.7. Умумий техник регламентларни тасдиқлаш тартиби.

Эксперт кенгашлар қоидада белгилангандек, комплектида эксперт комиссияси томонидан экспертизани ўтказиш учун (ўз ваколат доирасида) “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш

вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига техник регламентлар лойиҳаларни киритади:

- илова хат;
- лойиҳа рисола ҳолда иккита нусхада давлат ва рус тилида;
- лойиҳани ишлаб чиқиш тўғрисида билдиришномани нусхаси;
- ишлаб чиқиш ва техник регламентни жорий этиш техник-иқтисодиёт асосланиши;

- илова, техник регламентга қўйиладиган талабларни риоя этишни таъминлайдиган, минтақавий (европадаги), давлатлараро, халқаро стандартлар рўйхатини ёки бошқа стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни ўз ичига оладиган;

- тақризлар маълумоти;
- тушунтириш хати;
- келишмовчилик тўғрисида маълумот (келишмовчилик мавжудлигида);

- техник регламентни жорий этадиган ва ишлаб этадиган - давлат ва хўжалик бошқаруви органлар томонидан тасдиқланган техник регламентни жорий этиш бўйича техник-ташкилий чора-тадбирларнинг режаси.

Ҳамма санаб чиқилган ҳужжатлар, ҳамда бошқа керакли ҳужжатлар, илова хатдан ташқари электрон шаклда ҳам тақдим этилади.

Эксперт комиссиясининг ижобий хулосасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлашга киритиш учун “Ўзстандарт” агентлигига Вазирлар Маҳкамасининг қарорни лойиҳаси, эксперт комиссиясининг хулосаси билан техник регламентлар лойиҳаси, тушунтириш хатни муқовалатилган ҳолда турта нусхада киритилади.

Мулоҳазалар мавжулигида, техник регламентлар лойиҳаси эксперт комиссиясининг хулосаси билан охирга етказиш учун ишлаб чиқувчига қайтарилади.

Техник регламентлар, уларга ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш ва бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади.

Тасдиқланган техник регламентлар, уларга ўзгартиш ва ёки қўшимчалар, ҳамда уларни тасдиқлаш бўйича ташкилий – бошқара биладиган ҳужжатлар қоидада белгиланган тартибда давлат фондиди комплектлаш учун юборилади.

Махсус техник регламентларнинг тасдиқлаш тартиби.

Эксперт кенгашлар қоидада белгилангандек, комплектида эксперт комиссияси томонидан экспертизани ўтказиш учун (ўз ваколат доирасида) “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига техник регламентлар лойиҳаларни киритади.

Эксперт комиссиясининг ижобий хулосасида “Ўзстандарт” агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз ваколат доирасида техник регламентларни тасдиқлайди ёки тегишли давлат бошқарув органларига тасдиқлаш учун юборади.

“Ўзстандарт” агентлиги хўжалик бошқаруви органлар томонидан ишлаб чиқилган техник регламентларни тасдиқлайди.

Техник регламентлар ваколатли ва бошқа давлат органлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қарорлар (буйруқлар)и билан тасдиқланади.

Мулоҳазалар мавжулигида, техник регламентлар лойиҳаси эксперт комиссиясининг хулосаси билан охириги етказиш учун ишлаб чиқувчига қайтарилади.

Тасдиқланган техник регламентлар, уларга ўзгартиш ва/ёки қўшимчалар, ҳамда уларни тасдиқлаш бўйича ташкилий – бошқара биладиган ҳужжатлар қоидада белгиланган тартибда давлат фондини комплектлаш учун юборилади.

. Техник регламентларни муомалага киритиш ва белгиланиши

Техник регламент лойиҳаси Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмаларни тасдиқлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2352 нормаив ҳужжат талабларига кўра расмийлаштирилади.

Қонуности ҳужжатларининг лойиҳаларини расмийлаштириш. Лойиҳанинг матни А4 форматдаги қоғоз варағининг бир томонида масштаб кичрайтирилмаган ҳолда жойлашиши лозим.

Агар лойиҳа икки ёки ундан ортиқ варақда баён этилган бўлса, лойиҳа ва унинг иловаларининг ҳар бир варағи алоҳида рақамланиши лозим. Бетнинг тартиб рақами варақнинг юқорисида ўртада 2 рақамидан бошлаб ёзилади. Биринчи бетида 1 рақами қўйилмайди.

Лойиҳалар тайёрланишида, қоида тариқасида, Microsoft Word редакторидан ва қуйидаги параметрлардан фойдаланилади:

- варақнинг чап ҳошияси 3 см, ўнг ҳошияси 1,5 см, юқори ва паст ҳошияси 2 см;

- «Times New Roman» шрифти ва лойиҳанинг ҳажмидан келиб чиқиб 13, 13,5 ва 14 ўлчамли шрифт;

- биринчи қатор хатбошиси 1,27 см;

- қаторлараро интервал (множитель) 1.2.

Лойиҳанинг биринчи бети юқори қисмининг ўнг томонида «ЛОЙИҲА» сўзи қўйилади, унинг ҳажми матн шрифти билан айнан бир хил бўлиши лозим.

Лойиҳа турининг матни катта ҳарфлар билан, матнни марказга тўғрилаган ҳолда, «ярим қора» шрифтда, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз расмийлаштирилади.

Лойиҳанинг номи кичик ҳарфларда, «ярим қора» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

Лойиҳа матнининг ҳар бир қаторида сўзлар кўчирилмасдан тугалланган бўлиши лозим. Лойиҳанинг ҳар бир қатори охирида, олд кўмакчилар, боғловчилар, «№» белгиси, сонлар қисми, аббревиатуралар ва бошқаларнинг қолдирилиши тавсия этилмайди.

Тайёрланаётган лойиҳанинг матни грамматик, пунктуацион, орфографик ва стилистик хатоларсиз баён этилиши лозим.

Илова белгиси 12 ўлчамли шрифтда саҳифанинг юқори ўнг бурчагида жойлаштирилади ҳамда унда, илованинг рақами (агар бир нечта иловалар мавжуд бўлса), илова қилинаётган лойиҳа тури кўрсатилган ҳолда ҳужжат рақами ва санаси кўрсатиладиган бўш жой қолдирилади.

Лойиҳа иловасининг номи кичик ҳарфларда, «ярим қора» шрифтда, матн марказга тўғриланган ҳолда, қавсларсиз, қаторлараро бирлик интервалда ва хатбошисиз ёзилади.

Умумий ва махсус техник регламентлар расмий эълон қилинган пайдан эътиборан камида олти ой ўтгач амалга киритилади. Техник регламентни киритиш санаси эксперт кенгашлар томонидан ўрнатилади.

Техник регламентлар ваколатли ва бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қарор (буйруқ)лар ва хўжалик юритувчи субъектлари буйруқ (фармойиш)лар билан жорий қилинади.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон давлат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни.
2. Ўзбекистон давлат техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг тузилиши
3. Техник регламентларни ишлаб чиқиш бўйича умумий қоидалар
4. Махсус техник регламентлар
5. Техник регламентларда белгиланадиган хавфсизлик талаблари.
6. Техник регламентларнинг мазмуни

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хақимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. vtww.academy.uz
7. www.standart.uz
8. www.smsiti.uz
9. www.uza.uz

1	техник жиҳатдан тартибга солиш	маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш
2	маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги	маҳсулотнинг, уни ишлаб чиқариш, ишлатиш (ундан фойдаланиш), сақлаш, ташиш, реализация қилиш ва утилизация қилиш жараёнларининг, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг ҳолати бўлиб, бунда инсоннинг ҳаётига, соғлиғига, атроф муҳитга, юридик, жисмоний шахсларнинг ва давлатнинг мол-мулкига зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ йўл қўйилмайдиган хавф мавжуд бўлмайди;
3	техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар	техник регламентлар, стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар, санитария, ветеринария-санитария, фитосанитария қоидалари ва нормалари, шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари, экологик нормалар ва қоидалар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги бошқа ҳужжатлар
4	техник регламент	техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;
5	умумий техник регламент	техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, бир турдаги маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар гуруҳи хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;
6	маҳсус техник регламент	техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, умумий техник регламентда назарда тутилмаган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар айрим турининг хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгиловчи норматив ҳужжат;
7	савдодаги техник тўсиқлар	маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда мавжуд бўлган тафовутлари ёки ўзгаришлари оқибатида савдода юзага келадиган тўсиқлар
8	Эксперт комиссиялари	Техник регламентларни ишлаб чиқиш жараёни амалга оширади
9	Техник жиҳатдан тартибга солиш тамойилларидан бири	техник регламентларни қўллашнинг мажбурийлиги, чунки техник регламент бир турдаги маҳсулот, иш ва хизматлар хавфсизлигига мажбурий талабларни ўрнатувчи норматив ҳужжат ҳисобланади;

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ.

СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг қонуний асослари

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўғрисида” (март 1992 й.) республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган стандартлаштиришнинг ташкилий асослари “Стандартлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан қонунлаштирилган. Қонун 28 декабрь 1993 й. да қабул қилинган, 28 февраль 1994 й. умумий ахборот воситаларида чоп этилган ва шу кундан бошлаб кучга кирган¹².

Қонунда стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари белгиланган:

– истеъмолчилар ва давлатнинг маҳсулот (хизматлар) нинг аҳоли ҳаёти, соғлиги ва мулки, атроф муҳит учун хавфсизлиги масалалари бўйича манфаатларини ҳимоя қилиш;

– маҳсулотнинг ўзаро алмашинувчанлиги ва мос келувчанлигини таъминлаш;

– маҳсулотнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;

– барча турдаги бойликларнинг тежалишига кўмаклашиш;

– ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

– табиий ва техноген ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг содир бўлиши эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш;

– ўлчашларнинг бирлигини таъминлаш.

¹² Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.

Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” қонунида белгиланганки, республикада стандартлаштириш бўйича ишларни ўтказиш умумий ташкилий-техник қоидаларини белгиловчи Ўз СДТ фаолият кўрсатади. Бу қоидаларнинг ўзи Ўздавстандарт томонидан ўрнатилади. Давлатархитектурақурилиш (қурилиш, қурилиш индустрияси, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялаш соҳасида), Давлаттабиатқўмитаси (табиий бойликлардан фойдаланиш ва атроф муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарарли таъсирлардан сақлаш соҳасида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги (тиббиётга мўлжалланган маҳсулотлар, тиббиёт техникаси буюмлари, дори-дармонлар соҳасида, шунингдек республикада чиқариладиган ва импорт бўйича келтириладиган маҳсулотда инсон учун хавfli аралашмалар борлигини аниқлаш масалалари бўйича) ўзининг ваколат доирасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва таъминлаш ишларини олиб боради. Республикада қўлланиладиган меъёрий ҳужжатлар рўйхати келтирилган:

- халқаро (давлатлараро, ҳудудий) стандартлар;
- Ўзбекистон давлат стандартлари;
- тармоқлар стандартлари;
- техник шартлар;
- маъмурий-ҳудудий стандартлар;
- корхоналарнинг стандартлари;
- хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари.

Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларга шунингдек, стандартлаштириш бўйича қоидалар, меъёрлар, техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотлар таснифлагичлари (классификаторлари) ҳам киради.

Халқаро (давлатлараро, ҳудудий), хорижий меъёрий ҳужжатлар Ўздавстандарт томонидан белгиланган тартибда қўлланилади. Ягона ва узлуксиз таълим давлат тизимида таълим давлат стандартлари ишлаб чиқилади, республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Стандартлаштириш бўйича меъерий ҳужжатлар мамлакатимиз ва хорижий фан ва техникасининг замонавий ютуқларига асосланиши ва халқаро савдо учун ортиқча тўсиқлар пайдо қилмаслиги лозим. Рақобатбардошликни таъминлаш учун ўзувчи (олдиндан тузилган) стандартлар яратилиши мумкин.

Маҳсулотни меъерий ҳужжатларсиз ишлаб чиқариш ва харидга қўйиш ман этилади.

Маҳсулотнинг аҳоли ҳаёти, соғлиги, мулкига хавфсизлигини таъминлайдиган меъерий ҳужжатларнинг талаблари, маҳсулотнинг мос келувчанлиги ва ўзаро алмашинувчанлигини, буларни текшириш усулларининг бир хиллигини ва бир хил тамғаланишини таъминлаш учун риоя қилиниши шарт.

Стандартлар ва ўлчашлар бирлигини таъминлаш устидан давлат назорати идоралари, объектлари ва субъектлари, давлат назоратини бажарувчи давлат инспекторларининг ҳуқуқлари ва масъуллиги, шунингдек давлат назорати субъектларининг ва буларга раҳбар шахсларнинг стандартлаштириш тўғрисида қонунларни бузганлиги учун, шунингдек стандартлардаги мажбурий талабларни бузганлиги учун жавобгарликлари белгиланган.

Давлат назорати идораларига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма бериш;
- жарима солиш;
- тадбиркор субъектларнинг лавозимли шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш;
- текширилган маҳсулотни ишлаб чиқаришни тақиқлаш ёки харидга қўйиш (етказиб бериш, сотиш)ни, фойдаланиш (эксплуатация қилиш) ни тўхтатиш;
- стандартларнинг мажбурий талабларига мос келмайдиган ва давлат руйхатидан ўтмаган импорт маҳсулотнинг харидга қўйилишини тақиқлаш;

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки харидга қўйишни (етказиб бериш, сотишни) тақиқлаш тўғрисидаги давлат инспекторининг кўрсатмасини бузганлиги учун жарима ёзиш.

Жарима суд тононидан белгиланади, агар тадбиркор субъект қондан бузганликдаги айбини ўз бўйнига олса ва жаримани ўз ихтиёри билан тўлашга рози бўлса, бу тўғрида қарор давназорат идоралари томонидан қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10 ноябрь 2006 й. № 235 қарори билан Давлат назорати тўғрисидаги Низомга жаримага тортиш қисмида ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган (Низом 12 август 1994 й. № 410 ҳукумат қарори билан тасдиқланган).

а) 4 модда бешинчи абзац қуйидагича таҳрирда баён этилади:

“хўжалик фаолиятини юритувчи субъектларга нисбатан стандартларнинг мажбурий талабларини бузганлиги учун, лавозимли шахсларга маъмурий жазо қўлланилгандан кейин йил давомида такрор бузилишга йул қўйганлиги учун харидга чиқарилган маҳсулот нархининг 50 фоизи миқдорида жарималарни қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш”;

б) қуйидаги мазмунда 9 модда қўшимча киритилсин:

“9. Хўжалик фаолияти субъектининг охириги ҳисобот санасида жорий активларининг суммасидан 20 фоиздан ортиқ жарималарни ундириш қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ойга ҳар ойда тўлаш шарти билан чўзилиши мумкин”

Давлат бюджетидан молиялаштирилладиган ишлар рўйхати белгиланган:

- халқаро, давлатлараро, ҳудудий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ёки қатнашиш;

- стандартлаштиришнинг муайян объектлари бўйича қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- асос бўлувчи ташкилий-методик ва умумтехникавий меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва унинг ишлашини таъминлаш;

– техник-иқтисодий ахборот таснифлагичларини ишлаб чиқиш, булар тўғрисида расмий ахборот тайёрлаш ва чоп этиш, шунингдек барча фойдаланувчиларга тарқатиш:

– умумдавлат аҳамиятидаги илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни бажариш

– стандартларнинг мажбурий талабларига риоя қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш;

– меъёрий ҳужжатлар давлат жамғармасини шакллантириш ва олиб бориш. Стандартларни, маҳсулот ва хизматлар каталогини белгиланган тартибда харидга қўйишдан олинган маблағлар, шунингдек стандартлаштириш тўғрисидаги қонунларни бузганлиги учун жаримага тортишдан олинган маблағларнинг бир қисми ҳам молиялаш манбалари бўлиши мумкин.

Давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулот сифатини меъёрий таъминлаш бўлимлари назарда тутилиши лозим.

Мувофиқлик белгиси билан тамғаланган маҳсулот чиқарувчи корхоналарни, шунингдек ананавий технология имнониятларидан ўзувчи, истиқболга мўлжалланган талаблар стандарти бўйича маҳсулот ишлаб чиқаргани учун иқтисодий ёрдам ва рағбатлантириш давлат кафолати Қонунда кўзда тутилган¹³.

Стандартлаштиришнинг асосий тушунча, мақсад ва вазифалари

Фараз қилайлик, энди дам олай деб, дам олиш хонасига кириб, чироқни ёққан эдик, лип этиб ёнди-ю, ўчди. Нима қиламиз? Дарҳол бошқа лампочкани олиб, алмаштираемиз. Хўш, бунинг нимаси ғайри табиий? Сиз бунда куйган лампочкани ўрнига бошқаси айнан, ҳам кучланиш бўйича, ҳам

¹³ Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.

қўввати бўйича, ҳам ўлчамлари бўйича тўғри келишини остида қанчалар инсон меҳнати ётганлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Одатда биз стандарт бўйича деган иборани кўп ишлатамиз.

Хўш стандарт нима? **Стандарт** - бу кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқилган ва маълум соҳаларда энг мақбул даражали тартиблаштиришга йўналтирилган ҳамда фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор қўлланиладиган қоидалар, умумий қонун-қоидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатдир.

Стандартлар фан, техника ва тажрибаларнинг умумлаштирилган натижаларига асосланган ва жамият учун юқори даражадаги фойдага эришишга йўналтирилган бўлиши керак.

Стандартлар даражасига қараб, ҳалқаро, минтақавий давлатлараро, миллий ва корхона миқёсида фаолият кўрсатади.

Давлат стандартлари маҳсулотни ишлаб чиқиш ва уни ишлаб чиқаришга қўйиш босқичида янги маҳсулотларнинг юқори сифатли турларини яратиш ва ўзлаштиришни тезлаштиришга, ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи ва истеъмолчи ораларидаги муносабатларни яхшилашга йўналтирилган.

Стандартлаштириш тизими янги буюмга ўз вақтида юқори сифатли лойиҳа-конструкторлик ҳужжатлар бериш, корxonанинг янги маҳсулотини берилган сифат кўрсаткичларига асосан тайёрлашни ва керак бўлса маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан олиб ташлашни белгилайди.

Стандартлаштириш маҳсулот муомалада бўлганида ва сотиш босқичларида маҳсулотни жойлаштириш (упаковка)да яхши тартиб ва шароитлар яратишга, юклашга ва жойлаштиришга, сақлашга, омборларда маҳсулот сифатини бузилмай сақлашга, транспортда олиб юришда, буюмни тарқатиш, сотиш ташкилотларига талаблар белгилайди.

Стандартлаштириш туб моҳияти билан ишлаб чиқаришни ташкил этишининг энг самарадор формалари ҳақидаги фандир.

Стандартлаштириш иқтисод, технология ва фундаментал фанлар сингари асосий йўналишларни бир-бирига боғловчи восита ҳамдир.

Кўпгина техника жиҳатидан илғор мамлакатларда стандартлаштириш масалаларига ўсувчи қизиқиш қайд қилинмоқда, унинг асоси бўлган стандартлаштиришнинг назариясига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Стандартлаштиришни техника тараққиётида, ишлаб чиқаришда энг рационал жорий қилиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат ҳаражатларини ва моддий ресурсларни таъсирчан воситаларидан бири сифатида кўрилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан ҳисобланади. Бу мақсадни амалга оширилиши «Стандартлаштириш тўғрисида»ги қонунда аниқлаштирилган: «Тўлиқ ёки қисман республика бюджет маблағларини молиялаштирувчи давлат дастурларини ишлаб чиқишда маҳсулотнинг сифатини меъёрий тaminланиши бўйича бўлимлар кўзда тутилиши шарт».

Табиий ва техноген фалокатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар вужудга келишини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт объектларининг хавфсизлигини таъминлаш.

ЎзРХ 78-001 раҳбарий ҳужжат билан меъёрий ҳужжатларда ёнғин хавфсизлиги талаблари тўлиқ кўрсатилишини текшириш методикаси устидан назорат қилиш тартиби тасдиқланган.

Стандарт бу кўпчилик манфаатдор томонлар консенсуси (келишуви) асосида ишлаб чиқилган, маълум соҳаларда оптимал тартиблаштиришга йўналтирилган фаолиятнинг ҳар хил турига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор қўлланиладиган қонун-қоидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатдир.

Стандартлаштириш бу барча манфаатдор томонлар иштирокида умумфойдали, жумладан, иқтисодиётга эришишда такрорланадиган вазифа

(жараён)ларнинг умум мақбул ечимини топиш учун фойдаланиш шарти, техник хавфсизлик ва экология талабларига риоя қилинган ҳолда, маълум бир соҳада, фаолиятни оптимал даражада тартиблаштириш мақсадида қоидалар ўрнатиш ва қўллашдир.

"Стандартлаштириш объекти" тушунчасини кенг маънода ифодалаш учун "маҳсулот, жараён, хизмат" иборалари қабул қилинган бўлиб, буни ҳар қандай материалга, таркибий қисмларга, асбоб-ускуналарга, тизимларга, уларни мослигига, қонун-қоидасига, иш олиб бориш услубига, вазифасига, усулига ёки фаолиятига тенг даражада дахлдор деб тушунмоқ лозим (1.1-расм).

Стандартлаштириш ҳар қандай объектнинг муайян жиҳатлари (хусусиятлари) билан чекланиши мумкин. Масалан, оёқ кийимга нисбатан ёндашиладиган бўлса, унинг катта-кичиклиги ва пишиқлигини алоҳида стандартлаштириш мумкин.

Стандартлаштириш объекти сифатида хизмат – халққа хизмат қилишни (хизмат шартларини қўшиб) ва корхона ҳамда ташкилотлар учун ишлаб чиқариш хизматини ўз ичига олади. Стандартлаштиришнинг бошқа объектлари фаолиятининг бириктирилган соҳаларида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Демак, стандартлаштириш объекти – стандартлаштириладиган ёки унга йўналтирилган маҳсулот, ишлар (жараёнлар) ва хизматлардир.

Стандартлаштириш жиҳати – танланган стандартлаштириш объектини стандартлаштириш йўналиши бўлиб, унга кўрсатилган талаблар турини аниқлайди.

Ўз-ўзидан стандартлаштириш жиҳати муайян бир гуруҳдаги маҳсулот ёки хизматлар бўлиб, унда: атама ва таърифлар, синфланиши, асосий параметрига талаблар, сақлаш, ташиш ва восита ҳамда усулларига

талаблар, назорат усуллари ва воситалари, методларига талаблар ва бошқалар ҳисобланади.



Стандарташтириш соҳаси ўзароалоқадор стандарташтириш объектлари мажмуаси деб аталади. Стандарташтириш соҳаси бўлиб, кимё саноати, машинасозлик, транспорт, озик-овқат саноати, тиббиёт, экология ва бошқалар ҳисобланади. Масалан, кимё саноати стандарташтириш соҳаси бўлса, кимё саноатининг стандарташтириш объектлари бўлиб технологик жараёнлар, маҳсулотлар, қурилмаларнинг хавфсизлиги ва экологиклиги ва бошқалар ҳисобланади.

Стандарташтириш турли даражаларда амалга оширилади. Стандарташтириш даражаси дунёнинг сиёсий, географик, иқтисодий ҳудуди

кабул қилинган стандарт иштирокчиларининг алоқадорлиги билан фарқланади. Жами бўлиб тўртта асосий даражага: халқаро, ҳудудий, миллий ва корхона (ташкilot) даражасига бўлади.

Стандартлаштириш объекти, жиҳати ва даражаси стандартлаштириш сферасини ташкил этади. Уни уч ўлчамли тўғри бурчакли кордината тизимларида график шаклда тасвирлаш мумкин (1.2-расм)¹⁴.



2.2-расм. Стандартлаштириш соҳалари

Одатда халқаро, минтақавий, миллий стандартлаштириш идоралари мавжуд.

Халқаро стандартлаштириш фаолиятида барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этиш мумкин.

Минтақавий стандартлаштириш деганда дунё миқёсида биргина жуғрофий ёки иқтисодий минтақасига қарашли мамлакатларнинг тегишли идоралари учун эркин ҳолда иштирок этишлари мумкин бўлган стандартлаштириш тушунилади.

¹⁴ Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.

Миллий стандартлаштириш – бу муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш фаолиятидир.

Стандартлаштириш ҳар хил фаолият турлари ва унинг натижаларига дахлдор қоидалар, умумий қонун-қоидалар ёки тавсифларни ўзида қамраб олган меъёрий ҳужжат ҳисобланади.

Меъёрий ҳужжат – атамаси стандартлар, техникавий шартлар, шунингдек умумий кўрсатмалар, йўриқномалар ва қоидалар тушунчасини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Стандартлаштириш мақсадлари кўп қиррали бўлиб, улар асосан қўидагилардан иборат: бирхиллаштириш (ҳар хилликни бошқариш), қўлланишлилик, мослашувчанлик, ўзароалмашувчанлик, соғлиқни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ташқи муҳитни асраш, маҳсулотни ҳимоялаш, ўзаро тушунишликка эришиш, савдодаги иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва бошқалар. Бир мақсаднинг амалга ошишида бир вақтда бошқа мақсадларнинг ҳам амалга ошиши мумкин.

Стандартлаштиришнинг аҳамияти ва моҳияти. Ихтиёрий ихтисосликдаги мутахассис иш фаолияти жараёнида кўплаб такрорланувчи масалаларни ҳал этишга яъни намунавий ҳужжатларни тузиш, намунавий ҳисоб-китобларни амалга ошириш, такрорланувчи ўлчашларни бажариш, турли қурилмалар, техникавий тизимлар ёки одамлар жамоаларини бошқариш бўйича бир хил амаллардан фойдаланишга тўғри келади. Бу масалаларни ҳал этишнинг турли хил вариантлари мавжуд. Стандартлаштириш масаларни оптимал ҳал этиш, янада тўғрироқ ва иқтисодий вариантларини аниқлашга йўналтирилиган.

Стандартлаштириш – бу аниқланган соҳада тартиблаштириш даражасини оптималлигига эришишга йўналтирилган, фан, техника ва иқтисодиёт соҳаларида такрорланувчи масалаларни ҳал этилишини топишга хулосаловчи фаолиятдир.

Стандартлаштириш объекти таърифидан келиб чиқиб, маҳсулот (ҳом-ашё, материаллар, деталлар, буюмлар, қурилмалар), жараёнлар (турли хил


операцияларни бажариш усуллари), атамалар, белгилашлар, хизматлар ва ишлар тандартлаштиришнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун стандартлаштириш моҳиятини қуйидаги шаклда баён этиш мумкин:

Стандартлаштириш объектини танлаш яъни аниқланган соҳа фаолиятини таҳлил қилиш ва кўп маротаба такрорланувчи объектларни аниқлашни қамраб олади.

Бошқа объектлар (аломатлар, хоссалари) мавжудлиги тўғрисида маълумотларни аниқлаш жараёнида стандартлаштириш объектини моделлаштириш.

Оптимал моделни стандартлаштириш, яъни меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш. Айнан меъёрий ҳужжат бевосита стандартлаштириш натижаси бўлиб ҳисобланади. Меъёрий ҳужжат бир вақтнинг ўзида стандартлаштириш воситаси ҳам бўли ҳисобланади. Уни умумий ва кўп маротаба қўллаш мавжуд ва келгусидаги масалаларни ҳал этишда кутилаётган иқтисодий, ижтимоий ёки бошқа самарани бериши мумкин.

Масалан, электрик ва электрон қурилмаларнинг схемаларини тузишда янада яққол ва қулай белгилашни қўллаш учун намунавий элементлари белгиланиши келтирилиб, уларни шартли белгилаш вариантлари ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда мажбурий равишда келтирилган ва тасдиқланган (1.3-расм).



1.3-расм. Резисторни шартли белгилаш эволюцияси

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

– маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг (кейинги ўринларида маҳсулотлар деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки,

атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчиларнинг ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

– маҳсулотларнинг ўзаро бир-бирининг ўрнини босишини ва бир-бирига монандлигини таъминлаш;

– фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек, аҳоли ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ маҳсулотларнинг сифати ҳамда рақобатбардошлигини ошириш;

– ресурсларнинг барча турларини тежашга, ишлаб чиқаришнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашиш;

– ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

– табиий ва техноген фалокатлар ва бошқа фавқулотда вазиятлар юзага келиши, хавф-хатарни ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш;

– истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси ва сифати тўғрисидаги тўлиқ ва ишонарли ахборот билан таъминлаш;

– мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш;

– ўлчашларнинг ягоналигини таъминлаш;

– ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижро этувчи) маълум қилган маҳсулот сифати тўғрисидаги кўрсаткичларини тасдиқлаш.

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари:

– истеъмолчи ва давлатнинг манфаати йўлида маҳсулотнинг сифати ва номларига нисбатан энг мақбул талабларни қўйиш;

– Давлат, Республика фуқаролари ва чет эл эҳтиёжи учун тайёрланган маҳсулотга керакли талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар тизимини ва уни ишлаб чиқиш қоидаларини яратиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш, шунингдек ҳужжатлардан назорат қилиш;

– стандарт талабларининг саноати ривожланган чет мамлакатларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартлари талаблари билан уйғунлашувини таъминлаш;

– бир-бирига мослигининг барча (конструктив, электрик, электромагнитли, информацион, дастурли ва бошқалар) турларини, шунингдек маҳсулотнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш;

– параметрик ва турлар ўлчови қаторларини, таянч конструкцияларни, буюмларнинг конструктив жиҳатдан бир хил қилинган модуллашган блоки таркибий қисмларини аниқлаш ва қўллаш асосида бирхиллаштириш;

– маҳсулот, унинг таркибий қисмлари, буюмлари, ҳом-ашё ва материаллар кўрсаткичлари ва тавсифларининг келишиб олиниши ва боғланиши;

– материал ва энергия сиғимини камайтириш, кам чиқинди чиқарувчи технологияларни қўллаш;

– маҳсулотнинг эргономик хоссаларига талабларнинг белгиланиши;

– метрологик меъёр, қоида, низом ва талабларнинг белгиланиши;

– стандартлаштириш бўйича халқаро тажрибадан фойдаланишни кенг авж олдириш, мамлакатнинг халқаро ва минтақавий стандартлаштиришда иштирок этишини кучайтириш;

– хорижий мамлакатларнинг талаблари Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондирган ҳолларда уларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартларини ҳамда мамлакат стандартлари ва техникавий шартлари тариқасида тўғридан-тўғри қўллаш тажрибасини кенгайтириш;

– технологик жараёнларга талабларни белгилаш;

– маҳсулотни стандартлаштириш ва унинг натижаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш юзасидан ишларни ташкил қилиш;

– техник-иқтисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимини яратиш ва жорий қилиш;

– синовларни меъёрий-техника жиҳатидан таъминлаш, маҳсулот сифатини сертификатлаштириш, баҳолаш ва назорат қилиш;

1.3. Стандартлаштиришнинг асосий тамойиллари

Стандартлаштиришнинг асосий тамойилларига қуйидагилар киритилади:

– меъёрий ҳужжатларни ижтимоий, иқтисодий, техникавий зарурати ва мақбуллигини инобатга олган ҳолда уларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги;

– объектларга қуйиладиган талабларни келишиб олиш ва меъёрий ҳужжатларни амалга жорий этиш муддатларини мувофиқлаштириш йўли билан метрологик таъминлашни қўшиб ҳисоблаб ўзаробоғланган объектларни стандартлаштиришнинг комплекслиги;

– меъёрий ҳужжатларни фан ва техникани ҳозирги замон ютуқларига, илғор тажрибага, қонун ҳужжатларига мувофиқлигини таъминлаш;

– стандартлаштиришнинг ҳамма босқичларида меъёрий ҳужжатларни ўзаро боғлиқлигини ва келишилганлиги, бошқаришнинг барча поғоналарида уларни ўхшаш объектлари учун қайтадан ишлаб чиқилмаслиги;

– амалдаги меъёрий ҳужжатлар, стандартлаштириш бўйича дастурлар ва иш режалари тўғрисидаги ахборотларни ошкоралилиги;

– кўпчилик дахлдор томонларнинг келишувига эришиш асосида меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш;

– меъёрий ҳужжатларнинг сертификатлаштириш мақсадлари учун яроқлилиги;

– стандартлаштириш соҳасида замонавий ахборот тизимлари ва технологияларни қўллаш ва ҳақозо.

Стандартлаштиришнинг умумий тамойиллари деб қуйидагиларни ҳам келтириш мумкин:

1) *Томонлар қизиқишини баланслаштириш.* Стандартлаштириш барча қизиқувчи томонлар яъни маҳсулотни истеъмолга тайёрловчилар,

ишлаб чиқувчиларнинг ўзаро интилишига ва фикрларига, ҳар бир томон учун маҳсулотни кўп қиррали бошқариш бўйича унинг сифати, иқтисодий кўрсаткичи, қўлланувчанлиги, ўрин босиши ва ўзароалмашинувчанлиги, унинг атроф-муҳит, жамият ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлиги ва бошқа масалалар билан ўзаро келишилган ва асосланган бўлиши лозим.

2) Тизимли тамойил. Тизим деганда юқори самарадорлилик ва кам харажатлилик билан қўйилган мақсадни бажаришга олиб бориладиган ишлар ва ўзаробоғлиқ элементлар мажмуи тушунилади. Тизим элементлари алоқалари миқдори аниқланган ёки тасодифий бўлиши мумкин. Тизимга қирадиган турли даражада элементларининг ўзаробоғлиқлиги ва уларнинг мажмуи иерархик боғлиқликда тузулмани ҳосил қилади.

Стандарт талабларини оптималлаштириш одатда стандартлаштириш объектларини параметрик оптималлаштириш билан боғлиқ бўлади.

3) Ишларни истиқболлиги келажакда оптимал бўладиган ҳамда стандартлаштириш объектларига ўрнатиладиган талаблар ва меъёрларнинг етарли даражада оширишга боғлиқлиги бўйича чиқарилаётган маҳсулотни олдиндан стандартлаштириш тушунилади. Илмий-техник башоратлаш олдиндан стандартлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Стандартлар буюмларни асосий техник кўрсаткич даражалари ва сифати чегералари ҳамда айни пайтда етарли тавсифлари кўриб чиқирилиши лозим.

4) Стандартлаштиришнинг ўзгарувчанлиги. Стандартларни даврий равишда уларга ўзгариш киритилиши, бекор қилиниши ёки уларни кўриб чиқирилишини ҳамда текширишни таъминлайди.

Амалдаги стандартлар муддати бўйича унинг амал қилиши мувофиқлигига текширилади. Текшириш пайтида уларнинг илмий-техник даражаси ва эскирган кўрсаткичларни, меъёрлар, тавсифлар, талаблар, атамалар, тушунчалар ва белгилашлар асосланган ҳолда зарар бўлса янгилашлар ишлаб чиқилади.

5) Стандартлаштиришда оптималлаштириш (мақбуллаштириш). Стандартлаштириш объектининг фойдасиз кўрсаткичлари аниқланса ҳамда

услубий ва меъёрий-техник ҳужжатларида бандай натижалар акс этиши билан такомиллаштириш ва уларни унификациялаш ҳамда оптималлаштириш усуллари ишлаб чиқилади.

Стандартлаштириш бўйича ишларда, технологик жараёнларни оптималлаштириш ҳамда сифатни оширишни таъминлаш учун такомиллашган оптималлаштириш усуллари кенг ва самарали қўлланилиб келинмоқда.

6) Маҳсулот (хизмат)ларни ўзароалмашинувчанлиги, бир-бирига мослиги ва хавфсизлигини таъминлаш усули стандартларни ишлаб чиқишда муҳимлиги. Бу кўрсаткич умум давлат аҳамиятига молик бўлиб, бунинг учун уларни стандартлаштириш, маҳсулот, хизмат ва жараёнларни сертификатлаштириш ва уларни бажаралишини текшириш амалга ошириш ҳисобланади.

Стандартларда мажбурий талаблар ва усуллар уларни холисона текшириш ва кўрсатилган талабларга жавоб бериши «мажбурий стандартлар» аниқ қилиб белгиланган матн бўйича келтирилади.

7) Уйғунлашганлик тамойили. Уйғунлашган (ўзароалоқадор) стандартларни ишлаб чиқилиши қаралади. Битта объектга бизнинг давлат стандартлаштириш ташкилоти қабул қилган ҳамда хақаро (худудий) ташкилотлар ишлаб чиққан ўзароалоқадор айнан ўхшаш стандартлардан фойдаланишда ҳужжатларнинг бир хиллигини таъминланиши тушунилади.

8) Стандартни аниқ расмийлаштирилиши. Стандартларда меъёр ва талабларнинг икки хил мазмунга эга бўлишига йўл қўйилмайди.

9) Стандартлаштиришнинг самарадорлиги ижтимоий ва иқтисодий самара бўлиб ҳисоб олинади. Иқтисодий самара стандартларда техникавий ва информацион малумотларни бир-бирига тўғри келишини, материаллар сарфини камайтиришни, чидамлилигини оширишни ва ресурсларни тежашни таъминлайди. Ижтимоий самара стандартларда инсонлар ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш йўналишларини яратади.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг қонуний асослари
2. Стандартлаштиришнинг мақсад ва вазифалари
3. Стандартлаштириш ҳақида тушунча
4. Стандартлаштириш объекти
5. Халқаро стандартлаштириш
6. Минтақавий стандартлаштириш
7. Миллий стандартлаштириш

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исмагуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. www.ima.uz
7. vtww.academy.uz
8. www.standart.uz
9. www.smsiti.uz
10. www.uza.uz

1	<i>Стандарт</i>	бу кўпчилик манфаатдор томонлар келишуви асосида ишлаб чиқилган ва маълум соҳаларда энг мақбул даражали тартиблаштиришга йўналтирилган ҳамда фаолиятнинг ҳар хил турларига ёки натижаларига тегишли бўлган умумий ва такрор қўлланиладиган қоидалар, умумий қонун-қоидалар, тавсифлар, талаблар ва усуллар белгиланган ва тан олинган идора томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатдир
2	<i>Стандартлаштириш</i>	бу барча манфаатдор томонлар иштирокида умумфойдали, жумладан, иқтисодиётга эришишда такрорланадиган вазифа (жараён)ларнинг умум мақбул ечимини топиш учун фойдаланиш шарти, техник хавфсизлик ва экология талабларига риоя қилинган ҳолда, маълум бир соҳада, фаолиятни оптимал даражада тартиблаштириш мақсадида қоидалар ўрнатиш ва қўллашдир.
3	<i>Стандартлаштириш объекти</i>	кенг маънода ифодалаш учун "маҳсулот, жараён, хизмат" иборалари қабул қилинган бўлиб, буни ҳар қандай материалга, таркибий қисмларга, асбоб-ускуналарга, тизимларга, уларни мослигига, қонун-қоидасига, иш олиб бориш услубига, вазифасига, усулига ёки фаолиятига тенг даражада дахлдор
4	<i>Халқаро стандартлаштириш</i>	фаолиятида барча мамлакатларнинг тегишли идоралари эркин ҳолда иштирок этиш мумкин
5	<i>Минтақавий стандартлаштириш</i>	дунё миқёсида биргина жуғрофий ёки иқтисодий минтақасига қарашли мамлакатларнинг тегишли идоралари учун эркин ҳолда иштирок этишлари мумкин бўлган стандартлаштириш тушунилади.
6	<i>Миллий стандартлаштириш</i>	муайян бир мамлакат доирасида ўтказиладиган стандартлаштириш фаолиятидир
7	<i>Меъёрий ҳужжат</i>	атамаси стандартлар, техникавий шартлар, шунингдек умумий кўрсатмалар, йўриқномалар ва қоидалар тушунчасини ҳам ўз ичига қамраб олади.

2 – амалий машғулот СТАНДАРТЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ, СТАНДАРТЛАШТИРИШ ОРГАНЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаштириш тизими – O'z DSt ташкил этиш ва унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги қарорларидан белгилаб берилган¹⁵:

– 1992 йил 2 мартда “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил қилиш” № 93-сонли қарори;

– 1994 йил 12 августда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” № 410-сонли қарори;

– 1998 йил 5 январда “Узлуксиз таълим учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва киритиш тўғрисида” № 5-сонил қарори;

– 2002 йил 3 октябрда “Маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” № 342-сонли қарори;

– 2004 йил 5 мартда “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлигининг тузилмасини ривожлантириш ва фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” № 373-сонли қарорлари.

Республикамизда стандартлаштириш жараёни 3 босқичдан иборат:

- атамаларни стандартлаштириш;
- ўлчовларни, ўлчаш ва синов ускуналарини ва уларни конструкцияга ва маҳсулот технологиясига боғлаб стандартлаштириш;
- маҳсулотнинг ўзини стандартлаштириш.

ISO/IEC (ИСО/МЭК) томонидан яратилган консултатив кенгаш техника ривожининг йўналишини қуйидагича тавсия қилади:

¹⁵ Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.

- стандартларни яратишда ва уларни келишишда янги механизмларни яратиш;
- ҳаражатларни илк тадқиқотларга ва реал истиқболи бўлган техникавий ютуқларга тўпламоқ;
- бор техникавий қўмиталарнинг илмий тадқиқот, тажрибавий конструкторлик ишларини шу жумладан экология соҳасидаги ишларни, эътиборга олган ҳолда янги режали ишларни яратиш;
- етакчи мутахассислар бошчилигидаги ўтказиладиган семинарлар, илмий маърузалар шаклидаги иккиламчи механизмлардан фойдаланиш;
- саноатнинг юқори раҳбарлари орасида янги ғояларни тарғибот қилишга эътиборни қаратмоқ.

Мана шунинг учун стандартлаштиришда атамаларни бир ерга тўпламоқ, улар асосида таърифлар яратмоқ ва ниҳоят бу соҳада стандартлар яратмоқ ҳозирги куннинг талаби, халос.

Шу мақсадда стандартлаштириш соҳасидаги атамаларни тўплашда халқаро стандартлаштириш ташкилотининг ҳужжатларига, собиқ Иттифоқдаги маълумотларга, шунингдек Ўзбекистон Республикасида илк яратилган ҳужжатларга мурожат этилди.

Бу соҳадаги асосий тушунчалар 61 атамадан иборат бўлиб, уларнинг моҳияти кетма-кетлиги бўйича маълум тартибда жойлаштирилиб, ҳозирги вақтда чоп этилган О‘з DSt 1.10-98 "Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Асосий атамалар ва таърифлар" стандарти яратилди.

Стандартлаштириш соҳасидаги бирқанча асос бўлувчи ҳужжатлар «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги СМСИТИ – стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий тадқиқот институтида яратилмоқда. Булар қаторига дастлабки стандартлар О‘з DSt 1.0-1998, О‘з DSt 1.1-92, О‘з DSt 1.2-92, О‘з DSt 1.3-92, О‘з DSt 1.4-98, О‘з DSt 1.95-1998, О‘з DSt 1.6-2003 ва бошқалар киради.

O‘z DSt 1.0-1998 "Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш давлат тизими. Асосий қоидалар" бўйича стандартлаштиришнинг моҳияти, мақсад ва вазифалари, ҳамда ушбу қўлланиладиган асосий тушунчалар ўқув қўлланмада келтирилган.

Мазкур стандарт стандартлаштиришнинг асосий вазифа ва мақсадини, стандартлаштириш ишларининг ташкил этилиши ва асосий қонун-қоидаларини, меъерий ҳужжатларнинг тоифасини, стандартлар турларини, халқаро ҳамкорлик бўйича асосий қоидаларни, стандартлар ва техникавий шартларнинг қўлланишини, стандартларга ва ўлчаш воситаларига нисбатан давлат назоратини белгилайди.

Давлат стандартлаштириш тизими (ДСТ) Ўзбекистон республикаси стандартлаштириш тизимининг умумий ташкилий-техник қоидаларни ўрнатади.

ДСТ стандартлари қоидаларини давлат бошқарув идоралари, хўжалик фаолияти субъектлари, илмий-техник, муҳандислик ва бошқа жамият бирлашмалари ҳамда стандартлаштириш бўйича техник қўмита (ТК)лар қабул қилишади.

2.2. Давлат стандартлаштириш тизими

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ўтказишнинг умумий ташкилий-техник қоидаларини тартибга солиб турувчи давлат стандартлаштириш тизими фаолият кўрсатади.

Стандартлаштириш ишларини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва таъминлашни:

- халқ хўжалиги тармоқларида — Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги);
- қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялашда — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

– табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;


– тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

– мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги амалга оширади.

2.3. Стандартлаштириш бўйича давлат бошқарувлари

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш” тўғрисидаги 1992 йил 2 мартдаги 93-сонли қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги 122-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш “Ўзстандарт” агентлиги стандартлаштириш бўйича Миллий идора ҳисобланади (2.1-расм).

«Ўзстандарт» агентлиги таркибида стандартлаштириш ва минтақавий сиёсат бўйича бошқарма мавжуд. Бошқарма халқаро, минтақавий, хорижийдан



* Бюджетдан ташқари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

2.1-расм. «Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси.

тортиб барча миқёсларда маълумот билан таяминлаш меъёрий ҳужжатлар Давлат жамғармасини ташкил этиш билан шуғулланади. Меъёрий ҳужжатларни тасдиқлашдан ва рўйхатга олишдан олдин экспертизадан ўтказилади, вазирлик, муассаса, ташкилот, корхона, бирлашмалар билан «Ўзстандарт» агентлиги бошқармалари, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаш ва Евроосиё иттифоқи билан иш олиб боради.

2001 йилдан Давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси миллий эталон маркази фаолият кўрсата бошлади. «Ўзстандарт» агентлиги ҳузурида штрих кодлов маркази, республика ва минтақавий сифат маҳкамалари ва бошқалар ишлаб турибди¹⁶.

Республикада стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш, муофиқлаштириш ва таъминлаш Давлат органлари ва иқтисодий соҳа бўйича корхоналари бирлашуви тамонидан амалга оширилади.

Вазирлик, муассаса, бирлашма ва корхоналар соҳаларда стандартлаштириш бўйича ишларни ўзларининг ваколати доирасида олиб борадилар.

2.4. Стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотлар

Стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиб Давлат стандартлаштириш тизими томонидан белгиланган асосий вазифаларга муофиқ бошқарув органи томонидан маҳсулот турлари ва сифати бўйича етакчи-намунавий ташкилотлардан бири тайинланади ва иқтисодиётда стандартлаштириш бўйича барча талабларни таъминлаш ва назорат қилиш ваколати берилади.

¹⁶ Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.

“Ўзстандарт” таркибида бир неча бўлимлар, сектор, лаборатория, гуруҳлар, ҳар бир вилоят бошқарма ва марказлари, илмий-тадқиқот институти, Миллий Эталонлар Маркази мужассамлашган.

“Ўзстандарт” агентлигига қарашли турли соҳа ва тармоқларни ўз ичига олган, бир хил номдаги бўлимлар ҳам бор. Буларга стандартлар ва маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича давлат назорати ва ўлчаш воситаларини давлат қиёсловидан қўним ва аттестатлаш соҳавий бўлимлари киради.

Стандартлар ва маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича давлат назорати соҳавий бўлимлар: оғир саноат, машинасозлик, енгил саноат, маҳаллий саноат ҳамда агросаноат комплекси доирасида ўз фаолиятини амалга оширади.

“Ўзстандарт” агентлигининг илмий-услубий маркази етиб, Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатини бошқариш соҳаларидаги тадқиқот ва мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти - ҳозирда стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти тайинланган.

Сертификатлаштириш миллий идораси қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ўз фаолиятини амалга оширмоқда:

– Республикада сертификатлаштиришни қўллаш ва такомиллаштиришнинг умумий сиёсатини ишлаб чиқиш, қонун чиқарувчи ва ижро етувчи тегишли давлат идоралари билан алоқаларни ўрнатиш;

– сертификатлаштириш масалалари бўйича бошқа мамлакат ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари билан, ўзаро келишилган асосда алоқаларни ўрнатиш, керак бўлса, бу ташкилотлар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қатнашишини таъминлаш;

– сертификатлаштиришда ягона қоида ва иш тартибларини белгилаш, буларга риоя қилишнинг назорати, сертификатлаштириш натижалари бўйича ҳужжатларни ахборотли маълумот билан таъминлаш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 342-қарорини бажариш йўлида «Ўзстандарт» ўзининг вилоят бошқармаларини (СМСХМ) тузиб, уларнинг ишларига ҳар тарафлама кўмак кўрсатмоқда. Республикадаги синов лабораторияларини аккредитлаш ишлари жадал қадамлар билан амалга оширилмоқда. Фарғона, Қўқон, Қарши, Бухоро, Самарқанд шаҳарларидаги синов лабораториялари аккредитланиб, ҳозирда улар турли синов амалларини ўтказмоқдалар. Фақатгина Фарғонадаги синов лабораториясида ўтказилган синовлар натижасига кўра «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қувасой чинни заводи, Риштон кулолчилик маҳсулотлари заводи, «Қувамебель» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари мувофиқлик сертификатини олишга сазовор бўлдилар (2.2-расм). Уларнинг таркиби ва ташкилий структуралари ривожланиш жараёнида такомиллашиб боради.

«Ўзстандарт» агентлиги таркибидаги озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини текширувчи синов лабораторияси аккредитланган лабораториялардан ҳисобланиб, шу кунгача кўпгина муайян турдаги маҳсулотларга мувофиқлик сертификати берилди.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида илмий тадқиқот ишлари ҳам ўз йўналишига эгадир.

«Ўзстандарт» агентлиги қошидаги «Стандарлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти» (СМСИТИ) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида асосий илмий-услубий база ҳисобланади. Ушбу институт юқорида қайд этилган соҳалар бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб бориши билан бир қаторда республикада ушбу соҳалар бўйича малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти ҳамдир. Шу соҳалардаги белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун у:

– стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифати соҳаларида ҳозирги халқаро талабларга жавоб берадиган миллий илмий база яратади;

– стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифати миллий тизимларини яратишда уларнинг илмий ва услубий асосларини ишлаб чиқади;

– маҳсулотнинг рақобатдошлигини таъминлайдиган, атроф-муҳитни ишончли даражада ҳимоя қилишга, инсон соғлиғини сақлашга, меҳнат ҳавфсизлигини таъминлашга, мудофаа қобилиятини оширишга қаратилган халқаро меъёрий ва ташкилий-услубий ҳужжатлар билан уйғунлашадиган, асос бўлувчи ҳужжатлар ишлаб чиқади ва жорий этади;

– стандартлаштириш ва метрология соҳаларидаги мавжуд ёки учрайдиган муаммоларни тадқиқот қилиш, давлат тилида меъёрий ҳужжатлар, маълумотномалар, луғатлар яратади;

– юқори малакали илмий кадрлар тайёрлайди;

– стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва маҳсулот сифатининг илмий масалалари бўйича халқаро, миллий ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

– стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳаларида ишлаётган мутахассисларнинг малакасини оширишни таъминлайди;

– сертификатлаштириш соҳасида ишлайдиган эксперт-аудиторларни тайёрлайди ва бошқалар.

Институт ташкил қилинганига кўп вақт ўтмаганлигига қарамай шу кунга қадар республика ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор ҳужжатлар яратди ва яратмоқда. Бу ҳужжатларнинг аҳамияти беқиёс бўлиб, шу соҳалардаги ишларга қўйилган биринчи пойдеворлардан ҳисобланади.

Стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотларни молиялаштириш тегишли маҳсулот тури ва хизмати иқтисодий бошқарув соҳалари ҳисобидан амалга оширилади.

Стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотларнинг асосий фаолияти ва вазифалари:

– бириктирилган ташкилот ва корхоналарда стандартлаштириш бўйича мувофиқлаштириш ишлари олиб бориш ҳам техник ягоналикни таъминлаш;

– бириктирилган маҳсулот, хизмат тури ёки жараёнлар гуруҳи бўйича ўзвучи ва комплекс стандартлаштиришни таъминлайдиган асосий истиқболни йўналишлари ишлаб чиқиш;

– бириктирилган маҳсулот гуҳларини стандартлаштириш, меъёрий ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлаш, жорий этиш ва қайта кўриш бўйича таклифлар, меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертлов ва тасдиққа тайёрлов ишларини амалга ошириш;

– бириктирилган маҳсулот гуруҳи учун кўрсаткичларни стандарт ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган нормада, Ўзбекистон Республикасининг фаолиятидаги қонунчилик меъёрлари, хавфсизлик ва экология масалаларини таъминлайдиган даражада амалга ошириш;

– стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотларга бириктирилган маҳсулотнинг биринчи намуналари учун лойиҳаларни оптималлаштириш ҳамда стандартлаштиришни назарий ва амалий томонларидан илмий-методик ишлар олиб бориш;

– кўрсаткичларни нормада бўлишини таъминлаш мақсадида доимий ва тизимли назорат олиб бориш;


– корхона ва ташкилотларга стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича услубий ёрдам кўрсатиш ва ш.к

Ўзбекистон Республикасида техник қумиталар (ТҚ) мутахассислари – давлат ва хўжалик бошқаруви манфаатдор идоралари ва тадбиркорлик субъектларининг ваколатли вакиллари, истеъмолчилар, касаба уюшмаси ташкилотлари, давлат назорати идоралари ва бошқаларнинг шаклланиши бўлиб ҳисобланади. ТҚ юқори илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар базасида таъсис этувчилар ва «Ўзстандарт» агентлиги (Давархитектқурилиш, Давтабиатқўм, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги) қўшма буйруғи билан тузилади.

Техник қумитанинг асосий вазифаси – халқаро, давлатлараро, минтақавий, давлат ва тармоқ стандартлаштириш, метрология ва

сертификатлаштириш соҳасидаги фаолият - O'z DSt 1.0, PMГ 01 бўйича, шартномали ишлар.

O'z RH 51-013:1993 Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш бўйича ишларнинг ташкил этилишини, мувофиқлаштирилишини ва ишларнинг мақбул даражада олиб борилишини стандартлаштириш бўйича Техник қумиталар бевосита иштирок этишади. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб браётган техник қумиталар 2.1-жадвалда келтирилган.



2.2-расм. «Ўзстандарт» агентлиги ташкилий тузилмаси.

2.1-Жадвал

Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш бўйича техник кумиталари

№ т/р	Номланиши	Вазирлик ва маҳкамаларнинг номланиши
1.	«Ўзбекнефтегаз»	«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси
2.	«Пахта» Ассоциацияси	«Ўзпахтасаноат» Ассоциацияси
3.	«Донмахсулотлари»	«Ўздонмахсулот» Компанияси
4.	«Ёғмойтамакисаноат»	«Ёғмойтамакисаноат» Ассоциацияси
5.	«Ипакчилик маҳсулотлари»	«Ўзбек ипаги» Ассоциацияси
6.	«Озиқовқатсаноат»	«Озиқ-овқатсаноат» Ассоциацияси
7.	«Ўзмеваабзавотузум-саноат»	«Ўзмеваабзавотузумсаноат-холдинг» Компанияси
8.	«Алоқа ва информатика»	Ўзбекистон алоқа ва маълумотлаштириш агентлиги
9.	«Навуруғназорат»	Республика қишлоқ хўжалиги уруғчилиги ва биринчи уруғшунослик станцияси
10.	«Ўзавтосаноат»	«Ўзавтосаноат» Ассоциацияси
11.	«Гўшт ва сўт»	«Ўзгўштсўтсаноат» Ассоциацияси
12.	«Давархитеккурилиш»	Давлат архитектура ва қурилиш бўйича кумитаси
13.	«Ўзбектелеком»	«Ўзбектелеком» Акционерлик компанияси
14.	«Кимёсаноат»	«Ўзкимёсаноат» Давлат акционерлик компанияси
15.	«Ўзбекенгилсаноат»	«Ўзбекенгилсаноат» Акционерлик компанияси
16.	«Ўзбекчармпойабзали»	«Ўзбекчармпойабзали» Ассоциацияси
17.	«Шойи»	«Ўзбек ипаги» Ассоциацияси

2.5 Корхоналарда ва ташкилотларда стандартлаштириш хизматлари

Стандартлаштиришнинг асосий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ва амалдаги қонунларнинг талабларининг бажарилишини таъминлаш учун тадбиркорлик субъектлари стандартлаштириш бўлимларини (хизматларини)

ташкил этади. Бу бўлимлар стандартлаштириш бўйича ишларга ташкилий-методик ва илмий-техник раҳбарлик қилади, стандартлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ва бошқа ишларни бажаради, корхонанинг бошқа бўлимлари олиб бораётган стандартлаштириш бўйича ишларни бажаришда қатнашади.

Стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштиришда сиёсатнинг бирлигини ва бир хил ёндошишни таъминлаш мақсадларида Ўз РХ 51-051-96 “Корхоналарда (ташкilotларда) стандартлаштириш хизматлари тўғрисида намунавий низом” тасдиқланган. Бу Низомда мулкдорлик шаклидан қатъий назар корхоналар ва ташкilotлар стандартлаштириш хизматларининг умумий низомлари, асосий вазифалари ва ҳуқуқлари ўрнатилган.

Стандартлаштириш хизматлари тадбиркорлик субъектлари (бўлимлар, шуъбалар, гуруҳлар) нинг бўлимларидан иборат бўлади. Кичик корхоналарда муҳандис-техник ходимлар сонининг камлиги сабабли маҳсус бўлим тузишга имкон бўлмаганда, стандартлаштириш бўйича ишларга масъуллик муҳандис-техник ходимларнинг бирига юклатилади.

Стандартлаштириш хизматларига қуйидаги вазифалар юклатилади;

– корхонанинг меъерий ҳужжатлар тизимини тузиш бўйича ишлар мажмуини бажариш;

– стандартлаштиришнинг истиқболли ва йиллик режалари (дастурлари) га оид таклифларни, зарур бўлганда, бошқа бўлимлар билан биргаликда ишлаб чиқиш;

– илмий-техникавий дастурларга маҳсулотнинг техник даражаси ва сифат кўрсаткичларини ошириш истиқболларини аниқлаш қисмида қатнашиш ва таклифлар тайёрлаш, шунингдек маҳсулотга истиқболли талабларни белгиловчи меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

– меъерий ҳужжатларнинг лойиҳалари бўйича фикр-мулоҳазаларни тайёрлашни ташкиллаштириш;

– корхонанинг иқтисод хизмати билан биргаликда стандартлаштиришнинг техник-иқтисодий самарасини аниқлаш;

– давлат назорат идоралари томонидан ўтказилаётган меъёрий ҳужжатларга риоя қилинаётганлигини текширишларда қатнашиш;

– илмий-техникавий, тажриба-конструкторлик ишларида ва маҳсулотни ишлаб чиқаришга қўйиш жараёнида хавфсизлик, бойликларни тежаш, атроф муҳитни муҳофазалаш, ўзаро алмашинувчанлик ва мос келувчанлик талабларини ҳисобга олган ҳолда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот чиқаришни таъминловчи кўрсаткичларнинг ўрнатилишини таъминлаш;

– МХ ни жорий этиш ва риоя қилишни ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш;

– халқаро, давлатлараро, ҳудудий стандартлаштириш, стандартлаштириш соҳасида икки томонлама ҳамкорлик, шунингдек халқаро стандартларни ва чет мамлакатларнинг миллий (фирмаларнинг) стандартларини қўлланиш бўйича ишларни бажариш. Бундан ташқари, стандартлаштириш хизматларига мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган, чиқарилаётган маҳсулотнинг сертификатлаштирилишини таъминлаш бўйича вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

Корхоналарда стандартлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар асосий ишлар турига киради.

Жаҳон амалиёти корхоналарда мавжуд бўлган ўқитилган ва тажрибали мутахассислар билан жамланган стандартлаштириш хизматларининг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаштириш тизими
2. Давлат стандартлаштириш тизими
3. Стандартлаштириш бўйича давлат бошқарувлар
4. “Ўзстандарт” агентлиги стандартлаштириш бўйича Миллий идора
5. Стандартлаштириш бўйича базавий ташкилотлар
6. «Ўзстандарт» агентлиги ташкилий тузилмаси
7. Корхоналарда ва ташкилотларда стандартлаштириш хизматлари

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. www.ima.uz
7. vtww.academy.uz
8. www.standart.uz
9. www.smsiti.uz
10. www.uza.uz

Назорат топшириқлар

1.	Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлигининг тузилмасини ривожлантириш ва фаолиятини ташкил этиш тўғрисида	2004 йил 5 мартда ВМ№ 373-сонли қарорлари
2	халқ хўжалиги тармоқларида бўйича стандартлаштириш ишларига маъсул	«Ўзстандарт» агентлиги
3	қурилиш, қурилиш индустрияси соҳасида, шу жумладан лойиҳалаш ва конструкциялаш бўйича стандартлаштириш ишларига маъсул	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;
4	тиббиёт учун мўлжалланган маҳсулотлар, тиббий техника буюмлари, дори воситалари соҳасида, шунингдек мамлакат саноати ишлаб чиқараётган, шу жумладан импорт бўйича етказиб берилаётган маҳсулотлардаги инсон учун зарарли моддалар миқдорини аниқлаш масалаларида стандартлаштириш ишларини бажаришда маъсул	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;
5	мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш, мудофаа аҳамиятига молик маҳсулотлар соҳасида стандартлаштириш ишларига маъсул	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
6	табiiй ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда атроф муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилиш соҳасида стандартлаштириш ишларига маъсул	Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

3-амалий машғулот

ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ЮРИТИШ

O'z DSt 1.1-92 "Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш давлат тизими. Ўзбекистон Республикасининг стандартини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби" стандартига биноан Ўзбекистон Республикаси стандарти (бундан кейин - стандарт деб юритилади) стандартлаштириш бўйича техникавий кўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, давлат, ширкат, пудратчи, акционер, кўшма корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади.

Стандартни ҳар хил ташкилотлар мутахассисларининг ишчи гуруҳлари томонидан ишлаб чиқишга йўл қўйилади.

Стандартнинг бир нечта ташкилот томонидан ишлаб чиқилишида етакчи ишлаб чиқувчи ташкилотлар (ижрочилар рўйхатида биринчи ўринда туради) ҳамкорликда иш бажарувчи ҳар бир ташкилот билан иш кўламини ва муддатларини аниқлайди.

Стандарт Республика ҳудудида кимга қарашли эканлиги ва мулк шаклидан қатъий назар, стандарт ишлаб чиқилган ташкилотларни истеъмол қиладиган ва маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳамма корхона ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Стандартга киритиладиган ўзгариш асосий стандарт учун белгиланган тартибда мажбурий келишиб олинishi, тасдиқланиши ва рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Стандартларнинг тузилиши, мазмуни, баён этилиши ва расмийлаштирилиши давлат стандартлаштириш тизими стандарти ва давлатлараро стандарти (ГОСТ 1.5-85)га мувофиқ бажарилади.

Стандартни ишлаб чиқишда ташкилий - усулий бирликка эришиш мақсадида ҳамда стандартни ишлаб чиқиш босқичлари бажарилишини назорат қилиш учун 4 босқич жорий этилади.

1-босқич - зарурият туғилганда стандартни ишлаб чиқишда техникавий топшириқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади;

2-босқич - стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш (биринчи таҳрири) ва уни фикр мулоҳазалар олиш учун юбориш;

3-босқич - фикр-мулоҳазалар устида ишлаш, стандарт лойиҳасини (охирги таҳририни) ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашга тақдим этиш;

4-босқич - стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш.

Стандартларни ишлаб чиқиш босқичларини бир-бири билан қўшиб олиб боришга йўл қўйилади¹⁷.

1-босқич

Техник топшириқ меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ишларини бажариш босқичларини ўрнатиш мақсадида буюртмачи-ташкилот билан келишилган ҳолда, ишлаб чиқувчи ташкилот томонидан тузилади.ва одатда куйидагиларни ўз ичига олади:

- стандартлаштириш объекти ва қўлланиш соҳаси;
- стандартнинг бўлимлари ва стандартда ўрнатиладиган асосий талаблар рўйхати;
- стандартни ишлаб чиқиш босқичлари;
- стандарт билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- стандарт лойиҳасини келишиш лозим бўлган бошқарув идоралари ва (ёки) корхоналар рўйхати;
- буюртмачининг бошқа талаблари.

Стандартлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама учун тарқатиш

2 – босқич


Стандарт лойиҳаси манфаатдор ташкилотларнинг таклифлари асосида ва (ёки) тайёрловчи-корхоналарнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилади.

¹⁷ Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.

Стандартнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш билан бир вақтда стандарт лойиҳасига тушунтириш ёзуви тузилади ва зарур бўлганда, стандартни жорий этиш бўйича асосий ташкилий-техникавий тадбирлар режасининг лойиҳаси (кейинчалик – асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси) ишлаб чиқилади. Стандарт лойиҳаси тушунтириш ёзуви билан бирга ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси билан нусҳаси кўпайтирилади ва фикр олиш учун қуйидаги рўйхат бўйича манфаатдор ташкилотларга тарқатилади:

– буюртмачи-ташкилот (асосий истеъмолчи)га ёки стандартнинг лойиҳасини келишиш бўйича таянч ташкилот деб тайинланган унинг ташкилотларидан бирига;

– стандарт лойиҳасида ваколатларига қаршли талаблар ўрнатилган бўлса, давлат назорати идораларига, соғлиқни сақлаш вазирлигига, атроф муҳитни муҳофазалаш қўмитасига



Стандартга техникавий топшириқни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

- маҳсулотнинг бириктирилган турлари бўйича стандартлаштириш таянч ташкилотларига;
- стандартни жорий этувчи ва жорий этилишини таъминловчи ташкилотлар ва корхоналарга.

Корхона ва ташкилотлар тақдим этилган стандарт лойиҳасини кўриб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини ёзади ва стандартни ишлаб чиқувчига, стандарт лойиҳасини олган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай жўнатади.

Келган фикр ва мулоҳазаларни кўриб чиқиш

3-босқич

Ишлаб чиқувчи-етакчи ташкилот олинган фикр-мулоҳазалар асосида фикр-мулоҳазалар тўғрисида маълумот тузади.

Ишлаб чиқувчи-етакчи ташкилот ва ҳамкор бажарувчи ташкилотлар фикр-мулоҳазалар асосида стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни ишлаб чиқади ва тушунтириш ёзувига ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига аниқлик киритади.

Ишлаб чиқувчи-ташкилот ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ўртасида стандарт лойиҳаси бўйича келишмовчилик бор бўлса, ишлаб чиқувчи ташкилот келишмовчиликларни кўриб чиқиш бўйича асосий манфатдор ташкилотлар вакилларининг, шу жумладан стандартнинг кўрилаётган лойиҳаси бўйича қарор қабул қилишга ваколатланган буюртмачилар (асосий истеъмолчилар)нинг вакиллари иштирокида келишув мажлисини ўтказади.

Стандарт лойиҳасининг аниқлик киритилган таҳрирининг алоҳида моддалари бўйича келишмовчиликлар бор бўлса, мажлис баённомасида ташкилотларнинг вакиллари бу моддадар бўйича алоҳида фикрга эга, деб кўрсатилади.

Мажлисда қабул қилинган қарорлар асосида стандарт лойиҳасининг охириги таҳрири тузилади, тушунтириш ёзуви ва асосий тадбирлар режасининг лойиҳасига аниқлик киритилади.

Стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни тасдиқлашга тақдим этиш олдидадан ишлаб чиқувчи-ташкилот буюртмачи-ташкилотга (асосий истеъмолчига) келишишлик учун жўнатади.

Стандарт лойиҳасини келишишлик стандарт лойиҳаси келтирилган кундан бошлаб кўпи билан 15 кун муддат ичида амалга оширилади.

Янги (такомиллаштириладиган) маҳсулот яратиш бўйича ишлар таркибида олиб бориладиган, стандарт лойиҳасини ишлаб чиқишда стандарт лойиҳасини қабул комиссияси, бадий-техник кенгаш (БТК), дегустация (сифатини аниқлаш) комиссияси ва бошқалар, манфаатдор ташкилотларнинг масъул вакиллари иштирокида келишиб олади.

Стандарт лойиҳасининг келишилганлигини тасдиқловчи хужжат тажриба нусҳанинг қабул далолатномаси (БТК баённомаси) дан иборат бўлади.

Стандартга киритиладиган ўзгартиришлар, агар илгари келишишган ташкилотларнинг манфаатларига таъсир этмаса, фақат буюртмачи (асосий истеъмолчи) билан келишиб олинади.

Стандарт лойиҳасининг охириги таҳририни тасдиқлашга тақдим этишда олдин таянч ташкилот ёки ўзига бириктирилган маҳсулотга оид ёки фаолият соҳасида стандартлаштириш бўйича ТҚ стандартни илмий-техникавий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказади. Стандартнинг охириги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга бериш

Стандартнинг охириги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга бериш

4-босқич

Ишлаб чиқувчи-ташкилот стандарт лойиҳасини тасдиқлашга қуйидаги хужжатлар билан бирга тақдим этади:

- илова хати;
- стандарт лойиҳасининг охириги таҳририга тушунтириш ёзуви;
- асосий тадбирлар режасининг лойиҳаси;
- стандарт лойиҳаси 4 нусҳада, бундан иккитаси биринчи бўлиши лозим;
- стандарт лойиҳасининг келишишганлигини тасдиқловчи асл хужжатлар;
- стандарт лойиҳасига фикр-мулоҳазалар тўплами;
- келишмовчиликлар тўғрисидаги маълумотнома;
- электрон версия;

Стандарт лойиҳасини тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

Стандартни тасдиқлаган идоранинг қарори билан стандарт тасдиқланади ва амалга киритилади.

Ўзстандарт Агентлиги стандартни давлат рўйхатидан ўтказиши.

Экспорт учун мўлжалланган маҳсулотга қўшимча талаблар давлат рўйхатидан ўтказилмайди.

Стандарт давлат рўйхатига 4 нусхада тақдим этилади: асли, иккинчи нусха (дубликат) ва иккита нусха.

Стандартнинг иккинчи нусхаси стандарт аслиятига ўхшаш бўлиши ва ундан зарур сифатли нусха олишни таъминлаши керак.

Стандарт давлат рўйхатига икки тилда: давлат ва рус тилларида тақдим этилиши лозим.

Стандартга зарур бўлганда киритиладиган тузатишлар қўлдан қоратилган, пахта, сийёҳ билан аниқ ёзилиши, биринчи варақнинг орқа бетидан изоҳланган ва раҳбар (раҳбар муовини) имзоси ва рўйхатдан ўтказишга тақдим этган идора (ташкilot) нинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Стандарт давлат рўйхатидан қўпи билан 5 кун муддатда ўтказилади.

Стандартни белгилаш, стандартни тасдиқлаган ташкilotдан қатъий назар, Ўзстандарт Агентлиги томонидан амалга оширилади. Стандарт белгиси қуйидагилардан иборат бўлади:

- ҳужжат индекси – О'з DSt
- рўйхатга олинган тартиб рақами;
- икки нуқта билан айирилган тасдиқлаш йилининг тўртта рақами: масалан, О'з DSt 789:1997

Стандарт аслияти, иккинчи нусхаси ва иккита нусхасининг биринчи бетларида рўйхатга олувчи идора рўйхатга олган идора номи, сана ва давлат рўйхатидан ўтган номери кўрсатилган штамп босади.

Стандартнинг иккинчи нусхаси ва бир нусха Ўзстандарт Агентлигида қолади.

Стандарт аслияти ва нусханинг иккинчиси ишлаб чиқувчига қайтарилади.

Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга талаблар О'z DSt 1.6:2003 “Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатлар. Тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга талаблар” давлат стандарти томонидан белгиланган. Стандартда келтирилган низомлар тармоқ, маъмурий-ҳудудий даражадаги меъёрий ҳужжатларнинг ва корхона стандартларининг тузилишига нисбатан мажбурий эмас, лекин МҲ ни расмийлаштиришда бирлиликка эришиш учун келтирилган стандартдаги низомларга амал қилиш керак¹⁸.

Меъёрий ҳужжатларнинг (структураси) тузилишига талаблар

Меъёрий ҳужжатлар тузилишига кўра қуйидаги таркибий қисмларга эга бўлиши мумкин:

- сарварақ;
- сўз боши;
- мундарижа;
- кириш;
- номи;
- қўлланиш доираси;
- меъёрий ҳаволалар;
- атамалар ва таърифлар;
- белгилар ва қисқартмалар;
- талаблар;

¹⁸ Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хақимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.

– иловалар;

– библиографик маълумотлар.

МҲ га қўшиш учун “Сарварақ” (титул варақ), “Сўз боши”, “Мундарижа”, “Номи”, “Талаблар” мажбурийдир.

Меъёрий. ҳужжатнинг сарварағида унинг белгиси ва номи келтирилади:

Сўз бошида мазкур ҳужжат тўғрисида умумий маълумотлар келтирилади меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш; ушбу меъёрий ҳужжатнинг қайси меъёрий ҳужжат ўрнига ишлаб чиқилгани тўғрисида маълумот ва б.

Сўз боши сарварақдан кейинги бетда унинг орқа томонида жойлаштирилади ва тегишли сарлавҳадан бошланади. Сарлавҳа бетнинг юқори қисмида, ўртада, бош ҳарфлар билан ёзилади ва куюқроқ шрифт билан ажратилади.

Мундарижа меъёрий ҳужжат ҳажми ўн бетдан ошган ҳолларда ёзилади. Мундарижага бўлимларнинг тартиб рақамлари ва номи (зарур бўлганда кичик бўлимлар номи), иловалар белгиси ва сарлавҳаси билан, зарур бўлганда эса, график материаллар ҳам қайси бетда жойлашганини кўрсатиб ёзилади.

Стандарт мундарижаси сўз бошидан кейин, одатда янги бетдан бошланади. “Мундарижа” сўзи бетнинг ўрта қисмида бош ҳарфлар билан ёзилади.

Стандартнинг номи қисқа бўлиши, стандартлаштириш объектини аниқ тавсифлаши ва стандартни стандартлар ахборот кўрсаткичига киритиш учун унинг тўғри таснифланишини таъминлаши лозим. Стандарт номида, одатда, қисқартмалар (маҳсулотнинг шартли белгисидан ташқари), рим ҳарфлари, математик белгилар, юнон ҳарфлари руҳсат этилмайди.

Меъёрий ҳужжатнинг номи, одатда, сарлавҳа ва кичик сарлавҳадан иборат бўлиши лозим.

Масалан - Идиш ювиш машиналари. Умумий техник шартлар

Агар меъёрий хужжат асос бўлувчи ташкилий-методик ёки умумтехникавий меъёрий хужжатлар тизимидан иборат бўлган меъёрий хужжатлар мажмуига кирадиган бўлса, бу ҳолда меъёрий хужжат сарлавҳасидан олдинда барча меъёрий хужжатлар мажмуи учун умумий бўлган ва ушбу тизимнинг номи ҳисобланган сарлавҳалар гуруҳи келтирилади.

Мисол – Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Техник регламент. Асосий низомлар.

Стандартнинг “Қўлланиш доираси” унинг қайси доирада қўлланилишини ва зарур бўлганда стандартлаштириш объектини аниқлаш учун келтирилади, стандартнинг биринчи бетида жойлаштирилади ва I бўлим кўринишида расмийлаштирилади. Стандартлаштириш объектини аниқлашда қўйидаги ифода қўлланилади: “Ушбу стандарт... қўлланилади”. Стандартнинг мазмунини равшанлаштиришда “Ушбу стандарт... белгилайди” ифодаси қўлланилади. Стандартнинг қўлланиш доирасини аниқлашда “Ушбу стандарт... қўлланилади” ифодаси қўлланилади.

“Меъёрий ҳаволалар”, агар меъёрий хужжатнинг матнида бошқа меъёрий хужжатларга меъёрий ҳаволалар ва/ёки бир хил ёки юқорироқ даражадаги техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот таснифлагичлари 2 бўлим кўринишида берилган бўлса, келтирилади. ҳаволада ҳавола қилинган меъёрий хужжатларнинг рўйхати, уларнинг белгиси ва номи келтирилади. Булар белгиларнинг рўйхатга олинган рақамларининг ошиб борувчи тартибида жойлаштирилади. ҳаволалар қўйидаги тартибда баён этилади:

- давлатлараро стандартлар;
- Ўзбекистон давлат стандартлари;
- тармоқ стандартлари;
- маъмурий-худудий стандартлар;
- техник шартлар;
- корхона стандартлари.

“Атамалар ва таърифлар” бўлими стандартда фойдаланиладиган атамаларни аниқлаш ва белгилаш учун таърифни ўз ичига олади. Таърифлар рўйхати “Мазкур стандартда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади” сўзлари билан бошланади.

Стандартлаштириш объектларига талаблар, объектларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, стандартларнинг қуйидаги турларида: асос бўлувчи стандартларда, маҳсулот (хизматлар)га стандартларда, текшириш методлари стандартларида, жараёнларга стандартларда белгиланади.

Стандарт низомларини тўлдирувчи материални иловада жойлаштириш рухсат этилади.

Стандартда библиографик маълумотлар келтирилади. Булар алоҳида варақда, барча иловалардан кейин жойлаштирилади. Стандартнинг библиографик маълумотларида:

- стандартлар таснифлагичи бўйича гуруҳ белгиси;
- муҳим сўзлар бўлади.

Баён қилишга талаблар

Стандартнинг ўзига хос хусусиятларига ва мазмунига қараб, талаблар матн, жадваллар, график материал (расмлар, схемалар, диаграммалар) ёки буларнинг бирикмаси кўринишида баён қилинади. Стандарт матни турлича изоҳланишига йўл қўймайдиган, қисқа, аниқ, стандартнинг қўллашиш доирасига мувофиқ уни қўлланиш учун зарур ва етарли, мантиқий изчил бўлиши лозим. Стандартга фақат объектив методлар билан текшириш мумкин бўлган тафсилотлар ва талабларни киритиш лозим. Стандартда амалдаги стандартларда белгиланган атамалар, таърифлар, белгилар ва қисқартмаларни қўлланиш керак. Катталикларнинг энг катта ёки энг кичик матларини келтирганда “кўпи билан (камида)” ибораларини қўлланиш лозим. Стандартда кўрсатилган меъёрлар, талаблардан оғишларнинг жоиз

қийматларини келтиришда “дан кўп (кам) бўлмаслиги керак” иборасини қўллаш керак¹⁹.

Стандартда ўрнатиладиган катталикларнинг сон қийматлари чекка оғишлари билан ёки энг катта (ёки) энг кичик қийматлар кўринишида кўрсатилиши лозим. Сон қийматларини фоизларда кўрсатишда қуйидагича: “... 63% дан 67% гача” ёки “(65±2%) эмас, балки ” (65±2)% ёзиш керак. Рим харфларидан фақат буюмнинг навини (тоифаси, синфи ва б.) кимёвий элементларнинг валентлигини, йилнинг кварталларини, ярим йилликни белгилашда қўлланиш керак. Қолган ҳолларда араб рақамлари қўлланилади.

Ҳисоб бирликлари ва физик катталиклар бирликларининг белгилари жадвалларда, формулаларга кирадиган символлар ва сонли коэффициентларни тушунтиришда ва матнда, фақат сонли қийматларда қўлланилади ва нуқтасиз ёзилади. Стандартда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- сўзлашув ибораларини, техникцизм ва касбийликни қўлланиш;
- бир тушунчанинг ўзига маъноси жиҳатдан яқин турли илмий-техникавий атамалар (синонимлар) ни, шунингдек ўзбек ва рус тилларида тенг маъноли сўзлар ва атамалар мавжуд бўлгани ҳолда чет сўзлар ва атамаларни қўлланиш;
- ихтиёрий ясама сўзларни қўлланиш;
- рус орфографиясида белгиланганлардан бошқа қисқартма сўзларни қўлланиш.

Стандарт матнини бўлимларга ажратиш керак. Бўлимлар моддалар (пунктлар) га ёки кичик бўлимлар ва моддаларга ажратилиши мумкин. Моддалар, зарур бўлганда, кичик моддаларда бўлиниши мумкин. Стандарт матнини моддаларга ва кичик моддаларга бўлишда ҳар бир модда, кичик модда тугал ахборотни ўз ичига олиши зарур. Бўлимлар, кичик бўлимлар, моддалар ва кичик моддаларни араб рақамлари билан белгилаш ва абзацдан

¹⁹ Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хақимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.

сатр бошидан ёзиш керак. Бўлимлар меъерий ҳужжатдаги асосий қисмнинг бутун матни доирасида (иловалар бундан мустасно) тартиб рақамлари билан белгиланади.

Сарлавҳалар бўлимлар, кичик бўлимларнинг мазмунини аниқ ва қисқа акс эттириши лозим. Бўлимлар, кичик бўлимлар ва моддаларнинг сарлавҳаларини бош ҳарфлар билан охирига нуқта қўймасдан, абзацдан бошлаб ёзиш керак. Моддалар ёки кичик моддалар ичида санаб кўрсатишлар бўлиши мумкин. Санаб кўрсатилган ҳар бир сатр олдида дефис ёки, зарур бўлганда, стандартнинг матнида санаб ўтилганларнинг бирига ҳавола қилишда кичик сатр ҳарфларини қўйиш керак. Кичик ҳарфдан кейин қавс қўйилади. Санаб ўтилганларни кейинчалик равшанлаштириш учун араб рақамларидан фойдаланиш зарур, бу рақамлардан кейин қавс қўйилади. Жадваллар кўрсаткичларнинг яққол ифодаланиши ва таққослашнинг бўлиши учун қўлланилади. Жадвал номини жадвал устида жойлаштириш лозим. Жадвалнинг бир қисмини шу бетнинг ўзида ёки бошқа бетга кўчиришда жадвал номи унинг фақат биринчи қисми устида жойлаштирилади.

График материал – расмлар (схемалар, диаграммалар ва ҳ.к.) стандартга объектнинг хоссаларини ёки тафсилотларини яхши белгилаш, шунингдек стандарт матнини яхши тушуниш учун жойлаштирилади. Стандарт матнида график материалга ҳавола берилган бўлиши керак. График материал ўзи тўғрисида биринчи марта эслатилган матндан кейин бевосита ёки кейинги бетда, зарур бўлганда эса иловада жойлаштирилиши лозим. Матнда жойлаштириладиган расмлар, схемалар, диаграммалар ва ҳ.к. КҲЯТ стандартларининг талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Стандартда график материални тўлдирувчи жадваллар мавжуд бўлса, жадвалларни график материалдан кейин жойлаштириш лозим. График материалнинг бирор мавзуга бағишланган номи бўлиши мумкин, бу номи график материал тагида қуйидагича жойлаштирилади:

1-расм – Асбобнинг деталлари.

Иловада жойлаштирилган формулалардан мустасно, матндаги формулалар сидирга араб рақамлари билан белгиланиши лозим. Рақамлар формула сатҳида ўнг томонда икки томонлама қавс ичида ёзилади. Бир формула қуйидагича белгиланади – (1). Матнда формуланинг тартиб рақамига ҳаволалар қавслар ичида берилади.

Стандартда қуйидаги ҳаволалар берилади:

- ушбу стандартга;
- бошқа стандартларга.

Ушбу стандартга ҳаволаларда бўлимлар, кичик бўлимлар, моддалар, кичик моддалар, санаб кўрсатилганлар, график материал, формулалар, жадваллар, иловалар (шу жумладан, унинг бўлимлари, кичик бўлимлари, моддалари, кичик моддалари ва жадваллари), шунингдек ушбу стандартдаги жадвалларнинг графалари ва сатрлари ва расмдаги буюм таркибий қисмларининг позициялари кўрсатилади. Ҳаволаларда қуйидагилар ёзилади “ 2 - бўлимга мувофиқ ...”, “3.1 га мувофиқ...”, 3.1.1 бўйича ...”, “4.2.2 га мувофиқ, санаб кўрсатилган б...”, А.2-расмга мувофиқ ...”, (5-расм), “(3) формула бўйича ...”, “1-жадвалга мувофиқ...”(4-жадвал) “А иловага мувофиқ...” (Г илова) ва ҳ.к.

Агар матн, жадваллар ёки график материалнинг мазмунига тушунтирувчи ёки маълумотнома маълумотлари зарур бўлса, стандартларда изоҳлар келтирилади.

Стандартда келтирилган алоҳида маълумотларни тушунтириш зарур бўлса, бу маълумотларни саҳифа остига ёзув белгиси билан белгилаб қўйиш лозим. Саҳифа остига ёзиладиган изоҳ ушбу белги қўйилган бет охирида жойлаштирилади ва матндан ингичка горизонтал чизиқ билан чап томонда ажратилади, жадвалда жойлашган маълумотларга изоҳ эса, жадвал охирида, жадвалнинг тугалланганлигини ифодаловчи чизиқ устида ёзилади. Саҳифа остига ёзув белгиси тушунтириш бериладиган сўз, сон, символ, жумладан кейин сатр устида ва тушунтириш матнидан олдинда қўйилади.

Саҳифа остига ёзув белгиси қавсли араб рақамлари билан ёзилади ва матн шрифтининг юқори четига тенг сатҳда жойлаштирилади.

Стандартда қуйидаги қисқартмалар рухсат этилади: рақамлар билан б.-бет; й. - йил; йй. - йиллар; мин. - минимал; макс. - максимал; абс. - абсолют; нис. - нисбий қисқартмалари, шунингдек умумқабул қилинган қисқартмалар, яъни ҳ.к. - ҳоказо; ва б. - ва бошқалар; қ. – қаранг, номин, - номинал қисқартмалари.

Стандартда катталикларнинг стандартлаштирилган бирликлари, номлари ва белгиларини қўлланиш керак.

Расмийлаштиришга талаблар

Бўлим (кичик бўлим) сарлавҳалари ва олдинги ёки кейинги матн орасидаги масофа, шунингдек бўлим ва кичик бўлим сарлавҳалари орасидаги масофа камида тўртта шрифт баландлигига тенг бўлиши лозим.

Кичик бўлимлар ва моддалар сарлавҳаларининг қаторлари ораси матн ичидагидек қабул қилинади.

Сатр боши ҳужжат матнида бир хил четлаштирилган ва бешта белгига тенг бўлиши лозим.

Меъёрий ҳужжатнинг лойиҳасини расмийлаштиришда матннинг чап томони (кенглиги) даги очик жой кенглиги камида 20 мм бўлиши керак.

Стандарт лойиҳасининг матнини тайёрлашда юнон ва бошқа алфавит ҳарфлари, формулалар, алоҳида шартли белгиларни қора паста ёки тушь билан ёзиш рухсат этилади. Бунда киритилган матн зичлиги қолган матн зичлигига яқинлаштирилган бўлиши лозим. Агар чизмалар, схемалар, диаграммалар, расмлар ва/ёки бошқа график материални машина усулида тайёрлаш иложи бўлмаса, бу ҳолда қора тушь ёки пастадан фойдаланилади

Меъёрий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда унинг нусҳасини репрография усулида сифатли қилиб тайёрлаш имкони таъминланиши лозим.

Стандартлар расмий равишда давлат ва рус тилларида нашр қилинади.

Мазмунига талаблар

Стандартлаштириш объектларининг ўзига хос хусусиятларига ва мазмунига қараб, қуйидаги турдаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади:

- асос бўлувчи (ташкилий-методик ва умумтехникавий);
- маҳсулот(хизматлар)га.

Асос бўлувчи ташкилий-методик стандартлар:

– турли вазифаларга мўлжалланган стандартлаштириш объектларининг мақсадлари, вазифалари, таснифланиш тузилмасини, фаолиятнинг маълум доирасида ишларни ўтказиш бўйича умумий ташкилий-техник низомларни ва б.;

– меъёрий ҳужжатларни, техник (конструкторлик, технологик, лойиҳавий, дастурий) ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий тартиби (қоидалари)ни ўрнатади.

Асос бўлувчи умумтехник стандартлар:

– фан, техника, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, қурилишда, транспортда, маданиятда, соғлиқни сақлаш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кўп қайта-қайта фойдаланиладиган илмий-техникавий атамаларни ва уларнинг таърифларини;

– турли стандартлаштириш объектлари учун шартли белгилар (номи, кодлари, белгилари, символлари ва ҳ.к.), уларнинг рақамли, ҳарф-рақамли белгиларини, шу жумладан физик катталиклар параметрларининг белгилари (рус, лотин, юнон ҳарфлари), уларнинг ўлчамлилиги, ёзув ўрнида ишлатиладиган символларни ва ҳ.к.;

– турли (меъёрий, конструкторлик, лойиҳавий, технологик, дастурий ва б.) ҳужжатларни тузиш, баён этиш, расмийлаштириш ва мазмунига талабларни;

– ишлаб чиқариш жараёнларини техникавий, шу жумладан метрологик таъминлаш учун зарур бўлган умумтехник катталиклар, талаблар ва меъёрларни ўрнатади.

Маҳсулотга, хизматларга қуйидагилар ишлаб чиқилади:

– бир турли маҳсулот, хизматларнинг гуруҳларига умумий талабларни ўз ичига олган умумий техникавий талаблар, синаш усуллари, умумтехник шартлар стандартлари;

– муайян маҳсулот, хизматлар (муайян маҳсулот, хизматлар гуруҳи) га талабларни ўз ичига олган техник шартлар стандартлари.

Маҳсулот, хизматлар гуруҳига алоҳида талабларни стандартлаштириш мақсадга мувофиқ бўлганда таснифини, асосий параметрлари (ёки) ўлчамлари, хавфсизлик талаблари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари, хиллари, навлари, русумлари, қабул қилиш, тамғалаш, жойлаш қоидалари, ташиш қоидалари, сақлаш қоидалари, фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта фойдаланиш қоидаларини ўрнатувчи стандартлар ишлаб чиқиши мумкин.

Умумий техник шартлар стандартлари умумий ҳолда қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- таснифлаш, асосий параметрлар ва (ёки) ўлчамлар;
- умумий техникавий талаблар;
- хавфсизлик талаблари;
- атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари;
- қабул қилиш қоидалари;
- текшириш усуллари;
- ташиш ва сақлаш;
- фойдаланиш (таъмирлаш, қайта фойдаланиш) бўйича кўрсатмалар;
- тайёрловчининг кафолатлари.

Бўлимлар (кичик бўлимлар) нинг номенклатураси, таркиби, мазмуни, ва номи стандартлаштириладиган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларига ва унга қўйиладиган талабларнинг характерига мувофиқ аниқланади.

Ишлаб чиқарилганда ва фойдаланилганда фуқароларнинг соғлиги ва мулкига, шунингдек атроф муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотга стандартлар таркибида мажбурий равишда “Хавфсизлик

талаблари” ва “Атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари” бўлимлари бўлиши шарт.

“Таснифлаш, асосий параметрлари ва (ёки) ўлчамлари” бўлимида маҳсулотнинг турини, навини, русумини, моделини ва ҳ.к. ни тавсифловчи параметрлар ва (ёки) ўлчамлар ўрнатилади ва, зарур бўлганда, маҳсулотнинг асосий параметрлари ва (ёки) ўлчамлари бўйича таснифланган номенклатураси (нави), кимёвий таркиби бўйича, баъзи ҳолларда эса, шунингдек асосий истеъмол (фойдаланиш) тафсилотлари бўйича ҳам таснифланган материаллар (хом ашё) русумларининг номенклатураси ўрнатилади. Бўлимда материалларнинг қўлланилиши бўйича тавсияномаларни, уларга ишлов бериш режимлари ва ҳ.к. ларни келтириш рухсат этилади.

“Умумий техникавий талаблар” бўлимида қуйидаги кичик бўлимлар бўлади:

- тафсилотлар (хоссалари);
- хом ашё, материаллар, сотиб олинadиган буюмларга талаблар;
- бутлиги;
- белгиланиши;
- жойлаш.

“Тафсилотлар (хоссалари)” кичик бўлимда қуйидаги талаблар келтирилади:

- вазифаси;
- пухталиги (ишончилиги);
- радиоэлектрон ҳимоя;
- ташқи таъсирларга қарши чидамлилиги ва яшовчанлиги;
- эргономика;
- хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- технологиябоплиги;
- конструктив талаблар.

“Вазифа талаблари” моддасида маҳсулотнинг хоссаларини тавсифловчи талаблар ўрнатилади. Бундай талаблар маҳсулот бажариши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилайди. Бу моддада, шунингдек таннарх ва ўзаро алмашинувчанлик талаблари ҳам ўрнатилади.

“Пухталик (ишончлилик) талаблари” моддасида маҳсулотнинг ўз вазифаларини белгиланган вақт оралиғида топшириқдаги самарадорлик билан бажаришига ва бу вазифаларнинг берилган техник хизмат кўрсатиш шароитларида, таъмирлаш, сақлаш, ташишда сақланиб қолишига талаблар, шу жумладан маҳсулотнинг пухталик кўрсаткичи ва ёки маҳсулотнинг бузилмаслиги, умрбоқийлиги кўпга чидамлилиги, таъмирлашга яроқлилиги ва сақланувчанлиги кўрсаткичларининг қийматлари кўринишидаги миқдорий талаблар ўрнатилади.

Маълум вақт ўтгандан кейин фойдаланиш одамларнинг ҳаёти, соғлигига, атроф муҳитга хавф солиши ёки фуқароларнинг мулкига зарар келтириши мумкин бўлган маҳсулотга хизмат муддати ўрнатилиши лозим.

“Эргономика талаблари” моддасида маҳсулот техник тафсилотларини одамнинг эргономик тафсилотлари ва хоссалари билан мувофиқлаштиришга қаратилган талаблар, (хизмат кўрсатувчи ходимнинг иш жойларига, буюмнинг ва буюм элементларининг одам танасининг ўлчамларига мувофиқлиги талаблари ва ҳ.к.) ўрнатилади.

“Хом ашё, материаллар, сотиб олинadиган буюмларга талаблар” кичик бўлимда қуйидагилар ўрнатилади:

– сотиб олинadиган буюмлар, суюқликлар, мойлар, бўёқлар ва материаллар (маҳсулотлар, моддалар) ни қўлланиш;

– қўлланиш ва (ёки) қўлланиладиган материалларни чеклаш, уларни ҳисобга олиш тартиби;

– иккиламчи хом ашё ва саноат ишлаб чиқаришидаги чиқиндиларни қўлланиш.

“Бутлиги” кичик бўлимда етказиб бериладиган комплектга кирган буюмнинг алоҳида (етказиб беришда механикавий бирлаштирилмаган)

таркибий қисмлар, уларга эҳтиёт қисмлар, асбоблар ва мосламалар, материаллар ва ҳ.к., шунингдек буюмга қўшиб юбориладиган хужжатлар аниқланади.

“Тамғалаш” кичик бўлимда маҳсулотни тамғалашга, шу жумладан транспорт тамғасига қуйидаги талаблар ўрнатилади:

– тамға босиш жойи (бевосита маҳсулотга, ёрликларда, этикеткаларда, идишда ва ҳ.к. да);

– тамғани босиш усули (ўйма нақш тушириш, хурушлаш);

– тамғанинг мазмуни.

“Хавфсизлик талаблари” бўлимида қуйидагилар ўрнатилади:

– электр хавфсизлиги талаблари;

– ёнғин хавфсизлиги талаблари;

– портлаш хавфсизлиги талаблари;

– радиацион (нурланиш) хавфсизлиги;

– кимёвий ва ифлос қилувчи моддаларнинг таъсиридан хавфсизлик талаблари, шу жумладан модда ва унинг таркибий қисмларининг энг кўп рухсат этилган концентрациясига талаблар;

– машиналар ва жиҳозларга хизмат кўрсатишда хавфсизлик талаблари, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ходим нотўғри ҳаракат қилгандаги ва ўзидан-ўзи нотўғри ишлаб кетгандаги хавфсизлик талаблари ва бошқалар.

Хавфсизлик талаблари жоиз хавфликнинг барча турларини ва меъёрларини ўз ичига олиши ва маҳсулотнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати давомида маҳсулот (ишлар, моллар, хизматлар) нинг хавфсизлиги таъминланадиган даражада ўрнатилиши лозим.

“Атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари” бўлимида экологик жиҳатдан хавфли маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва ишлатиш (қўлланиш) ва қайта фойдаланишда атроф табиий муҳитга, одамнинг соғлигига, генетик фондига зарарнинг олдини олиш учун экологик талаблар ўрнатилади.

“Қабул қилиш қоидалари” бўлимида маҳсулотларни уларнинг сифати ва сони бўйича қабул қилишга талаблар, текшириш режаси, шунингдек, синовларнинг тури ва, зарур бўлганда, дастурлари белгиланади.

“Текшириш методлари” бўлимида маҳсулотнинг стандартда баён этилган талабларга мувофиқлигини текшириш (синашлар, ўлчашлар, таҳлил) йўллари, усуллари, тартиботлари ўрнатилади.

“Ташиш ва сақлаш” бўлимида маҳсулотни ташиш ва сақлашда унинг сақланувчанлигини таъминлаш, шу жумладан хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар ўрнатилади. Бўлимда транспорт турлари (ҳаво, темир йўл, денгиз, автомобиль транспортлари) ва ташиш воситалари (ёпиқ ёки очик вагонлар, рефрижераторли вагонлар, цистерналар, кемаларнинг трюмлари-юк сақланадиган остки хоналари ёки палубалар ва ҳ.к.), маҳсулотни бу воситаларда маҳкамлаб ва устини беркитиб қўйиш усуллари, шунингдек, маҳсулотни ҳаммабоп, ихтисослаштирилган контейнерларда, ихтисослаштирилган транспорт билан ва пакетларда ташишга оид талаблар, контейнерда маҳсулот жойлари сони (массаси), пакетларнинг габарит ўлчамлари, пакетдаги жойлар сони, пакетларни жойлаштириш тартиби ва ҳ.к. кўрсатилади.

Сақлаш қоидалари қуйидаги тартибда баён қилинади:

- сақлаш жойи;
- сақлаш шароитлари;
- таҳлаш шароитлари;
- сақлашнинг махсус қоидалари ва муддатлари (зарур бўлганда).

“Фойдаланиш бўйича кўрсатмалар” (таъмирлаш, қайта фойдаланишга оид кўрсатмалар) бўлимида риоя қилинганда маҳсулотнинг маълум шароитларда ва тартиботларда иш қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлайдиган ва истеъмол (фойдаланиш) тафсилотларини кафолатлайдиган талаблар ўрнатилади. Бўлимда буюмни фойдаланишга тайёрлаш ва киритишга талаблар, буюмни фойдаланиш жойида ўрнатиш тартиби, шунингдек техник тафсилотларига мувофиқ иш имкониятларини ва

хавфсизлигини сақлаш учун буюмлардан фойдаланиш асосий меъёрлари ва қоидалари, шу жумладан узлуксиз ва циклик ишлаш вақти, техник хизмат кўрсатишларнинг турлари (календар кунлар, бажарилган ишлар ҳажми, техник ҳолати бўйича ва б.), даврийлиги ва ҳажми кўрсатилади. Маҳсулотдан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича талаблар маҳсулотни сертификатлаштириш учун яроқли бўлиши лозим.

“Тайёрловчининг кафолатлари” бўлимида маҳсулотни тайёрловчи (етказиб берувчи, хизматларни бажарувчи) нинг чиқариладиган шу жумладан таъмирланган маҳсулот (хизматлар) нинг стандарт талабларига мувофиқлигини кафолатлаш мажбуриятлари кўрсатилади, шунингдек, кафолат тури, давом этиш муддати ва кафолатнинг бошланиш пайтини ҳисоблаш кўрсатилади. Бутловчи буюмларга ва таркибий қисмларга фойдаланишнинг кафолатланган муддати асосий буюмни кафолатлаш муддатига тенг ҳисобланади, кафолатлаш муддати етказиб беришга тузилган шартномалар билан ҳам белгиланади. Асосий буюмга стандартдарда бутловчи буюмларга ва таркибий қисмларга асосий буюмларникидан кўпроқ ёки камроқ кафолат муддатини ўрнатиш рухсат этилади.

Маҳсулотга стандартларда ва (ёки) текшириш методларига стандартларда ўрнатиладиган текшириш (синаш, ўлчаш, таҳлил) методлари маҳсулотга стандартларда ўрнатилган сифатга мажбурий талабларнинг барчасини ҳолис (объектив) текширилишини таъминлаши лозим. Текшириш (синаш, ўлчаш, таҳлил) методлари объектив, аниқ ифодаланган, равшан бўлиши, тартибини ва натижаларнинг такрорланувчанлигини таъминлаши лозим, ҳар бир метод учун, текширишнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, қуйидагилар белгиланади:

- текшириш воситалари ва ёрдамчи қурилмалар;
- текширишни ўтказишга тайёрланиш тартиби;
- текширишни ўтказиш тартиби;
- текшириш натижаларига ишлов бериш қоидалари;
- текшириш натижаларини расмийлаштириш қоидалари;

– текширишдаги жоиз (рухсат этилган) хатолик.

Текширишни ўтказишга тайёрланиш тартибини баён этишда маҳсулотни текширишга тайёрланишга тегишли маълумотлар, шунингдек намуналар (кичик намуналар) ни олиш жойи ва усули, шакли, тури, ўлчамлари ёки массаси кўрсатилади, зарур бўлганда, уларни сақлаш ва ёки ташиш шароитлари ҳам кўрсатилади. Зарур бўлганда, ўлчаш ускунасининг тузилиш ва ишлаш схемаси, шунингдек приборлар ёки аппаратларни улаш схемалари ҳам келтирилади.

Текширишни ўтказиш методикасига талабларни баён этишда текшириш шароитларининг тавсифлари уларнинг жоиз қийматларини ва қайта тиклашдаги хатоликларни қўшиб кўрсатилади, шунингдек агар текшириш ишлариини ўтказиш тартиби текшириш натижаларига таъсир этадиган бўлса, бу тартиб ва ўтказиладиган ишлар баёни ҳам келтирилади.

Текшириш натижаларига ишлов бериш қоидаларини баён этишда ҳисоблаш формулалари келтирилади.

Текшириш натижаларини расмийлаштиришга талабларни баён этишда текшириш журналлари (баённомалари) га, буларга киритиладиган маълумотларнинг мазмуни ва тартибига талаблар ўрнатилади.

Текшириш методининг аниқлигига талабларни баён этишда методнинг рухсат этилган хатоликлари, ҳисоблашларнинг тўғрилиги ва маълумотларни (сонларни) йириклаштириш даражаси кўрсатилади, шунингдек ушбу метод билан таъминланадиган натижаларнинг қайта тикланувчанлиги ва такрорланувчанлиги тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади.

Жараёнларга стандартлар маҳсулот (хизматларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта фойдаланиш технологик жараёнларида ҳар хил ишларни бажариш методлари (усуллари, йўллари, тартиботлари, меъёрлари) га талабларни ўрнатади. Бу талаблар бажариладиган барча ишларнинг техникавий бирлигини ва мақбуллигини таъминлаши лозим.

Назорат саволлари

1. Ўзбекистон Республикасининг стандартини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби
2. Стандартлаштириш босқичлари
3. Стандартнинг лойиҳасини ишлаб чиқиш
4. Стандартларни тасдиқлаш тартиби
5. Меъёрий ҳужжатларни тузиш
6. Стандартларни баён қилиш

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. www.ima.uz
7. vtww.academy.uz
8. www.standart.uz
9. www.smsiti.uz
10. www.uza.uz

1	Миллий стандартларни ишлаб чиқиш босқичлари сони	тўртта
2	Миллий стандартларнинг ишлаб чиқишнинг 1 босқичи	зарурият туғилганда стандартни ишлаб чиқишда техникавий топшириқ ишлаб чиқилади ва тасдиқланади
3	Миллий стандартларнинг ишлаб чиқишнинг 2 босқичи	стандарт лойиҳасини ишлаб чиқиш (биринчи таҳрири) ва уни фикр мулоҳазалар олиш учун юбориш
4	Миллий стандартларнинг ишлаб чиқишнинг 3 босқичи	фикр-мулоҳазалар устида ишлаш, стандарт лойиҳасини (охирги таҳририни) ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашга тақдим этиш
5	Миллий стандартларнинг ишлаб чиқишнинг 4 босқичи	стандартни тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш
6	Халқаро стандартларни ишлаб чиқиш босқичлари сони	олтита

4-амалий машгулот.ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Режа:

4.1. Асосий қоидалар.

4.2. Давлат стандартлаштириш тизимида асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларнинг классификацияси.

4.1. Асосий қоидалар

Асосий қоидалар Ўзбекистонда стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва олиб боришга умумий талабларни ўрнатади, Ўз СДТ нинг меъёрий ҳужжатлари мажмуида асос бўлади ва О'з DSt 1.0:1998 билан регламентланади²⁰.

Асосий қоидаларда келтирилган асосий мақсадлар “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунда ўрнатилганларга ўхшайди.

Стандартлаштириш тармоқлараро тизимининг давлат ва рус тилларида қисқартирилган номлари белгиланган:

О'з StDT – O'zbekiston standartlashtirish davlat tizimi – (ГСС Уз – государственная система стандартизации Узбекистана);

КНТ – konstruktorlik hujjatlarining yagona tizimi – (ЕСКД – единая система конструкторской документации);

ТНТ – texnologik hujjatlarining yagona tizimi – (ЕСТД – единая система технологической документации);

MST – mahsulotni sinash tizimi – (система испытаний продукции);

MSKT – mahsulot sifatini ko'rsatkichlarining tizimi – (СПКП – система показателей качества продукции);

О'зSMT – O'zbekiston sertifikatlashtirish milliy tizimi – (НСС Уз – национальная система сертификации Узбекистана);

²⁰ Исмагуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.

НВТ – hujjatlarning birxillashtirilgan tizimi – (УСД – унифицированная система документов);

НКАСТ – nashriyot, kutubhona va axborot bo'yicha standartlar tizimi – (СИБИД – система стандартов по информации, библиотечному и издательскому делу);

О'z О'ДТ – O'zbekiston o'lchashlar birliligini taminlash davlat tizimi – (ГСИ Уз – государственная система обеспечения единства измерений Узбекистана);

МВЗЕНТ – materiallar va buyumlarni zanglash va eskirishdan himoyalash yagona tizimi – (ЕСЗКС – единая система защиты от коррозии и старения материалов и изделий);

МНStT – mehnat havfsizligi standartlari tizimi – (ССБТ – система стандартов безопасности труда);

ITTT – ishlab chiqarishni texnologik tayorlashning yagona tizimi – (ЕСТПП – единая система технологической подготовки производства);

ДНТ – dasturiy hujjatlarining yagona tizimi – (ЕСПД – единая система программой документации);

QLHT – qurilish uchun loyiha hujjatlari tizimi – (СПДС – система проектной документации для строительства);

ТР – texnika puhtaligi – (НТ – надёжность в технике);

МҮаТ – mahsulot yaratish va ishlab chiqarishni tashkillashtirish tizimi – (СРГШ - система разработки и постановки продукции на производство);

О'z АТ – O'zbekiston akkreditatsion tizimi – (СА – система аккредитации Узбекистана);

ST – sifat tizimi – (СК – система качества);

ТКТ – texnik-iqtisodiy va ijtimoiy axborotni tasniflash va kodlash yagona tizimi – (ЕСКК ТЭСИ – единая система классификации и кодирования технико-экономической и социальной информации)

Асосий қоидаларда стандартлаштиришнинг асосий вазифалари келтирилган: истеъмолчилар ва давлат манфаатларини кўзлаб, чиқариладиган

маҳсулотнинг сифати ва номенклатурасига мақбул талабларни ўрнатиш; параметрик ва хил ўлчамлари қаторларини, асос конструкцияларни, конструктив-бирхиллаштирилган буюмларнинг блок-модул таркибий қисмларини белгилаш ва қўлланиш асосида бирхиллаштириш; маҳсулот, унинг элементлари, бутловчи буюмлар, хом ашё, материалларнинг кўрсаткичлари ва тафсилотларини келишиб олиш ва ўзаро мувофиқлаштириш; метрологик меъёрлар, қоидалар, низомлар, талабларни ўрнатиш ва б.

Стандартлаштиришнинг асосий принциплари ифодаланган, жумладан: стандартлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги; стандартлаштиришнинг комплекслиги; барча даражадаги меъерий ҳужжатларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ва келишилганлиги; ўхшаш стандартлаштириш объектларига бошқарувнинг турли даражаларида меъерий ҳужжатларни такрор ишлаб чиқишга йўл қўймаслик ва ҳ.к.

Стандартлаштиришнинг ташкилий асослари ўрнатилган. Стандартлаштириш бўйича миллий идора – Ўзстандарт Агентлигининг вазифалари белгиланди:

- стандартлаштириш соҳасида миллий сиёсатни шакллантиради ва амалга оширади;
- давлат ва хўжалик бошқарув идораларининг стандартлаштириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;
- стандартлаштириш бўйича ишларни ўтказиш умумий ташкилий-методик қоидаларини ўрнатади;
- меъерий ҳужжатлар, шу жумладан мажбурий талабларни ўз ичига олган ҳужжатлар устидан давлат текшируви ва назоратини амалга оширади;
- стандартлаштириш соҳасида кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкиллаштиради ва олиб боради.

Давархитектурақурилиш, Давтабиатқўмита, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа давлат ва хўжалик бошқарув идоралари ўз ваколатлари

доирасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради.

Стандартлаштириш ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишларга методик жиҳатдан раҳбарлик қилиш учун хос бошқарув идоралар Ўзстандарт Агентлиги билан ҳамкорликда стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ва таянч ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектларда эса -стандартлаштириш хизматларини ташкил этади.

Барча даражалардаги стандартлаштириш объектларининг батафсил рўйхати келтирилган:

- Давлатлараро стандартлаштириш объектлари қуйидагилардан иборат:

- умумтехникавий меъёрлар ва талаблар, шу жумладан умуммашинасозликда қўлланиладиган буюмларнинг (подшипниклар, редукторлар, маҳкамлаш буюмлари ва бошқалар) ягона техник тили, хил ўлчамлари қатори ва намунавий конструкциялари, ахборот технологияларининг мос келувчи дастурий ва техник воситалари, материаллар ва моддаларнинг хоссалари тўғрисида маълумотнома маълумотлари, маҳсулотни таснифлаш ва кодлаш;

- йирик саноат ва хўжалик мажмуиларининг объектлари (транспорт, энергетика, алоқа ва б.);

- йирик давлатлараро ижтимоий-иқдисодий ва илмий-техникавий дастурларнинг объектлари, жумладан аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, одамлар яшайдиган муҳитни текшириш тизимини яратиш, радиоэлектрон воситаларининг электромагнит мос келувчанлиги, аҳоли ва халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини эҳтимолни ҳисобга олган ҳолда таъминлаш;

- қатор давлатларда чиқариладиган, ўзаро етказиб бериладиган маҳсулот.

4.2. Давлат стандартлаштириш тизимида асос бўлувчи меъёрий ҳужатларнинг классификацияси

Асос бўлувчи давлатлараро стандартлар фаолиятнинг маълум соҳаси учун умумий ташкилий-методик қоидаларни, шунингдек маҳсулотни яратиш ва фойдаланишда турли фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро тушунишини, техникавий бирлилигини ва ўзаро алоқаларини, атроф муҳитни муҳофазалашни, меҳнатни муҳофазалашни ва бошқа умумтехникавий талабларни таъминлайдиган умумтехникавий талабларни (меъёрлар, қоидаларни) ўрнатади.

- Давлат стандартлаштириш объектлари қуйидагилардан иборат:

- а) ташкилий-методик ва умумтехникавий меъёрлар ва талаблар, жумладан:

- стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;
- билим ва фаолиятнинг турли соҳаларида терминологик тизимлар;
- техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни таснифлаш ва кодлаш;
- хавфсизлик техникаси, атроф муҳитни муҳофазалаш, меҳнат гигиенаси, эргономика, техникавий эстетика талаблари;

- б) маҳсулотга мажбурий талаблар;

- в) тармоқлараро эҳтиёжга мўлжалланган маҳсулот;

- г) давлат аҳамиятидаги хўжалик объектларининг элементлари, шу жумладан банк тизими, транспорт, алоқа, энергетик тизим, муҳофаа ва ҳ.к

- д) давлат ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий дастурларнинг объектлари (элементлари);

- Тармоқ стандартлаштириш объектларига тармоқни ташкил этиш ва бошқариш, сифатни таъминлаш, тармоққа мўлжалланган маҳсулот меъёрлари ва қоидалари, қиради.

- Маъмурий-худудий стандартлаштириш объектларига худудни бошқариш, худуд учун хос маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича меъёрлар ва қоидалар кириши мумкин.

- Корхоналарда стандартлаштириш объектларига қуйидагилар қиради:

- чет истеъмолчиларга харидга чиқариладиган маҳсулот;
- ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш бўйича меъёрлар ва қоидалар;
- сифатни бошқариш;
- фақат ушбу корхонада тайёрланадиган ва ишлатиладиган деталлар ва йиғма бирликлар;
- технологик жихоз ва асбоблар, технологик меъёрлар, талаблар ва ушбу корхонадаги намунавий технологик жараёнлар;
- кўрсатиладиган хизматлар.

Ўзбекистонда қўлланиладиган меъёрий ҳужжатлар:

- давлатлараро стандартлар;
- Ўзбекистон давлат стандартлари;
- тармоқлар стандартлари;
- техник шартлар;
- маъмурий-худудий стандартлар;
- корхоналарнинг стандартлари.

Стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатларга шунингдек раҳбарий ҳужжатлар, меъёрлар ва қоидалар (қурилиш, санитария, экологик қоидалар ва б.), тавсиялар, техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот таснифлагичлари ҳам киради.

Халқаро ва худудий стандартлар О'з DSt ISO/IEC 21:2001 бўйича Ўзбекистон давлат стандартларига қайта расмийлаштирилиб қўлланилади.

Чет эл стандартлари – О'з DSt 1.7:1998 бўйича қайта расмийлаштирилади.

Узлуксиз таълим тизимида Ўзбекистон давлат стандартлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ихтиёрий меъёрий ҳужжатларни қўлланиш (амал қилиш) мақсадида республикада техник регламент мавжуд бўлганда қўлланилиши мажбурий бўлмаган меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Меъёрий ҳужжатларни белгилаш тартиби ўрнатилган:

- а) давлат аҳамиятидаги меъёрий ҳужжатлар:

- Ўзбекистон давлат стандарти – O'z DSt;
- Ўзбекистон умумдавлат таснифлагичи – O'z DT
- Ўзбекистон раҳбарий ҳужжати – O'z RH
- Ўзбекистон тавсияномалари – O'z T.

б) тармоқ даражасидаги меъёрий ҳужжатлар:

- тармоқ стандарти – TSt;
- тармоқ таснифлагичи – TT;
- техник шартлар – TSh;
- раҳбарий ҳужжат – RH;
- тавсиялар – T.

в) маъмурий-худудий аҳамиятдаги меъёрий ҳужжатлар:

- маъмурий-худудий стандарт – MHSt ;
- тавсияномалар – T.

г) корхона аҳамиятидаги меъёрий ҳужжатлар:

- техник шартлар – TSh;
- корхона стандарти – KSt.

Демак, барча даражадаги меъёрий ҳужжатларнинг белгиси ҳужжат матнининг қайси тилда ёзилганлигидан қатъий назар, давлат тилида лотин ёзувидаги қисқартмалар (аббревиатуралар) билан белгиланади.

Аббревиатуралар қуйидагиларни ифодалайди:

O'z – O'zbekiston

D – Davlat

T – Tasniflagich, Tarmoq, Tavsiyanoma

R – Rahbariy

H – Hujjat, Hududiy

Sh – Shart

K – Korhona

M – Mamuriy

St – Standart


Давлатлараро стандарт белгиси (ГОСТ) рус тилида сақланади. Стандартлар даражаси, уларнинг тасдиқлаш даражалари ва Ўз СДТ стандартларининг турлари 4.1-расмдаги схемада келтирилган.

Халқ истеъмоли ноозиқ молларини тайёрлаш ва харидга чиқариш учун намуналар (эталонлар) нинг техник тавсифларини ишлаб чиқиш руҳсат этилади. Техник тавсифлар давлат рўйхатидан ўтказилмайди, чунки улар ушбу гуруҳдаги бир турли маҳсулотга умумий талабларни ўрнатувчи меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

Харидга чиқариладиган маҳсулотга барча даражадаги меъёрий ҳужжатлар Ўзстандарт Агентлигининг идораларида давлат рўйхатидан ўтказилади. Давлат рўйхатидан ўтмаган меъёрий ҳужжатлар ҳақиқий бўлмайди. Маҳсулотга меъёрий ҳужжатлар, одатда, ҳар беш йилда, агар бошқа муддат урнатилмаган булса, қайтадан кўриб чиқилади.

Импорт қилинадиган маҳсулот Ўзбекистон ҳудудида амалдаги меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган мажбурий талабларга мувофиқ келиши лозим. Бу сертификат билан тасдиқланади.

Меъёрий ҳужжатларсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва харидга чиқариш руҳсат этилмайди.



4.1-расм. Стандартлар даражалари, уларни тасдиқлаш даражалари ва Ўз СДТ стандартларининг турлари

Меъёрий ҳужжатларни нусхалаш тартиби Асосий қоидаларда белгиланган. Меъёрий ҳужжатларни ва уларга киритилган ўзгартиришларни нашр ва қайта чоп этиш бу ҳужжатларни тасдиқлаган (қабул қилган) ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Стандартлаштириш бўйича халқаро, давлатлараро ва ҳудудий ташкилотларнинг меъёрий ҳужжатларини Ўзбекистон ҳудудида нашр ва қайта чоп этиш ҳуқуқи Ўзстандарт Агентлигига берилган.

Хўжалик юритувчи субъектларда стандартлар устидан давлат текшируви ва назорати қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Назорат саволлари

1. Стандартлаштиришнинг асосий принциплари
2. Стандартлаштиришнинг ташкилий асослари
3. Давлат стандартлаштириш тизимида асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларнинг классификацияси
4. Меъёрий ҳужжатларни белгилаш тартиби
5. Аббревиатуралар ифодаланиши

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. www.ima.uz
7. vtww.academy.uz
8. www.standart.uz

1	Давлатлараро стандартлаштириш объектлари	умумтехникавий меъёрлар ва талаблар, шу жумладан умуммашинасозликда қўлланиладиган буюмларнинг ягона техник тили, хил ўлчамлари қатори ва намунавий конструкциялари, ахборот технологияларининг мос келувчи дастурий ва техник воситалари, материаллар ва моддаларнинг хоссалари тўғрисида маълумотнома маълумотлари ва б.
2	Асос бўлувчи давлатлараро стандартлар	фаолиятнинг маълум соҳаси учун умумий ташкилий-методик қоидаларни, шунингдек маҳсулотни яратиш ва фойдаланишда турли фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро тушунишни, техникавий бирлилигини ва ўзаро алоқаларини, атроф муҳитни муҳофазалашни, меҳнатни муҳофазалашни ва бошқа умумтехникавий талабларни таъминлайдиган умумтехникавий талабларни ўрнатади.
3	Ўзбекистон давлат стандартларига қайта расмийлаштирилиб қўлланилади Халқаро ва ҳудудий стандартлар	O'z DSt ISO/IEC 21:2001
4	Чет эл стандартлари қайта расмийлаштирилиши учун меъёрий хужжат	O'z DSt 1.7:1998

5-амалий машғулот
СТАНДАРТЛАШТИРИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК (УСЛУБИЙ)
АСОСЛАРИ

Режа:

5.1. Стандартлаштиш усулари

5.2. Амалиётда кўпроқ қўлланиладиган умум-илмий стандартлаштириш усуллари

5.1 Стандартлаштириш усуллари

Стандартлаштиришнинг кенг тарқалган усуллари сифатида бирхиллаштиришни, агрегатлаштиришни ва турлашни олишимиз мумкин. Айнан шу усуллар ёрдамида ўзаро алмашувчанликни таъминлаш мумкин. Энди шу усулларни бирма-бир кўриб чиқайлик.

Стандартлаштириш бўйича фаолият мураккаб ва кўп қирралидир. Юқори сифатли стандартлаштиришга эришиш бир қатор усуллардан фойдаланишга мўлжалланган.

Метод (усул) (грекчадан «methodos») – аниқланган масалани ҳал этишда назарий ёки амалий тадқиқотларни қабул қилиш, қўллаш, йўлидир. Метод – бу кўп маротабали такрорланишлар учун олдиндан режалаштирилган ва мақбул бўлган мураккаб фаолиятни бажариш йўлидир.

Стандартлаштиришда қуйидаги комплекс метод (усул)лардан фойдаланилади:

- фалсафий;
- умум илмий;
- махсус.

1. Фалсафий усуллар

Бунга қуйидагилар тааллуқлидир:

- тенг ҳуқуқлилиқ усули – назарий тадқиқотларнинг илмий усули бўлиб, ўзида объект тўғрисидаги абстракдан, муайян ҳамма томонлама ўрганишга ҳаракат қилинган фикрларни ифода этади;

- тарихий усул – вақт бўйича ўзгарувиш ва ривожланишга фаолият сифатида имкон беришга мансуб усул;

- мантиқий усул – турли назариялар маълумотларидан келиб чиқиб ишончли билимни кафолатловчи, мантиқий алоқадорликни ва муносабатни аниқлайди.

2. Умум илмий усуллар.

Бу усуллар илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражасида турли мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланилади. Буларга қуйидагилар мансубдир:

- эмпирик (кузатув, солиштириш, эксперимент, ўлчаш) усуллар;

- назарий (иделлаштириш, шакллантириш, аксиомали усул, экстраполяция (нарс ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этиш));

- эмпирик-назарий усуллар (мавҳумлаштириш, таҳлил, синтез, индукция, дедукция, моделлаштириш, тизимлаштириш, синфлаштириш).

Оптималлаштириш усуллари:

- Математик оптималлаштириш усули – оптималлаштирилган стандартлаштириш объектининг ишчи ҳолати ва математик моделини батафсил яратишни ташкил асосидаги усул. Бу усул илгариланма стандартларни ишлаб чиқишда сифатни башоратлашни таъминлаши ва юқори аниқлиги билан фарқланади. Бироқ, ундан фақат яхши ўрганилган объектлар, уларни яратиш шартлари ва қўлланилишини оптималлаштиришда фойдаланиш мумкин.

- Экстраполяция (нарс ва ҳодисанинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ёйиш ёки татбиқ этиш) ёрдамида тўғридан-тўғри башоратлаш усули. Бош усули ўтган вақт статистикасидан фойдаланиш бўлиб ва вақт бўйича ўзгариш имкониятларини ҳисобга имконини бермайди. Шунинг учун экстраполяция усули қисқа давр вақтни башоратлашда фойланиш мақсадга мувофиқ.

- Функция-қийматли таҳлил асосида оптималлаштириш усули, яъни иқтисодий самарадорлик, вақт бўйича харажат ва самарани солиштириш ва бу

асосида энг яхши вариантларни танлаш. Аммо, бу ерда стандартлаштириш объекти (қўлланилиши) эксплуатациясидан самара вариация таҳлили назарда олинмайди.

- Мухандислик ҳисоблари (мустаҳкамлик, аниқлик, чидамлилик, ишаб чиқарувчанлик ва бошқа кўрсаткичлари) асосидаги усул. Таниқли ҳисоблаш усулларига: усулнинг аниқлиги жуда ҳам етарли, аммо у турли объектларни солиштириб баҳолаш учун фойдаланиб бўлмайди, фақат бир турдаги объектларга қўллаш самара беради.

Экспертли усуллар. Экспертларнинг тажрибаси, зийраклиги, билимдонлигига асосланган. Экспертларнинг хулосалари юқори ниқликда, ишончли, асосланган, янглишмаган, жамоа фикридан мустақил, янгиланган, дадил ва кенг қўламли бўлиши лозим. Эксперт усуллари объект тўғрисида назарий йўли билан ёки экспериментал усуллар билан маълумотлар олиш умкони бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Қуйидаги эксперт усуллари мавжуд: эвристик (ақлий ҳужум, сценарияли, анкетали) ва жамоали экспертизалар. Янада холисона ва истиқболли усул бўлиб экспертлар гуруҳи доирасида жамоали экспертиза усули ҳисобланади. Бироқ, муайян шароитларга боғиқ ҳолатларда бу усуллардан комбинациялашган ҳолда қўлланилади.

3. Махсус усуллар.

Кўпроқ ишлатиладиган стандартлаштиришнинг махсус усуллари қуйидагилар:

- унификация (бирхиллаштириш);
- типлаштириш (турлаш);
- агрегатлаштириш;
- модуллаштириш.

Шунингдек, параметрик стандартлаштириш, комплекс стандартлаштириш ва илгариланма стандартлаштириш каби махсус усуллар ҳам мавжуд. Кўпроқ ва кенгроқ миқёсда қўлланиладиган усулларга батафсил тўхтилиб ўтамиз.

5.2. Амалиётда кўпроқ қўлланиладиган умум-илмий стандартлаштириш усуллари

Стандартлаштириш объектларини тизимлаштириш стандартлаштиришнинг муайян объектлари мажмуийни илмий кетма-кетлик билан таснифлаш (синфлаш) ва майян тартиблаштиришдан иборат. Ихтиёрий объектни тизимлаштириш фойдаланиш учун қулай, аниқланган тизимни шакллантириш ва уларни кетма-кетликда жойлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Тизимлаштиришнинг энг оддий тизими турли луғат ва маълумотлардан фойданиладиган алифбо бўлиб ҳисобланади. Стандартлаштириш объектларини тартиб рақамлаштириш ёки уларни воқеалар кетма-кетлигига асосланган ҳолда жойлаштиришда қўлланилади. Маслан, ГОСТ, O'z DSt стандартларини ўсиб бориш тартиби бўйича рақамлаштириш ва ундан сўнг қабул қилинган йили кўрсатилади.

Компьютер технологиялари асрида ягона тамойилларни ишлаб чиқиш ва усулларни тизимлаштиришда ахборот мослашувчанлигини таъминлаш мақсадида синфлаштириш, идентификациялаш ва кодлаштириш долзарб аҳамиятга эга. Турли хилликни тизимлаштиришнинг асоси синфлаштириш (таснифлаштириш) бўлиб ҳисобланади.

Таснифлаштириш (синфлаштириш) – объектлар тўпламин қабул қилинган усулга мувофиқ аниқланган аломатлар асосида фарқлаш ёки уларни келиб чиқиши бўйича синфли гуруҳлаш (таксонлар)га ажратишдир.

Аломатлар – объект шаклини бошқаларидан фарқловчи объектнинг ўзига хос хоссасидир. Объектларни синфлаштиришда уларни умумий аломатларига боғлиқ бўлган синф, синф ости, тури, разрядлар гуруҳи ва бошқа кўрсаткичлари бўйича жойлаштириш ҳамда бир-бирига бўйсунган объектлар тизими яратилади.

Умумий синфлаш ўзида ихтиёрий объектлар кетма-кетлиги усулини намоён этиб ва уни қўллаш универсалдир, шунинг учун бу усул аниқлаштиришни талаб этади. Фақат “синфлаштириш (синфлашган)”

тушунчасининг 900 дан ортиқ таърифи маълумдир. Улардан энг кўп тарқалгани ва синфлаш маъноси тўғрисида етарлича аниқ тушунчани берувчи қуйидагилар ҳисобланади: объектлар синфи ёки бу тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрнатиш воситаси сифатида фойдланиладиган, инсон фаолияти ёки билимлар соҳасида у ёки бу кетма-кет боғланган тушунчалар (объектлар синфи) тизими.


Синфлаштириш ва кодлаштириш фикрлаш жараёни фаоллиги билан бевосита боғлиқдир, айниқса унинг асосий қисми бўлиш, бу маълумотни ўзлаштиришга жавоб беради.

Шу жиҳати билан ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш бўйича бажарувчининг ишларини оптималлаштиришга боғлиқдир. Замонавий ишлаб чиқариш тизимларида маълумотларни ҳиддан зиёд ҳажмда бўлишини ҳисобга олиб, уни аниқ ишлаши учун амалдаги вақт режимида улардага маълумотларни кўлаб-қувватлаш лозимдир. Бундан маълумотларни сифатли синфлашда компьютер технологияларини қўллаш билан ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришнинг оптималлаштириш ҳамда шу режимда вақтни қиқартирган ҳолда маълумотлар қайта ишланади.

Таснифлаштириш (синфлаштириш) усуллари тўплам ва тўплам остиларига бўлиш усули билан алоқадорлиги даражаси муҳим аҳамиятга эга. Объектларни синфлашнинг иккита асосий: иерархик ва фасетли усули мавжуд.

Иерархик усул бўйича синфлаштириш қуйидаги кетма-кетлик бўйича амалга оширилади:

- объектнинг бирламчи тўпламини аниқлаш;
- синфлаштириш объектининг асосий (мавжуд) аломатларини аниқлаш;
- аломатларнинг кетма-кетлиги тартибини танлаш – уларни миқдори ва бўлиниш даражаси.



5.1-расм. Иерархик усул бўйича синфлаштириш схемаси

Синфлашган гуруҳларнинг умумий миқдори E_0 (классификатори) синфлагичи ҳажмида шаклланиб, қуйидагига тенг:

$$E_0 = n_1 + n_1 n_2 + n_1 n_2 n_3 + \dots + n_1 n_2 n_3 \dots n_k = \sum_{j=1}^I \Pi \Sigma \Pi \quad (5.1)$$

Синфлаштиришнинг фасетли усули бирламчи объект тўпламини муайян масалани ҳал этиш учун аниқланилган берилган аломатларни намоён этувчи мустақил тўплам остиларига бўлиш натижасида амалга оширилади.

Фасетли усул бўйича синфлаштириш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- объектнинг бирламчи тўпламини аниқлаш;
- синфлаштириш объектини барча томонлама тавсифловчи асосий (мавжуд) аломатларини аниқлаш;
- фасетларда бир турдаги (мавжуд) аломатларни гуруҳлаш ва уларни кодлаштириш;
- тўплам остини ҳосил қилиш учун фасетли формулани аниқлаш.

Фасетли усул объектнинг муайян турли тавсифлари йиғиндиси асосида “хусуийдан умумийга” тамойили бўйича тўплам остини шаклланиши билан ўзига хосдир.

Кодлаштириш – объектга ёки объектлар гуруҳига унинг номини бир қанча символар билан алмаштириш имконини беручи ягона белги (код)ни қўйиш ва белгилашдир.

Код – қабул қилинган усулга мувофиқ ўзлаштирилаётган объектни идентификациялаш мақсадидаги белги ёки белгилар мажмуасидир. Кодли белгилашлар алифболи, разрядли, тузилмали, узунли ва назорат сонли кодлашлар билан тавсифланади.

Алифбо – кодни белгилаш учун қабул қилинган белгилар (символлар) тизими.

Разряд коди – кодда белгилар ҳолати.

Тузулмали код – таркибни шартли белгилаш ва номланиш даражаси узунлигига бу белгиларга мувофиқ, кодда белгилар кетма-кет жойлашишини график тасвири.

Кодда белгилар сони унинг тузулмаси ва объектлар миқдорига, тўпلام остига кирувчи, ҳар бир узунлик даражасини шакллантирувчларига боғлиқлиги билан аниқланади. Ҳар бир узунликда белгилар сонини аниқлашда янги объектларни пайдо бўлиши мавжудлигини инобатга олиб захира кодалра назарда тутилиши лозим.

Кодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- объектларни ва (ёки) объектлар гуруҳини бир хил маъноли идентификациялаш ва идентификатор бўлиши лозим;

- белгилар сони минимал (минимал узунликда) ва берилган тўпلامнинг барча объект (аломат)ларини кодлаш учун етарли бўлиши лозим;

- кодлаштириладиган тўпلام объектлари пайдо бўлган ҳолатлар учун етарли захирани мавжудлиги;

- одамлар фойдаланиши учун ҳамда кодлаштирилган маълумотлари компьютерда қайта ишлаш учун қулай бўлиши лозим;

- компьютер тизимига киритишда хатоликларни автоматик назорат имкониятини таъминлаш.

Код узунлиги – коддаги пробелларсиз белгилар сони.

Нazorat сони – код ёзувларини текшириш учун фойдаланиладиган ҳисобланган сон.

Техникавий-иқтисодий маълумотларни кодлаштиришнинг кетма-кет, параллел, тартибли ва серияли-тартибли усулларига бўлинади.

Кетма-кет кодлаштириш усулида иерархик синфлаштириш усулида олинган бир-бирига боғлиқ жойлашган кетма-кетликдаги кодлардан фойдаланиш билан объект ва (ёки) гуруҳни синфли коди шакллантирилади.

Параллел кодлаштириш усули фасетли синфлаштириш усулида олинган мустақил гуруҳланган кодлардан фойдаланиш билан синфлашган объект ва (ёки) синфланган гуруҳ кодини шакллантириш ва уни киритишдир. Бу ҳолатда код тузулмаси фасетли формула билан аниқланади.

Тартибли кодлаш усули натурал сонлар қаторидан шакллантириш ва ундан фойдаланиш билан фарқланади.

Серияли-тартибли кодлаштириш усули натурал сонлар қаторидан, бир хил аломатлари билан синфлашган объектлари учун бу сонлар диапазони ёки олаҳида сериясини шакллантиришдан ҳосил қилинади.

Тизимлаштиришнинг бошқа тури бу идентификациялаш бўлиб ҳисобланади.

Бирхиллаштириш усули

Стандартлаштириш объектларини симплификациялаш – бу кўплаб ишлатиладиган элементларни оддий қисқартиришга асосланган унификациялаштиришнинг элементар кўриниши. Ихтиёрий даражада симплификациялашни амалга ошириш мумкин.

О'z DSt 1.0-1998 да бирхиллаштириш атамасига қуйидагича берилган:

Бирхиллаштириш – муайян эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган энг маъқул ўлчамлар сонини ёки маҳсулот, жараён ёки хизмат турларини танлаш. Бирхиллаштиришни унификация деб ҳам юритилади. Бу сўз лотинча *uni* – бир *unio* – бирлик (бирдамлик) маъноларини англатади.

Бирхиллаштириш энг катта техникавий-иқтисодий самарадорликка эришиш мақсадида янги ишланмалар ҳисобига ёки оддий қисқартириш (симплификация) ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Унификациянинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

1) буюмларни ишлаб чиқиш, илаб чиқаришга тайёрлаш, тайёрлаш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш муддатларини қисқартириш йўли билан илмий-техник тараққиётнинг ривожланишини тезлаштириш;

2) буюмларни ва уларнинг таркибий элементларини ўзаро алмашинувчанлиги ва юқори сифатлилигини таъминлаш;

3) буюмларни лойиҳалаш ва тайёрлаш харажатларини камайтириш;

4) тайёрлаш машаққатини камайтириш.

Машина ва аппаратларда унификациялашган деталлар ва узеллар қанчалик кўп бўлса, лойиҳалаш ва тайёрлаш, чизмалар сони, янги ишлаб чиқиладиган технологик жараёнлар, лойиҳаланадиган жиҳозлар миқдори шунчалик қисқариб боради. Унификация ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва серияли ишлаб чиқаришни ошишига, янги маҳсулотни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш тезлигини таъминлашга, махсус ишлаб чиқаришни ташкил этишга имкон яратида. Унификациянинг вазифалари қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- янги яратилаётган маҳсулотлар гуруҳи бир хиллиги ёки таркибий элементлар (агрегатлар, узеллар, деталлар)ини ишлаб чиқаришда ўзлаштирилган, вазифавий қўлланилиши олдин лойиҳалаштирилган яқинлиги маҳсулотлардан фойдаланиш;

- янги яратилаётган ёки модернизацияланган буюмларни қўллаш учун унификациялашган таркибий элементларни ишлаб чиқиш;

- конструктив-унификациялашган буюмлар қаторини ишлаб чиқиш;

- буюм ва материаллар қўлланилишига рухсат этилаётган номенклатураларини мақсадли минимумга қисқартириш.

Бирхиллаштиришга турли талқинлар беришади. Умумий олганда бирхиллаштиришни элементларнинг турли-туманлигини улар қўлланадиган тизимларнинг турли-туманлигига нисбатан қисқартирилиши деб тушуниш кўпроқ мақсадга мувофиқ бўлади.

Бирхиллаштириш асосан 3 та даражада ўтказилади:

- корхона даражасида;
- тармоқ даражасида;
- тармоқлараро даражада;

Кейинги пайтларда халқаро бирхиллаштириш ҳам кенг ривожланмоқда. Бирхиллаштириш муайян кетма-кетликда амалга оширилади. Биринчи навбатда унинг йўналиши, тури ва даражаси белгиланади. Сўнгра, бирхиллаштириладиган буюмларнинг чизмалари ва уларнинг таҳлилий маълумотлари йиғилади ва бу чизмалар олдига қўйилган мақсадга кўра табақаланади. Шундан сўнг, ёки янги конструкция ишлаб чиқилади ёки амалда бўлганларини ичидан бошқаларининг ўрнини босиши мумкин бўлгани танланади²¹.

Бирхиллаштириш даражаси намуна ўлчамлари доирасидаги қўлланиш коэффициенти асосида аниқланиши мумкин.

Буюмларнинг стандарт ва бирхиллаштирилган деталлар ва таркибий қисмлар билан таъминланганлик даражаси қуйидагича аниқланади:

1. қўлланишлик коэффициенти билан, % да

$$K_{np} = \frac{n - n_0}{n} \cdot 100 \quad (5.2)$$

Бу ерда n – буюмда деталлар ва таркибий қисмларнинг умумий миқдори; n_0 - танланган намуна ўлчамлар сони.

2. такрорланишлик коэффициенти билан, % да

$$K_n = \frac{m - m_0}{m - 1} \cdot 100 \quad (5.3)$$


Шунга ўхшаш қўлланишлик коэффициентини қиймат бўйича аниқлаш мумкин.

Эндиликда бирхиллаштиришни стандартлаштиришнинг бир усули сифатида эмас, балки алоҳида, мустақил бир фаолияти сифатида қаралмоқда.

Амалиётда саноат тармоқларида бутловчи буюмларнинг унификацияси бўйича тадбирлар қабул қилиниб, намунавий электр қурилмалари,

²¹ Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.

электродивегателлар, айланиш подшипниклари, узутма тасмаларини қўллаш бўйича чегараланган стандартларни яратиш йўли билан тармоқлараро унификациялаш қўлланилмоқда. Масалан, қурилишда юк кўтариш кранлари учун ГОСТ 13355-79 “Қурилиш минора кранлари. Асосий параметрлари” стандартида ҳаракатланувчи саккизта типўлчамлари ва учта қадама кранларининг типўлчамлари қурилишдаги эҳтиёжларни тўлиқ таъминлаши назарда тутилган (5.2-расм).



5.2-расм. Стандарт узеллардан компоновкаланган минорали кранларнинг конструктив-унификацияланган қатори

Тармоқлараро унификациялаштириш. Йўл-қурилиши машинасозлигида унификациялаштириш усулини қўлланилиши шатак асосида турли хил мақсадларга мўлжалланган машиналарни яратиш имнонини берди. Бир ўқли шатакли бир ковушли ва роторли экскаваторлар, айланадиган ва айланмайдиган кранлар, грейдер-экскаватор, скрепер, ғалтакмола, орқа ёки ёнланма юкловчи тупроқ ташувчи самосвал, сув сепувчи-ювувчи машина, компрессорли станция, насосли станция, панел ташигич, битум ташигич, цемент ташигич, кабел тахтловчи ва мой заправка машиналари яратилди

Турлаш усули

Стандартлаштиришнинг турлаш (типизация) усули – функционал вазифалари бўйича бир-бирига яқин бўлган: турли объектларни яратишда

асосий (база) сифатида қабул қилинган мажмуа учун объект турларини белгилашга қаратилган усул ҳисобланади.

Турлаш (типизация)ни баъзан “базавий конструкциялар” деб ҳам аталади. Чунки, турлаш жараёнида оптимал хоссалари бўйича олинган мажмуага хос бўлган объект танланади, аниқ бир объект – буюм ёки технологик жараён қабул қилинганда эса, танланган объект фақат қисман ўзгариши мумкин. Шундай қилиб, турлаш кам сонли объектларга кўп сонли функцияларни тадбиқ этиш ҳисобланиб, бунда берилган мажмуадаги алоҳида тур объектларининг сақланишини таъминлайди.

Турлашнинг самарадорлиги янги буюм ишлаб чиқарилаётганда олдин текширилган, синашда бўлган ечимларни қўллаш, ишлаб чиқаришни тайёрлашни тезлаштириш ва таннархини пасайтириш, алоҳида тур объектларини ишлатиш шароитларини енгиллатиш ва уларни модификациялаш асосида амалга оширилади.

Турлаш стандартлаштиришнинг самарали усуллари қаторида учта асосий йўналишда ривожланади:

- умум мўлжалланган намунавий буюмларни стандартлаштириш;
- намунавий технологик жараёнларни стандартлаштириш;
- муайян бир ишларни, амалларни, синовларни ёки ҳисобларни бажариш тартибини белгиловчи меъёрий ҳужжатларни яратиш.

Кўпгина ишлаб чиқариш тизимларида, буюм конструкцияларини тезда алмаштириш лозим бўлган ҳолларда, намунавий технологик жараёнларни алоҳида бир тур, муайян буюмга нисбатан эмас, балки, ундан бир нечта алоҳида тур деталларини, бўлакларини тайёрлашда ишлатиш имконини берадиган бўлишини мўлжаллаб яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Технологик жараёнларни турлаштиришга катта эътибор қаратилади.

Бу аналогик деталларни тайёрлашда мавжуд кўплаб турли-туман технологик жараёнларни боғлиқлигини оқламайди, яъни маҳсулотни тайёрлаш таннархини ошишига олиб келади. Жуда ҳам кўп ҳолатларда буюмни тайёрлаш

янги технологик (ката ишлаш ёки йиғиш) жараёни мавжуд тажрибани ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилади. Бундан ташқари турли заводларда битта ана шу деталга турли хил технологик жараёнлар яратилган бўлиши мумкин. Шу тур учун алоқадор конструктив-унификациялашган параметрлар асосини сақлаб, муҳим бўлмаган ўзгаришлар билан уларни барча номенклатуралари буюмдан буюмга ўтиши 70-80 % гача конструкциянинг алоҳида элементлари учун вақт ўрнатилган, технологик жараёнлар олдин ишлаб чиқилганлари билан такрорланади.

Агрегатлаштириш усули

Агрегатлаштириш – геометрик ва функционал ўзаро алмашувчанлик асосида турли буюмларни яратишда кўп марта ишлатилувчи, алоҳида, стандарт, бирхиллашган буюмлардан иборат машиналарни, асбобларни ва жиҳозларни яратиш ҳамда ишлатиш усули ҳисобланади.

Агрегат (лотинча *aggrego* – бирикаман, бирикиш маъносини англатиб) техникада алоҳида вазифани мустақил бажарувчи, тўлиқ ўзаро алмашинувчанликни ўзидан намоён этувчи (машина комплекси) унификацияланган машиналар узелларини яхлитлашдир. Масалан, А тавсифлари: электродвигателлар, редукторлар, насослар ва бошқалар. Баъзан “А” атамаси иккита қурилма ёки ундан ортиқ машиналарни белгилаш учун хизмат қилади.

Агрегатлаштириш машина ва жиҳозларни ишлаш соҳаларини кенгайтиради, ишлаш муддатини узайтиради, улардан фойдаланишни осонлаштиради.

Агрегатлаш – машиналар, жиҳозларни ўзаро алмашинувчи агрегатлардан тузиш усули.

Агрегат – машинанинг (машиналар, жиҳозлар мажмуининг) тўлиқ ўзаро алмашинувчанликка эга бўлган, айрим функцияларни мустақил бажарадиган йирик бирхиллаштирилган усули (ёки – икки ёки бир неча ҳар хил машиналарнинг умумий иши учун бирикма).

Агрегатлаштиришнинг яна бир муҳим хусусиятларидан бири – асосий турларни модификацияланиши ҳисобига машина ва жиҳозларнинг номенклатурасининг кўпайишидир. Бундан ташқари, агрегатлаштирилган жиҳозлар конструктив қайтарувчанликка эга бўлади. Бу эса стандарт агрегат ва бўлақларни ишлаб чиқариш объектларининг конструкцияларини ўзгартиришда ва жоиз бўлганда янги турдаги маҳсулотларга ўтишдаги мослашувларда такрор ишлатиш имкониятларини яратади.

Агрегатлаштириш принципи бирхиллашган электрон блоklar, ўлчаш ўзгартгичлари ва элементларидан ташкил топган текширув ўлчаш асбобларини яратишда кенг қўлланилади.

Маълумки, бир неча ўн йиллар муқаддам ишлаб чиқарилган, электрон лампаларда ишловчи, икки-уч хонали уйларнинг ўлчамидек бўлган дастлабки ЭҲМ ларни кўрмаган бўлсангиз керак. Бирхиллаштириш ва агрегатлаштиришни қўллаш натижасида уларнинг ўлчами кескин кичрайди. Янги электрон технологияларнинг ривожидан кейин эса ҳозирги сиз фойдаланадиган ўлчамларга эга бўлди. Агар компьютерингизнинг диск юритувчи қурилмаси ишдан чиққан бўлса, ўрнига бемалол бошқасини ўрнатишингиз мумкин. Компьютернинг ичида ҳеч қандай радио-монтаж ишлари қилиш шарт эмас. Ўрнатиш жойлари ҳам янгисиникига мос келади.

Модуллаштириш

Модуллаштириш – унификацияланган узеллар ва агрегатлардан фойдаланиб машина, асбоб, аппаратура ва бошқарларни яратиш усулидир. Модул деганда қатъий қайд қилин параметрларни (вазифавий, геометрик ўлчамлар ва бошқа тавсифларни) намоён этувчи, стандартли йиғиладиган ёки конструктив ва технологик тугутилган унификациялашган қисм тушунилади. Модулар турли хил турдаги ва типўлчамларида мураккаб бўлган, бошқа тавсифлари билан тизимни олиш мақсадида модернизациялаш ёки таъмирлашда алмашинадиган, осон бириктириладиган бўлади.

Шундай қилиб, унификация, типлаштириш, агрегатлаштириш ва модуллаштириш асосида техникани қуриш, буюмни тайёрлаш ва

лойихалаштириш муддатини қисқартиради, меҳнат ва материалли ресурсларни иқтисод қилади, унинг сифатини ошириб, таъмирлаш ва модернизация қилишни соддалаштириб ҳамда тезлаштиради.

Ўзаро алмашувчанлик асослари

Юқорида биз тез-тез ўзаро алмашувчанлик деган иборани тилга олдик. Хўш, ўзаро алмашувчанлик деганда нимани тушунамиз?

Ўзаро алмашувчанлик – алоҳида тайёрланган деталларнинг, бўлақлар ва агрегатларнинг машина, қурилма ёки асбоб кабиларни йиғишни қулай ва тўсиқсиз амалга ошириш хоссаларини билдиради. Бу атама шу деталлар ва бўлақлар буюмга нисбатан техникавий талабларни оғишмай бажарилишини таъминлаши ҳамдир.

Масалан, стандартлаштиришда электр лампочкаси мисолини яна бир бор эсланг. Ёки, компьютернинг диск юритмасига дискни жойлаётганимизда “дискет (диск) дисководга сиғармикан ёки йўқми” деб деярли ҳеч ким ўйламаса керак (5.11-рasm булар эгилувчан ва компакт дисклардаги маълумотларни ўқиш ва уларга сақлаш ишларни бажарадиган қисми.). Ваҳоланки, аксарият ҳолларда диск юритмаси бошқа корхонада, диск эса бошқасида ишлаб чиқарилган бўлиши мумкин. Энди ушбу мойилликни сақлаш учун нафақат бир хилдаги дискларни ишлаб чиқариш, балки диск юритмалари ҳам бир талаблар асосида ишлаб чиқарилиши шарт экан.



5.11-рasm. Диск юритувчиларнинг умумий кўриниши.

Ўзаро алмашувчанлик қуйидагича бўлиши мумкин:

- тўлиқ ўзаро алмашувчанлик;
- чекланган ўзаро алмашувчанлик;

- ташқи ўзаро алмашувчанлик;
- ички ўзаро алмашувчанлик.

Тўлиқ ўзаро алмашувчанлик – қўшимча ишловсиз, созлаш ёки мослашсиз ва танловсиз буюм ёки қурилмаларни йиғиш имконини берадиган аниқликдаги параметрларни олиш ва таъминлашдир. Ўзароалмашувчанликнинг ушбу турида буюмни йиғиш ва таъмирлаш ва уни автоматлаштириш анча осонлашади, у билан боғлиқ сарф харажатлар эса камаяди.

Чекланган ўзароалмашувчанлик – бу усул йиғиш пайтида деталларни гуруҳлаб танлаш (селектив йиғиш), компенсаторларнинг ишлатилиши, ҳолатни созлаш, мослаш каби тадбирлар йўл қўйилиши билан тавсифланади.

Ташқи ўзароалмашувчанлик – бу сотиб олинadиган буюмларнинг ва бўлақларнинг фойдаланиш кўрсаткичлари, ўлчамлари ва шакллари бўйича ўзароалмашувчанлиги ҳисобланади.

Ички ўзароалмашувчанлик – буюмнинг таркибига кирувчи алоҳида деталларни, бўлақларни ва узелларни ўзароалмашувчанлигини билдиради.

Давлатлараро иқтисодий муносабатларни тобора ривожланиб бораётганлиги ва бозор муносабатлари кенг тадбиқ этилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда ўзароалмашувчанликнинг бу тури ҳозирги кунларда жуда долзарб ҳисобланади.

Ўзаро алмашинувчанлик – бир буюм, жараён ёки хизмат ўрнига худди ўша талабларни бажариш мақсадида бошқа буюм, жараён ёки хизматдан фойдаланиш учун яроқлилиги (функционал ўзаро алмашинувчанлик, геометрик (ўлчовли) ўзаро алмашинувчанлик)

Бир-бирига мослик – маҳсулот, жараён ёки хизматнинг талабларни бажариш учун берилган шароитларда қўшма (биргаликдаги), номақбул ўзаро таъсирларни келтириб чиқармайдиган фойдаланишга яроқлилиги.

Тизимлаштириш – предметлар, ҳодисалар ёки тушунчаларнинг белгиланган тартибда ва кетма-кетликда жойлашиши (алфавит, ТСТ синфлари; МХ белгиланиши, афзал сонлар ва бошқалар).

Таснифлаш – тизимлаштиришнинг тури – предметлар, ҳодисалар ёки тушунчаларнинг уларнинг умумий белгиларига боғлиқ ҳолда синфлар, кичик синфлар, разрядлар бўйича жойлашиши.

Комплекс стандартлаштириш

Комплекс стандартлаштириш (КС) – бир мақсадга йўналтирилган ва ўзаро боғлиқ талаблар тизимини қўллаш ва КС нинг объектига ва унинг асосий элементларига таъсир қилувчи материал ва номатериал факторларни ҳамда аниқ масалаларни оптимал ҳал қилишни таъминлаш мақсадида олиб бориладиган стандартлаштиришдир.

Комплекс стандартлаштириш элементларига қуйидагилар киради:

- моддий кириш (хом-ашё, материаллар, бутловчи қисмлар, яримфабрикатлар);
- номоддий кириш (ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, синовлар, ишлаб чиқаришга қўйиш ва ҳ.к.);
- технологик кузатиб бориш (технологик жараёнлар, йўриқномалар, регламентлар, рецептуралар, технологик ва синов асбоб-ускуналари ва ҳ.к.)ларни ташкил қилади

Комплекс стандартлаштиришнинг асосий вазифалари:

- хом-ашё, материал, бутловчи буюмлар каби ўзаро боғлиқ элементлар, уларни тайёрлаш технологияси, тахтлаб жойлаштириш идиши, ташиш ва фойдаланишда талаб меъёрини маълум даражада белгилаб қўйиш;
- провард натижада юқори сифатли маҳсулот ёки хизматларни рўёбга чиқарадиган, ўзаро боғланган воситалари бўйича стандартларни ишлаб чиқиш, жорий этиш каби ишларни белгилаб қўйиш;
- умумтехника ва соҳа комплекслари бўйича номоддий (ҳужжатлаштириш тизими) объектларга ўзаро боғлиқ меъёр ва талабларни ўрнатишдан иборат.

Комплекс стандартлаштириш дастурий ҳужжат бўлиб, ишлаб чиқариладиган ёки қайта ишланадиган провард маҳсулот техник даражаси ва

сифатига ашё, материал, бутловчи қисмлар, жиҳозлар, метрологик таъминот бўйича мувазанатланган меъёрий ҳужжатлар киради. Ишларни бажариш муддатлари ва тадбирлар рўйхати бўйича кўзда тутилган барча меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш жараёнларини тўла қамраб олинганлигини англатади²².

Комплекс стандартлаштириш объектлари ва уларни танлаш мезонлари. Комплекс стандартлаштириш объектлари баъзи маҳсулот ёки стандарт турлари бўйича чуқурлаштирилган талаблар бўйича ҳамда бир турли объект гуруҳлари ва мураккаб объект тизимлари кўринишида бўлиши мумкин. Масалан:


а) Рангли телевидение муоммосини ҳал этишда нафақат қабул қилиш тизимини, балки махсус узатиш восита ва тизимларни (станция) халқаро талаблар даражасида амалга ошириш дастурлари мажмуасини яратиш зарур бўлиши мумкин.

б) Ярим ўтказгичли асбоблар гуруҳи: диодлар, тунелли диодлар барқарорлаштиригичлари, транзистирлар ва ҳакоза.

с) Айрим маҳсулот тури, қўлланадиган ашё материал, бутловчи қисимлар билан биргаликда;

д) Зарур бўлганда стандартларнинг баъзи талаблари, сифат кўрсаткичи бита бўлишига қарамай ўзаро боғлиқ омилларини чуқурроқ таҳлил этилиши.

²² Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.



5.1-расм. Комплекс стандартизириш объектларининг схемаси

5.6. Ўзувчан стандартлаштириш

Ўзувчан стандартлаштириш (ЎС) - анъанавий технологиялар имкониятларидан ошувчи талабларни белгилаш билан объектни стандартлаштириш.

Илгариланма стандарт ишлаб чиқирилишида қуйидагиларга эътибор берилади:

1) талаблар, сифатнинг фарқланган ҳамда жорий этиш муддатига эга бўлган поғоналари кўринишида белгиланади;

2) стандарт, маҳсулот ҳаётий циклининг олдинги босқичида ишлаб чиқилади.

Илгариланма стандартлаштиришга, одатда, маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатига қўйиладиган талабларнинг учта поғонаси белгиланади:

– эрта ўзлаштирилган маҳсулотнинг эҳтиёжларни қондирувчи даражаси;

– ишлаб чиқаришга қўйилиши лозим бўлган ва жаҳон даражасига мос бўлган, қайтадан ишлаб чиқилаётган (замонавийлаштирилаётган) маҳсулот даражаси;

– юқори жаҳон даражасига мос бўлган (ёки ошувчи) даража.

Олдинловчи стандарт ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш даврида ёки охирида ишлаб чиқилади. Шубҳасиз, олдиндан стандартлаштириш илмий-тадқиқот ишларининг натижалари бўйича эришилган тавсифлар билан тасдиқланган ҳолатда мақбул деб ҳисоблаш керак.

Илгариланма стандартлаштириш – стандартлаштириш объектига эришилган меъерий талабларнинг янада юқорироқ даражасини, яъни башоратлаш (прогнозлаш) га асосан келажакда оптимал бўладиган даражасини ўрнатиш демакдир.

Келтирилган таърифга биноан илгариланма стандартлаштириш маҳсулот, хизмат ва барча жараёнларга талабларни ва меъёрларни вақт бўйича аввалроқ ўрнатиб, провард натижада уларнинг сифатини юқори техник иқтисодий самара берадиган даражада таъминлаш назарда тутилишини мақсад қилиб қўяди. Бу

борада илгариланма стандартлаштириш прогнозлаш асосида амалий ечимни қабул қиладиган имконли соҳалардан бири ҳисобланади.

Илгариланма стандартлаштиришнинг асосий вазифаси ишлаб чиқаришни ва маҳсулот сифатининг ошишини ҳолис ва аниқ йўналишида ривожланишига кўмаклашишдан иборатдир.

Илгариланма стандартлаштириш стандартлари жумласига:

- маҳсулот, хизмат, лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва бошқа жараёнларда кучга эга стандартлашган қоида ва талабларни янада оптимал меъёрларини белгилайдиган стандартлар:

- кучдаги стандартлар фаолиятига истиқболлироқ янги иш усулларини жорий этишни тaminлаб, янада оптималроқ меъёрлар ўрнатадиган стандартлар:

- бир ёки фақат бир неча корхоналардагина ўзлаштирилиб ўзининг сифат кўрсаткичлари аналогларидан тубдан фарқ қиладиган лойиҳа ва буюм ишлаб чиқариш қоида ва талабларига оптимал меъёр ўрнатадиган стандартлар киради.

Илгариланма стандартлаштириш моҳиятига кўра кўйидагича тавсифланади.

1. Вақт бўйича ўзиш:

– маҳсулот тажриба намунасини яратиш бўйича лойиҳа конструкторлик ишларининг боши:

– буюм ишлаб чиқариш саноатини техник тайёрлашнинг боши:

– маҳсулотни ялпи ишлаб чиқаришнинг боши.

2. Тарқалиш доирасида ўзиш:

– корхона доирасида;

– давлат доирасида;

– минтақа доирасида;

– глобал дунё доирасида.

3. Стандартлашган маҳсулотга нисбатан тўла бўлмаган ўзиш:

– ассортимент бўйича;

– маҳсулот белгилари бўйича;

– янги маҳсулот элементларининг меросий қабул қилишганликлари бўйича;

– маҳсулотнинг кўрсаткич ва белгилари қиймати бўйича.

Илгариланма стандартлаштиришни башоратлаш (прогнозлаш) тадқиқот объектининг қонуниятлари ва методларини, умуман, стандартлаштиришни хусусан ўрганадиган илмий фаолиятдир.

Стандартлаштириш соҳасида башоратлашнинг мақсади қўйидагилардан иборат:

– яратилган ёки яратилажак янгилик барқарорлиги эҳтимолини ўрганиш;

– ишлаб чиқарилган маҳсулот билан янгилик ўртасидаги боғланишни ўрганиш;

– стандартлаштириш объекти бўла оладиган илмий-техник даража, яъни маҳсулот сифатига эришишни аниқлаш;

– истемол ва ишлаб чиқариш ҳажмини аниқлаш;

– сарф-харажатни аниқлаш;

– экология кўрсаткичларини баҳолаш.

Стандартлаштириш соҳасида башоратлашнинг ахборот манбалари қўйидагилар:

– халқ хужалиги ва соҳа тараққиётининг узоқ муддатли башоратланиши;

– соҳалар бўйича башоратлашлар;

– узоқ ва яқин муддатга маҳсулотнинг сифати ва истемол даражаси башоратлари;

– иқтисодиётнинг узоқ муддатли режалари;

– ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати бўйича статистик маълумотлар;

– тажриба наъмуналарини синаш бўйича баённомалар;

– патентлар, муаллифлик гувоҳномалари, лисензиялар;

– ижтимоий сўровлар натижалари;

– стандартлар, техник шартлар;

шу каби бошқа илмий-техник ахборотлар.

Олдиндан тузилган (ўзувчи) стандарт (истикболли талабларни ўз ичига олган давлат стандарти) – Анъанавий технологияларнинг имкониятларидан ўзувчи, истикболга мўлжалланган дастлабки талабларни ўрнатувчи, шунингдек бир тур маҳсулот гуруҳи техник даражаси ва сифатининг асосий кўрсаткичларига талабларни, маҳсулот техник даражаси ва сифатига босқичлар бўйича табақалаштирилган талабларни белгиловчи, “Умумий техник талаблар” кўринишидаги давлат стандарти. Таърифга кўра, олдиндан стандартлаштириш – сифати ва даражаси мустақил қўлланиладиган якуний тайёр буюмлар (машиналар, приборлар, автоматлаштириш воситалари, халқ истеъмоли моллари) нинг техник-иқтисодий тавсифларига жиддий таъсир кўрсатувчи хом ашё, материаллар, деталлар, узеллар, йиғма бирликлар, бутловчи буюмлар, асбоблар ва намунавий технологик жараёнларга, шунингдек якуний тайёр буюмлардан фойдаланадиган турли техник мажмуалар (тизимлар) га талабларни вақт жиҳатдан анча илгари стандартлаштиришдир;

Бир турдаги маҳсулот гуруҳи – умумий хоссаларга эга бўлган, умумий мақсадларга мўлжалланган маҳсулот тўдаси;

Маҳсулот техник даражаси ва сифатининг поғонаси – асосий стандартда белгиланган, бир турдаги ёки муайян маҳсулот гуруҳи техник даражаси ва сифатининг асосий кўрсаткичлари қийматларининг тўплами;

Муайян маҳсулот – маълум конструктив-технологик ечимлар ва мақсадли (вазифаси) қўлланилиш кўрсаткичларининг муайян қийматлари билан тавсифланувчи маҳсулот моделлари (русумлари, хиллари).

Анъанавий стандартлаштириш амалиётида меъёрий ҳужжатнинг илмий-техникавий даражаси тугалланган илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ), тажриба-конструкторлик ишлари (ТКИ) ва ишлаб чиқаришни технологик тайёрлаш (ИЧТТ) натижалари билан аниқланади. Бунда юқори техник даража ва сифатли маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш стандартлаштириш бўйича ишларга боғлиқ бўлмайди. Меъёрий ҳужжат илмий-тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) натижасида эришилган сифат даражасини, яъни ушбу корхона ўз маҳсулоти учун таъминлаши лозим бўлган

ва лозим бўла оладиган сифат даражасини (мажбурий талаблар қисмида) юридик жихатдан мустаҳкамлайди.

Олдиндан стандартлаштиришда меъёрий хужжатлар маҳсулотнинг ҳаётий циклининг эрта босқичларида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, бу ҳолда стандартлаштириш олдиндан тузиладиган стандартларни, шунингдек сифатнинг поғонали кўрсаткичлари белгиланган меъёрий хужжатларни яратишда бошқарувчи вазифани бажаради. Янги юқори кўрсаткичли сифатга эга маҳсулотни амалда ИТИ дан кейин яратиш мумкин бўлади. Ўзувчи стандартларни яратиш бўйича ишларни ТКИ ва ИЧТТ босқичларида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай босқичларда баҳоланадиган ва ўрнатиладиган сифат кўрсаткичлари маҳсулотни серияли ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш пайтига келганда мақбул бўлиши лозим.

Ўзувчи олдиндан тузилган стандартларни яратиш жараёнида фан ва техниканинг энг самарали натижалари ва тамойиллари ҳисобга олинади. Фан ва техниканинг ютуқлари стандартларни яратиш ва жорий этиш жараёнида ҳам, кейинчалик стандартларда ўрнатилган сифат кўрсаткичларига эришишни таъминловчи ишларни бажариш лозим бўлганда ҳам ҳисобга олинади.

Ўзувчи стандарт – чиқарилаётган маҳсулотнинг сифат даражасини эмас, балки ишлаб чиқиш босқичида турган ва стандартда кўрсатилган маълум вақтдан кейин чиқариладиган маҳсулотнинг янги ёки такомиллаштирилган турига сифат кўрсаткичларини ва бошқа параметрларини қонунлаштиради. Шундай қилиб олдиндан тузиладиган (ўзувчи) стандартга юқори сифатли ишлаб чиқариш дастури каби қараш мумкин.

Олдиндан тузилган стандартни тасдиқлаган пайтдан бошлаб, тайёрловчи маҳсулотни янги стандарт бўйича белгиланган муддатда чиқара бошлаши лозим ва истеъмолчиларда янги ишланмаларни лойиҳалашда янги буюмларни қўлланишга юридик ҳуқуқ пайдо бўлади.

Олдиндан стандартлаштириш илмий-тадқиқот ташкилотларида бажарилган энг янги ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш жараёнини тезлаштиради. Олдиндан тузиладиган стандартларни ишлаб чиқувчиларга

техниканинг ривожланишини маълум вақтга олдиндан аниқлаш, яъни тармоқда илмий-техникавий истиқболни илмий-асосланган ҳолда олдиндан билиш масъулияти юклатилади. Бир турдаги маҳсулотга олдиндан тузиладиган стандартлар “Умумий техникавий талаблар” – O’z DSt UTT* турдаги стандартлар қаторига киради.

Олдиндан стандартлаштириш объектларига маҳсулотлар ва умуман жараёнлар, шунингдек маҳсулот хом ашё, материалларнинг алоҳида параметрлари, унинг техник даражасини ва сифатини тавсифловчи тафсилотлари, ишлаб чиқариш, текшириш усуллари ва воситалари, хизматлар ва бошқа меъёрлар, талаблар ва ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнларининг тафсилотлари киради.

Олдиндан тузиладиган стандартларда техник даража ва сифатнинг учта поғонаси ўрнатилиши мумкин:

– биринчи поғона истеъмолчи (буюртмачи)нинг талабларига мувофиқ келадиган, илгари ўзлаштирилган маҳсулотни ишлаб чиқаришга оид талабларни ўрнатади;

– иккинчи поғона янгитдан ишлаб чиқилладиган (такомиллаштириладиган) маҳсулотни чиқаришга асос бўладиган, маҳсулотнинг энг юқори жаҳон даражасида чиқарилишини таъминлайдиган талабларни ўрнатади;

– учинчи поғона истиқболли янги маҳсулотни ишлаб чиқиш учун асос бўладиган, энг юқори жаҳон даражасидаги истиқболли талабларни ўрнатади.

Техник даража ва сифатнинг навбатдаги босқичини ишлаб чиқаришга киритган кундан бошлаб, бундан аввалги поғона маҳсулотини ишлаб чиқариш тўхтатилиши лозим.

Янги O’z DSt UTT ни ишлаб чиқиш (амалдаги стандартларни қайта кўриб чиқиш) ни стандартлаштириш бўйича хос техник қўмиталар, бир турдаги маҳсулот гуруҳлари бўйича етакчи илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик,

* UTT – “Умумий техник талаблар” жумласининг давлат тилидаги қисқартмаси (umumiy texnik talablar).

лойихалаш-технологик ва бошқа ташкилотлар ҳамда ИТИ ни бевосита бажарадиган корхоналар олиб боради.

Ўзбекистонинг истиқболли давлат стандартлари сифатида қўлланишга ўрнатилган тартибда қабул қилинган халқаро стандартлар олдиндан тузилган (ўзувчи) стандартлар бўлиши мумкин.

Маҳсулотнинг тавсифларини ва синаш усулларини ўрнатувчи бундай халқаро стандартларга қуйидагилар мисол бўлади: қишлоқ хўжалик тракторлари ва қишлоқ хўжалик машиналари бошқариш органларининг жойлашишини ва таъсир усулини белгиловчи МС ИСО 3789/2-82. Барқарорлигига, техник тафсилотларига ва қабул қилиш ҳужжатларига умумий талабларни ўрнатувчи МС ИСО 4304-87 ва МС ИСО 7363-86 халқаро стандартлар. Экскаваторлар ва бошқа ер қазииш машиналарига ўндан ортиқ ИСО халқаро стандартлар амалда қўлланилмоқда. Бу стандартлар машиналарнинг тузилиши, муҳофаза ихоталари, синаш усуллари, ҳаракат тезлигини аниқлаш усуллари, бошқариш жойининг ва бошқариш органларининг қулайлиги, экскаваторларнинг ишчи органларига таъсир кучларини ўлчаш усуллари ва ҳ.к. ўрнатади. Тўқимачилик машиналарига 11 номли, тўқимачилик ва чарм материаллари ва буюмларига 30 га яқин, ичимлик сув сифатига 12 та, пишлоқларга тўртта ва ҳ.к. халқаро стандартлар қабул қилинган.

Назорат саволлари

1. Стандартлаштириш усуллари
2. умум-илмий стандартлаштириш усуллари
3. Бирхиллаштириш усули
4. Турлаш усули
5. Агрегатлаштириш усули
6. Модуллаштириш усули
7. Ўзароалмашинувчанлик асослари
8. Ўзувчан стандартлаштириш

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. www.ima.uz
7. vtww.academy.uz
8. www.standart.uz
9. www.smsiti.uz
10. www.uza.uz

1	Стандартлаштиришнинг бирхиллаштириш	муайян эҳтиёжни қондириш учун зарур бўлган энг маъқул ўлчамлар сонини ёки маҳсулот, жараён ёки хизмат турларини танлаш.
2	Стандартлаштиришнинг турлаш усули	функционал вазифалари бўйича бир-бирига яқин бўлган: турли объектларни яратишда асосий (база) сифатида қабул қилинган мажмуа учун объект турларини белгилашга қаратилган усул ҳисобланади
3	Стандартлаштиришнинг агрегатлаштириш усули	геометрик ва функционал ўзаро алмашувчанлик асосида турли буюмларни яратишда кўп марта ишлатилувчи, алоҳида, стандарт, бирхиллашган буюмлардан иборат машиналарни, асбобларни ва жиҳозларни яратиш ҳамда ишлатиш усули ҳисобланади
4	Стандартлаштиришнинг модуллаштириш усули	унификацияланган узеллар ва агрегатлардан фойдаланиб машина, асбоб, аппаратура ва бошқарларни яратиш усулидир. Модул деганда қатъий қайд қилин параметрларни (вазифавий, геометрик ўлчамлар ва бошқа тавсифларни) намоён этувчи, стандартли йиғиладиган ёки конструктив ва технологик тугутилган унификациялашган қисм тушунилади.
5	Ўзароалмашувчанлик	алоҳида тайёрланган деталларнинг, бўлақлар ва агрегатларнинг машина, қурилма ёки асбоб қабиларни йиғишни қулай ва тўсиқсиз амалга ошириш хоссаларини билдиради
6	Комплекс стандартлаштириш	бир мақсадга йўналтирилган ва ўзаробоғлиқ талаблар тизимини қўллаш, объектига ва унинг асосий элементларига таъсир қилувчи материал ва номатериал факторларни ҳамда аниқ масалаларни оптимал ҳал қилишни таъминлаш мақсадида олиб бориладиган стандартлаштиришдир.
7	Ўзувчан стандартлаштириш	анъанавий технологиялар имкониятларидан ошувчи талабларни белгилаш билан объектни стандартлаштириш.

6-амалий машғулот

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ, УЛАРНИНГ МИҚЁСИ ВА ТУРЛАРИ

7.1. Меъёрий ҳужжат структураси ва унинг элементларига талаблар.

7.2. Меъёрий ҳужжатни баён этишга талаблар.

7.3. Меъёрий ҳужжатларни расмийлаштирилишига талаблар

7.4. Мазмунига талаблар

7.1. Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга талаблар О'з DSt 1.6:2003 “Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатлар. Тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга талаблар” давлат стандарти томонидан белгиланган. Стандартда келтирилган низомлар тармоқ, маъмурий-ҳудудий даражадаги меъёрий ҳужжатларнинг ва корхона стандартларининг тузилишига нисбатан мажбурий эмас, лекин МҲ ни расмийлаштиришда бирлиликка эришиш учун келтирилган стандартдаги низомларга амал қилиш керак²³.

7.2. Меъёрий ҳужжатларнинг (структураси) тузилишига талаблар

Меъёрий ҳужжатлар тузилишига кўра қуйидаги таркибий қисмларга эга бўлиши мумкин:

- сарварақ;
- сўз боши;
- мундарижа;
- кириш;
- номи;
- қўлланиш доираси;
- меъёрий ҳаволалар;

²³ Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хақимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.

- атамалар ва таърифлар;
- белгилар ва қисқартмалар;
- талаблар;
- иловалар;
- библиографик маълумотлар.

МҲ га қўшиш учун “Сарварақ” (титул варақ), “Сўз боши”, “”, “Номи”, “Талаблар” мажбурийдир.

Меъёрий. ҳужжатнинг сарварағида унинг белгиси ва номи келтирилади:

Сўз бошида мазкур ҳужжат тўғрисида умумий маълумотлар келтирилади меъёрий ҳужжатни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш; ушбу меъёрий ҳужжатнинг қайси меъёрий ҳужжат ўрнига ишлаб чиқилгани тўғрисида маълумот ва б.

Сўз боши сарварақдан кейинги бетда унинг орқа томонида жойлаштирилади ва тегишли сарлавҳадан бошланади. Сарлавҳа бетнинг юқори қисмида, ўртада, бош ҳарфлар билан ёзилади ва куюқроқ шрифт билан ажратилади.

Мундарижа меъёрий ҳужжат ҳажми ўн бетдан ошган ҳолларда ёзилади. Мундарижага бўлимларнинг тартиб рақамлари ва номи (зарур бўлганда кичик бўлимлар номи), иловалар белгиси ва сарлавҳаси билан, зарур бўлганда эса, график материаллар ҳам қайси бетда жойлашганини кўрсатиб ёзилади.

Стандарт мундарижаси сўз бошидан кейин, одатда янги бетдан бошланади. “Мундарижа” сўзи бетнинг ўрта қисмида бош ҳарфлар билан ёзилади.

Стандартнинг номи қисқа бўлиши, стандартлаштириш объектини аниқ тавсифлаши ва стандартни стандартлар ахборот кўрсаткичига киритиш учун унинг тўғри таснифланишини таъминлаши лозим. Стандарт номида, одатда, қисқартмалар (маҳсулотнинг шартли белгисидан ташқари), рим ҳарфлари, математик белгилар, юнон ҳарфлари руҳсат этилмайди.

Меъёрий ҳужжатнинг номи, одатда, сарлавҳа ва кичик сарлавҳадан иборат бўлиши лозим.

Масалан - Идиш ювиш машиналари. Умумий техник шартлар

Агар меъёрий ҳужжат асос бўлувчи ташкилий-методик ёки умумтехникавий меъёрий ҳужжатлар тизимидан иборат бўлган меъёрий ҳужжатлар мажмуига кирадиган бўлса, бу ҳолда меъёрий ҳужжат сарлавҳасидан олдинда барча меъёрий ҳужжатлар мажмуи учун умумий бўлган ва ушбу тизимнинг номи ҳисобланган сарлавҳалар гуруҳи келтирилади.

Мисол – Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Техник регламент. Асосий низомлар.

Стандартнинг “Қўлланиш доираси” унинг қайси доирада қўлланилишини ва зарур бўлганда стандартлаштириш объектини аниқлаш учун келтирилади, стандартнинг биринчи бетида жойлаштирилади ва I бўлим кўринишида расмийлаштирилади. Стандартлаштириш объектини аниқлашда қуйидаги ифода қўлланилади: “Ушбу стандарт... қўлланилади”. Стандартнинг мазмунини равшанлаштиришда “Ушбу стандарт... белгилайди” ифодаси қўлланилади. Стандартнинг қўлланиш доирасини аниқлашда “Ушбу стандарт... қўлланилади” ифодаси қўлланилади.

“Меъёрий ҳаволалар”, агар меъёрий ҳужжатнинг матнида бошқа меъёрий ҳужжатларга меъёрий ҳаволалар ва/ёки бир хил ёки юқорироқ даражадаги техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот таснифлагичлари 2 бўлим кўринишида берилган бўлса, келтирилади. ҳаволада ҳавола қилинган меъёрий ҳужжатларнинг рўйхати, уларнинг белгиси ва номи келтирилади. Булар белгиларнинг рўйхатга олинган рақамларининг ошиб борувчи тартибда жойлаштирилади. ҳаволалар қуйидаги тартибда баён этилади:

- давлатлараро стандартлар;
- Ўзбекистон давлат стандартлари;
- тармоқ стандартлари;
- маъмурий-худудий стандартлар;
- техник шартлар;
- корхона стандартлари.

“Атамалар ва таърифлар” бўлими стандартда фойдаланиладиган атамаларни аниқлаш ва белгилаш учун таърифни ўз ичига олади. Таърифлар рўйхати “Мазкур стандартда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади” сўзлари билан бошланади.

Стандартлаштириш объектларига талаблар, объектларнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, стандартларнинг қуйидаги турларида: асос бўлувчи стандартларда, маҳсулот (хизматлар)га стандартларда, текшириш методлари стандартларида, жараёнларга стандартларда белгиланади.

Стандарт низомларини тўлдирувчи материални иловада жойлаштириш рухсат этилади.

Стандартда библиографик маълумотлар келтирилади. Булар алоҳида варақда, барча иловалардан кейин жойлаштирилади. Стандартнинг библиографик маълумотларида:

- стандартлар таснифлагичи бўйича гуруҳ белгиси;
- муҳим сўзлар бўлади.

7.3. Баён қилишга талаблар

Стандартнинг ўзига хос хусусиятларига ва мазмунига қараб, талаблар матн, жадваллар, график материал (расмлар, схемалар, диаграммалар) ёки буларнинг бирикмаси кўринишида баён қилинади. Стандарт матни турлича изоҳланишига йўл қўймайдиган, қисқа, аниқ, стандартнинг қўллашиш доирасига мувофиқ уни қўлланиш учун зарур ва етарли, мантиқий изчил бўлиши лозим. Стандартга фақат объектив методлар билан текшириш мумкин бўлган тафсилотлар ва талабларни киритиш лозим. Стандартда амалдаги стандартларда белгиланган атамалар, таърифлар, белгилар ва қисқартмаларни қўлланиш керак. Катталикларнинг энг катта ёки энг кичик матларини келтирганда “кўпи билан (камида)” ибораларини қўлланиш лозим. Стандартда

кўрсатилган меъёрлар, талаблардан оғишларнинг жоиз қийматларини келтиришда “дан кўп (кам) бўлмаслиги керак” иборасини қўллаш керак²⁴.

Стандартда ўрнатиладиган катталикларнинг сон қийматлари чекка оғишлари билан ёки энг катта (ёки) энг кичик қийматлар кўринишида кўрсатилиши лозим. Сон қийматларини фоизларда кўрсатишда қуйидагича: “... 63% дан 67% гача” ёки “(65±2%) эмас, балки ” (65±2)% ёзиш керак. Рим ҳарфларидан фақат буюмнинг навини (тоифаси, синфи ва б.) кимёвий элементларнинг валентлигини, йилнинг кварталларини, ярим йилликни белгилашда қўлланиш керак. Қолган ҳолларда араб рақамлари қўлланилади.

Ҳисоб бирликлари ва физик катталиклар бирликларининг белгилари жадвалларда, формулаларга кирадиган символлар ва сонли коэффицентларни тушунтиришда ва матнда, фақат сонли қийматларда қўлланилади ва нуқтасиз ёзилади. Стандартда қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

- сўзлашув ибораларини, техникцизм ва касбийликни қўлланиш;
- бир тушунчанинг ўзига маъноси жиҳатдан яқин турли илмий-техникавий атамалар (синонимлар) ни, шунингдек ўзбек ва рус тилларида тенг маъноли сўзлар ва атамалар мавжуд бўлгани ҳолда чет сўзлар ва атамаларни қўлланиш;
- ихтиёрий ясама сўзларни қўлланиш;
- рус орфографиясида белгиланганлардан бошқа қисқартма сўзларни қўлланиш.

Стандарт матнини бўлимларга ажратиш керак. Бўлимлар моддалар (пунктлар) га ёки кичик бўлимлар ва моддаларга ажратилиши мумкин. Моддалар, зарур бўлганда, кичик моддаларда бўлиниши мумкин. Стандарт матнини моддаларга ва кичик моддаларга бўлишда ҳар бир модда, кичик модда тугал ахборотни ўз ичига олиши зарур. Бўлимлар, кичик бўлимлар, моддалар ва кичик моддаларни араб рақамлари билан белгилаш ва абзацдан сатр бошидан

²⁴ Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хақимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертифицилаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.

ёзиш керак. Бўлимлар меъерий ҳужжатдаги асосий қисмнинг бутун матни доирасида (иловалар бундан мустасно) тартиб рақамлари билан белгиланади.

Сарлавҳалар бўлимлар, кичик бўлимларнинг мазмунини аниқ ва қисқа акс эттириши лозим. Бўлимлар, кичик бўлимлар ва моддаларнинг сарлавҳаларини бош ҳарфлар билан охирига нуқта қўймасдан, абзацдан бошлаб ёзиш керак. Моддалар ёки кичик моддалар ичида санаб кўрсатишлар бўлиши мумкин. Санаб кўрсатилган ҳар бир сатр олдида дефис ёки, зарур бўлганда, стандартнинг матнида санаб ўтилганларнинг бирига ҳавола қилишда кичик сатр ҳарфларини қўйиш керак. Кичик ҳарфдан кейин қавс қўйилади. Санаб ўтилганларни кейинчалик равшанлаштириш учун араб рақамларидан фойдаланиш зарур, бу рақамлардан кейин қавс қўйилади. Жадваллар кўрсаткичларнинг яққол ифодаланиши ва таққослашнинг бўлиши учун қўлланилади. Жадвал номини жадвал устида жойлаштириш лозим. Жадвалнинг бир қисмини шу бетнинг ўзида ёки бошқа бетга кўчиришда жадвал номи унинг фақат биринчи қисми устида жойлаштирилади.

График материал – расмлар (схемалар, диаграммалар ва ҳ.к.) стандартга объектнинг хоссаларини ёки тафсилотларини яхши белгилаш, шунингдек стандарт матнини яхши тушуниш учун жойлаштирилади. Стандарт матнида график материалга ҳавола берилган бўлиши керак. График материал ўзи тўғрисида биринчи марта эслатилган матндан кейин бевосита ёки кейинги бетда, зарур бўлганда эса иловада жойлаштирилиши лозим. Матнда жойлаштирилдиган расмлар, схемалар, диаграммалар ва ҳ.к. КҲЯТ стандартларининг талабларига мувофиқ бўлиши лозим. Стандартда график материални тўлдирувчи жадваллар мавжуд бўлса, жадвалларни график материалдан кейин жойлаштириш лозим. График материалнинг бирор мавзуга бағишланган номи бўлиши мумкин, бу номи график материал тагида қуйидагича жойлаштирилади:

1-расм – Асбобнинг деталлари.

Иловада жойлаштирилган формулалардан мустасно, матндаги формулалар сидирга араб рақамлари билан белгиланиши лозим. Рақамлар

формула сатҳида ўнг томонда икки томонлама қавс ичида ёзилади. Бир формула қуйидагича белгиланади – (1). Матнда формуланинг тартиб рақамига ҳаволалар қавслар ичида бериледи.

Стандартда қуйидаги ҳаволалар бериледи:

- ушбу стандартга;
- бошқа стандартларга.

Ушбу стандартга ҳаволаларда бўлимлар, кичик бўлимлар, моддалар, кичик моддалар, санаб кўрсатилганлар, график материал, формулалар, жадваллар, иловалар (шу жумладан, унинг бўлимлари, кичик бўлимлари, моддалари, кичик моддалари ва жадваллари), шунингдек ушбу стандартдаги жадвалларнинг графалари ва сатрлари ва расмдаги буюм таркибий қисмларининг позициялари кўрсатилади. Ҳаволаларда қуйидагилар ёзилади “ 2 - бўлимга мувофиқ ...”, “3.1 га мувофиқ...”, 3.1.1 бўйича ...”, “4.2.2 га мувофиқ, санаб кўрсатилган б...”, А.2-расмга мувофиқ ...”, (5-расм), “(3) формула бўйича ...”, “1-жадвалга мувофиқ...”(4-жадвал) “А иловага мувофиқ...” (Г илова) ва ҳ.к.

Агар матн, жадваллар ёки график материалнинг мазмунига тушунтирувчи ёки маълумотнома маълумотлари зарур бўлса, стандартларда изоҳлар келтирилади.

Стандартда келтирилган алоҳида маълумотларни тушунтириш зарур бўлса, бу маълумотларни саҳифа остига ёзув белгиси билан белгилаб қўйиш лозим. Саҳифа остига ёзиладиган изоҳ ушбу белги қўйилган бет охирида жойлаштирилади ва матндан ингичка горизонтал чизиқ билан чап томонда ажратилади, жадвалда жойлашган маълумотларга изоҳ эса, жадвал охирида, жадвалнинг тугалланганлигини ифодаловчи чизиқ устида ёзилади. Саҳифа остига ёзув белгиси тушунтириш бериладиган сўз, сон, символ, жумладан кейин сатр устида ва тушунтириш матнидан олдинда қўйилади.

Саҳифа остига ёзув белгиси қавсли араб рақамлари билан ёзилади ва матн шрифтининг юқори четига тенг сатҳда жойлаштирилади.

Стандартда қуйидаги қисқартмалар руҳсат этилади: рақамлар билан б.- бет; й. - йил; йй. - йиллар; мин. - минимал; макс. - максимал; абс. - абсолют;

нис. - нисбий қисқартмалари, шунингдек умумқабул қилинган қисқартмалар, яъни ҳ.к. - ҳоказо; ва б. - ва бошқалар; қ. – қаранг, номин, - номинал қисқартмалари.

Стандартда катталикларнинг стандартлаштирилган бирликлари, номлари ва белгиларини қўлланиш керак.

7.4. Расмийлаштиришга талаблар

Бўлим (кичик бўлим) сарлавҳалари ва олдинги ёки кейинги матн орасидаги масофа, шунингдек бўлим ва кичик бўлим сарлавҳалари орасидаги масофа камида тўртта шрифт баландлигига тенг бўлиши лозим.

Кичик бўлимлар ва моддалар сарлавҳаларининг қаторлари ораси матн ичидагидек қабул қилинади.

Сатр боши ҳужжат матнида бир хил четлаштирилган ва бешта белгига тенг бўлиши лозим.

Меъёрий ҳужжатнинг лойиҳасини расмийлаштиришда матннинг чап томони (кенглиги) даги очик жой кенглиги камида 20 мм бўлиши керак.

Стандарт лойиҳасининг матнини тайёрлашда юнон ва бошқа алфавит ҳарфлари, формулалар, алоҳида шартли белгиларни қора паста ёки тушь билан ёзиш рухсат этилади. Бунда киритилган матн зичлиги қолган матн зичлигига яқинлаштирилган бўлиши лозим. Агар чизмалар, схемалар, диаграммалар, расмлар ва/ёки бошқа график материални машина усулида тайёрлаш иложи бўлмаса, бу ҳолда қора тушь ёки пастадан фойдаланилади

Меъёрий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда унинг нусхасини репрография усулида сифатли қилиб тайёрлаш имкони таъминланиши лозим.

Стандартлар расмий равишда давлат ва рус тилларида нашр қилинади.

7.5. Мазмунига талаблар

Стандартлаштириш объектларининг ўзига хос хусусиятларига ва мазмунига қараб, қуйидаги турдаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади:

- асос бўлувчи (ташкилий-методик ва умумтехникавий);
- маҳсулот(хизматлар)га.

Асос бўлувчи ташкилий-методик стандартлар:

– турли вазифаларга мўлжалланган стандартлаштириш объектларининг мақсадлари, вазифалари, таснифланиш тузилмасини, фаолиятнинг маълум доирасида ишларни ўтказиш бўйича умумий ташкилий-техник низомларни ва б.;

– меъёрий ҳужжатларни, техник (конструкторлик, технологик, лойиҳавий, дастурий) ҳужжатларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий тартиби (қоидалари)ни ўрнатади.

Асос бўлувчи умумтехник стандартлар:

– фан, техника, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, қурилишда, транспортда, маданиятда, соғлиқни сақлаш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кўп қайта-қайта фойдаланиладиган илмий-техникавий атамаларни ва уларнинг таърифларини;

– турли стандартлаштириш объектлари учун шартли белгилар (номи, кодлари, белгилари, символлари ва ҳ.к.), уларнинг рақамли, ҳарф-рақамли белгиларини, шу жумладан физик катталиклар параметрларининг белгилари (рус, лотин, юнон ҳарфлари), уларнинг ўлчамлилиги, ёзув ўрнида ишлатиладиган символларни ва ҳ.к.;

– турли (меъёрий, конструкторлик, лойиҳавий, технологик, дастурий ва б.) ҳужжатларни тузиш, баён этиш, расмийлаштириш ва мазмунига талабларни;

– ишлаб чиқариш жараёнларини техникавий, шу жумладан метрологик таъминлаш учун зарур бўлган умумтехник катталиклар, талаблар ва меъёрларни ўрнатади.

Маҳсулотга, хизматларга қуйидагилар ишлаб чиқилади:

– бир турли маҳсулот, хизматларнинг гуруҳларига умумий талабларни ўз ичига олган умумий техникавий талаблар, синаш усуллари, умумтехник шартлар стандартлари;

– муайян маҳсулот, хизматлар (муайян маҳсулот, хизматлар гуруҳи) га талабларни ўз ичига олган техник шартлар стандартлари.

Маҳсулот, хизматлар гуруҳига алоҳида талабларни стандартлайтириш мақсадга мувофиқ бўлганда таснифини, асосий параметрлари (ёки) ўлчамлари, хавфсизлик талаблари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари, хиллари, навлари, русумлари, қабул қилиш, тамғалаш, жойлаш қоидалари, ташиш қоидалари, сақлаш қоидалари, фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта фойдаланиш қоидаларини ўрнатувчи стандартлар ишлаб чиқиши мумкин.

Умумий техник шартлар стандартлари умумий ҳолда қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади:

- таснифлаш, асосий параметрлар ва (ёки) ўлчамлар;
- умумий техникавий талаблар;
- хавфсизлик талаблари;
- атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари;
- қабул қилиш қоидалари;
- текшириш усуллари;
- ташиш ва сақлаш;
- фойдаланиш (таъмирлаш, қайта фойдаланиш) бўйича кўрсатмалар;
- тайёрловчининг кафолатлари.

Бўлимлар (кичик бўлимлар) нинг номенклатураси, таркиби, мазмуни, ва номи стандартлаштирилган маҳсулотнинг ўзига хос хусусиятларига ва унга қўйилган талабларнинг характерига мувофиқ аниқланади.

Ишлаб чиқарилганда ва фойдаланилганда фуқароларнинг соғлиги ва мулкига, шунингдек атроф муҳитга зарар етказиши мумкин бўлган маҳсулотга стандартлар таркибида мажбурий равишда “Хавфсизлик талаблари” ва “Атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари” бўлимлари бўлиши шарт.

“Таснифлаш, асосий параметрлари ва (ёки) ўлчамлари” бўлимида маҳсулотнинг турини, навини, русумини, моделини ва ҳ.к. ни тавсифловчи параметрлар ва (ёки) ўлчамлар ўрнатилади ва, зарур бўлганда, маҳсулотнинг асосий параметрлари ва (ёки) ўлчамлари бўйича таснифланган номенклатураси (нави), кимёвий таркиби бўйича, баъзи ҳолларда эса, шунингдек асосий истеъмол (фойдаланиш) тафсилотлари бўйича ҳам таснифланган материаллар

(хом ашё) русумларининг номенклатураси ўрнатилади. Бўлимда материалларнинг қўлланилиши бўйича тавсияномаларни, уларга ишлов бериш режимлари ва ҳ.к. ларни келтириш рухсат этилади.

“Умумий техникавий талаблар” бўлимида қуйидаги кичик бўлимлар бўлади:

- тафсилотлар (хоссалари);
- хом ашё, материаллар, сотиб олинadиган буюмларга талаблар;
- бутлиги;
- белгиланиши;
- жойлаш.

“Тафсилотлар (хоссалари)” кичик бўлимда қуйидаги талаблар келтирилади:

- вазифаси;
- пухталиги (ишончлилиги);
- радиоэлектрон ҳимоя;
- ташқи таъсирларга қарши чидамлилиги ва яшовчанлиги;
- эргономика;
- хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш;
- технологиябоплиги;
- конструктив талаблар.

“Вазифа талаблари” моддасида маҳсулотнинг хоссаларини тавсифловчи талаблар ўрнатилади. Бундай талаблар маҳсулот бажариши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилайди. Бу моддада, шунингдек таннарх ва ўзаро алмашинувчанлик талаблари ҳам ўрнатилади.

“Пухталиқ (ишончлилиқ) талаблари” моддасида маҳсулотнинг ўз вазифаларини белгиланган вақт оралиғида топшириқдаги самарадорлик билан бажаришига ва бу вазифаларнинг берилган техник хизмат кўрсатиш шароитларида, таъмирлаш, сақлаш, ташишда сақланиб қолишига талаблар, шу жумладан маҳсулотнинг пухталиқ кўрсаткичи ва ёки маҳсулотнинг

бузилмаслиги, умрбоқийлиги кўпга чидамлилиги, таъмирлашга яроқлилиги ва сақланувчанлиги кўрсаткичларининг қийматлари кўринишидаги миқдорий талаблар ўрнатилади.

Маълум вақт ўтгандан кейин фойдаланиш одамларнинг ҳаёти, соғлигига, атроф муҳитга хавф солиши ёки фуқароларнинг мулкига зарар келтириши мумкин бўлган маҳсулотга хизмат муддати ўрнатилиши лозим.

“Эргономика талаблари” моддасида маҳсулот техник тафсилотларини одамнинг эргономик тафсилотлари ва хоссалари билан мувофиқлаштиришга қаратилган талаблар, (хизмат кўрсатувчи ходимнинг иш жойларига, буюмнинг ва буюм элементларининг одам танасининг ўлчамларига мувофиқлиги талаблари ва ҳ.к.) ўрнатилади.

“Хом ашё, материаллар, сотиб олинadиган буюмларга талаблар” кичик бўлимда қуйидагилар ўрнатилади:

- сотиб олинadиган буюмлар, суюқликлар, мойлар, бўёқлар ва материаллар (маҳсулотлар, моддалар) ни қўлланиш;
- қўлланиш ва (ёки) қўлланиладиган материалларни чеклаш, уларни ҳисобга олиш тартиби;
- иккиламчи хом ашё ва саноат ишлаб чиқаришидаги чиқиндиларни қўлланиш.

“Бутлиги” кичик бўлимда етказиб берилadиган комплектга кирган буюмнинг алоҳида (етказиб беришда механикавий бирлаштирилмаган) таркибий қисмлар, уларга эҳтиёт қисмлар, асбоблар ва мосламалар, материаллар ва ҳ.к., шунингдек буюмга қўшиб юборилadиган хужжатлар аниқланади.

“Тамғалаш” кичик бўлимда маҳсулотни тамғалашга, шу жумладан транспорт тамғасига қуйидаги талаблар ўрнатилади:

- тамға босиш жойи (бевосита маҳсулотга, ёрликларда, этикеткаларда, идишда ва ҳ.к. да);
- тамғани босиш усули (ўйма нақш тушириш, хурушлаш);
- тамғанинг мазмуни.

“Хавфсизлик талаблари” бўлимида қуйидагилар ўрнатилади:

- электр хавфсизлиги талаблари;
- ёнғин хавфсизлиги талаблари;
- портлаш хавфсизлиги талаблари;
- радиацион (нурланиш) хавфсизлиги;
- кимёвий ва ифлос қилувчи моддаларнинг таъсиридан хавфсизлик талаблари, шу жумладан модда ва унинг таркибий қисмларининг энг кўп рухсат этилган концентрациясига талаблар;
- машиналар ва жиҳозларга хизмат кўрсатишда хавфсизлик талаблари, шу жумладан хизмат кўрсатувчи ходим нотўғри ҳаракат қилгандаги ва ўзидан-ўзи нотўғри ишлаб кетгандаги хавфсизлик талаблари ва бошқалар.

Хавфсизлик талаблари жоиз хавфликнинг барча турларини ва меъёрларини ўз ичига олиши ва маҳсулотнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати давомида маҳсулот (ишлар, моллар, хизматлар) нинг хавфсизлиги таъминланадиган даражада ўрнатилиши лозим.

“Атроф муҳитни муҳофазалаш талаблари” бўлимида экологик жиҳатдан хавфли маҳсулотни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва ишлатиш (қўлланиш) ва қайта фойдаланишда атроф табиий муҳитга, одамнинг соғлигига, генетик фондига зарарнинг олдини олиш учун экологик талаблар ўрнатилади.

“Қабул қилиш қоидалари” бўлимида маҳсулотларни уларнинг сифати ва сони бўйича қабул қилишга талаблар, текшириш режаси, шунингдек, синовларнинг тури ва, зарур бўлганда, дастурлари белгиланади.

“Текшириш методлари” бўлимида маҳсулотнинг стандартда баён этилган талабларга мувофиқлигини текшириш (синашлар, ўлчашлар, таҳлил) йўллари, усуллари, тартиботлари ўрнатилади.

“Ташиш ва сақлаш” бўлимида маҳсулотни ташиш ва сақлашда унинг сақланувчанлигини таъминлаш, шу жумладан хавфсизликни таъминлаш бўйича талаблар ўрнатилади. Бўлимда транспорт турлари (ҳаво, темир йўл, денгиз, автомобиль транспортлари) ва ташиш воситалари (ёпиқ ёки очиқ вагонлар, рефрижераторли вагонлар, цистерналар, кемаларнинг трюмлари-юк

сақланадиган остки хоналари ёки палубалар ва ҳ.к.), маҳсулотни бу воситаларда маҳкамлаб ва устини беркитиб қўйиш усуллари, шунингдек, маҳсулотни ҳаммабоп, ихтисослаштирилган контейнерларда, ихтисослаштирилган транспорт билан ва пакетларда ташишга оид талаблар, контейнерда маҳсулот жойлари сони (массаси), пакетларнинг габарит ўлчамлари, пакетдаги жойлар сони, пакетларни жойлаштириш тартиби ва ҳ.к. кўрсатилади.

Сақлаш қоидалари қуйидаги тартибда баён қилинади:

- сақлаш жойи;
- сақлаш шароитлари;
- тахлаш шароитлари;
- сақлашнинг махсус қоидалари ва муддатлари (зарур бўлганда).

“Фойдаланиш бўйича кўрсатмалар” (таъмирлаш, қайта фойдаланишга оид кўрсатмалар) бўлимида риоя қилинганда маҳсулотнинг маълум шароитларда ва тартиботларда иш қобилиятини ва хавфсизлигини таъминлайдиган ва истеъмол (фойдаланиш) тафсилотларини кафолатлайдиган талаблар ўрнатилади. Бўлимда буюмни фойдаланишга тайёрлаш ва киритишга талаблар, буюмни фойдаланиш жойида ўрнатиш тартиби, шунингдек техник тафсилотларига мувофиқ иш имкониятларини ва хавфсизлигини сақлаш учун буюмлардан фойдаланиш асосий меъёрлари ва қоидалари, шу жумладан узлуксиз ва циклик ишлаш вақти, техник хизмат кўрсатишларнинг турлари (календар кунлар, бажарилган ишлар ҳажми, техник ҳолати бўйича ва б.), даврийлиги ва ҳажми кўрсатилади. Маҳсулотдан фойдаланиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича талаблар маҳсулотни сертификатлаштириш учун яроқли бўлиши лозим.

“Тайёрловчининг кафолатлари” бўлимида маҳсулотни тайёрловчи (етказиб берувчи, хизматларни бажарувчи) нинг чиқариладиган шу жумладан таъмирланган маҳсулот (хизматлар) нинг стандарт талабларига мувофиқлигини кафолатлаш мажбуриятлари кўрсатилади, шунингдек, кафолат тури, давом этиш муддати ва кафолатнинг бошланиш пайтини ҳисоблаш кўрсатилади. Бутловчи буюмларга ва таркибий қисмларга фойдаланишнинг кафолатланган муддати асосий буюмни кафолатлаш муддатига тенг ҳисобланади, кафолатлаш

муддати етказиб беришга тузилган шартномалар билан ҳам белгиланади. Асосий буюмга стандартдарда бутловчи буюмларга ва таркибий қисмларга асосий буюмларникидан кўпроқ ёки камроқ кафолат муддатини ўрнатиш рухсат этилади.

Маҳсулотга стандартларда ва (ёки) текшириш методларига стандартларда ўрнатиладиган текшириш (синаш, ўлчаш, таҳлил) методлари маҳсулотга стандартларда ўрнатилган сифатга мажбурий талабларнинг барчасини ҳолис (объектив) текширилишини таъминлаши лозим. Текшириш (синаш, ўлчаш, таҳлил) методлари объектив, аниқ ифодаланган, равшан бўлиши, тартибини ва натижаларнинг такрорланувчанлигини таъминлаши лозим, ҳар бир метод учун, текширишнинг ўзига хос хусусиятларига қараб, қуйидагилар белгиланади:

- текшириш воситалари ва ёрдамчи қурилмалар;
- текширишни ўтказишга тайёрланиш тартиби;
- текширишни ўтказиш тартиби;
- текшириш натижаларига ишлов бериш қоидалари;
- текшириш натижаларини расмийлаштириш қоидалари;
- текширишдаги жоиз (рухсат этилган) хатолик.

Текширишни ўтказишга тайёрланиш тартибини баён этишда маҳсулотни текширишга тайёрланнишга тегишли маълумотлар, шунингдек намуналар (кичик намуналар) ни олиш жойи ва усули, шакли, тури, ўлчамлари ёки массаси кўрсатилади, зарур бўлганда, уларни сақлаш ва ёки ташиш шароитлари ҳам кўрсатилади. Зарур бўлганда, ўлчаш ускунасининг тузилиш ва ишлаш схемаси, шунингдек приборлар ёки аппаратларни улаш схемалари ҳам келтирилади.

Текширишни ўтказиш методикасига талабларни баён этишда текшириш шароитларининг тавсифлари уларнинг жоиз қийматларини ва қайта тиклашдаги хатоликларни қўшиб кўрсатилади, шунингдек агар текшириш ишлариини ўтказиш тартиби текшириш натижаларига таъсир этадиган бўлса, бу тартиб ва ўтказиладиган ишлар баёни ҳам келтирилади.

Текшириш натижаларига ишлов бериш қоидаларини баён этишда ҳисоблаш формулалари келтирилади.

Текшириш натижаларини расмийлаштиришга талабларни баён этишда текшириш журналлари (баённомалари) га, буларга киритиладиган маълумотларнинг мазмуни ва тартибига талаблар ўрнатилади.

Текшириш методининг аниқлигига талабларни баён этишда методнинг рухсат этилган хатоликлари, ҳисоблашларнинг тўғрилиги ва маълумотларни (сонларни) йириклаштириш даражаси кўрсатилади, шунингдек ушбу метод билан таъминланадиган натижаларнинг қайта тикланувчанлиги ва такрорланувчанлиги тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилади.

Жараёнларга стандартлар маҳсулот (хизматларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, фойдаланиш, таъмирлаш ва қайта фойдаланиш технологик жараёнларида ҳар хил ишларни бажариш методлари (усуллари, йўллари, тартиботлари, меъёрлари) га талабларни ўрнатади. Бу талаблар бажариладиган барча ишларнинг техникавий бирлилигини ва мақбуллигини таъминлаши лозим.

Назорат саволлари

1. Меъёрий ҳужжат структураси ва унинг элементлари
2. Меъёрий ҳужжатни баён
3. Меъёрий ҳужжатларни расмийлаштириш
4. Меъёрий ҳужжатларни мазмуни

1	Меъёрий ҳужжатларни тузиш, баён қилиш, мундарижа ва расмийлаштиришга талаблар	О'з DSt 1.6:2003
2	Меъёрий ҳужжатлар тузилишига кўра қуйидаги таркибий қисмларга эга	Сарварақ, сўз боши, мундарижа, кириш, номи, қўлланиш доираси, меъёрий ҳаволалар, атамалар ва таърифлар, белгилар ва қисқартмалар, талаблар, иловалар, библиографик маълумотлар
3	Меъёрий ҳужжатларга мажбурий талаблар	титул варақ, сўз боши, мундарижа талаблар
4	Мундарижа меъёрий ҳужжатларда	10 бетдан ошганда қўйилади
5	меъёрий ҳужжатларда “Умумий техникавий	тафсилотлар (хоссалари), хом ашё, материаллар, сотиб олинadиган буюмларга

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. www.ima.uz
7. vtww.academy.uz
8. www.standart.uz
9. www.smsiti.uz
10. www.uza.uz

7-амалий машғулот
Сертификатлаштириш схемалари ва аккредитлаш
Сертификатлаштириш мақсадлари

Сертификатлаштириш: одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация килинишини назорат этиб бориш;
маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш;
мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро микёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотикда иштирок этишлари учун шароит яратиш;
истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;
маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадларида амалга оширилади.
Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади.

Мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси

Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқлангани тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификати беради, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сертификатлаштириш тизимида фойдаланиладиган мувофиқлик сертификатларининг, аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларнинг намуналари, миллий мувофиқлик белгисининг шакллари ва хажмлари "Ўзстандарт" агентлиги томонидан тасдиқланади. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт. (ЎзР 25.04.2003 й. 482-II-сон Қонуни таҳриридаги қисм)

Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификатлари, мувофиқлик белгилари, сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари ҳақиқий эмас.

Мувофиқлик сертификатидан, мувофиқлик белгисидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳамда сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларининг (марказларининг) аккредитация қилинганлик

тўғрисидаги гувоҳномаларини аризачи бошка юридик ёки жисмоний шахсга бериши ман этилади.

Ихтиёрий сертификатлаштириш.

Ихтиёрий сертификатлаштириш деганда ишлаб чиқарувчи /бажарувчи/, сотувчи /таъминловчи/ ёки истеъмолчи ташаббуси билан ихтиёрий равишда утказилладиган сертификатлаштириш тушунилади.

Ҳозирги шароитда ташқи мамлакатлар билан савдони, мамлакатлараро иқтисодий алоқаларни, фан ва техниканинг ривожланиши учун ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, уларнинг рақобатбардошлик қобилиятини ошириш учун мунтазам равишда синовлардан ўтказиш эҳтиёжи ортиб бормокда. Синовларни кўпинча учинчи томон деб аталувчи шахс ёки ташкилот амалга оширади. У кўриладиган масалада қатнашаётган томонлар одатда таъминловчининг //биринчи томон ва харидорнинг /икинчи томон/ манфаатларини ҳимоя қилиб, мутлақо мустақил равишда иш кўрадилар.

Учинчи томон тарафидан килинадиган сертификатлаштириш ишлаб чиқарувчиларнинг ишончлигига сазовор булмокда ва шу сабабли бундай йўлкенг кулланилиб, салмоқли равишда тарқалмокда. Турли мамлакатларда учинчи томон тарафидан бажарилаётган сертификатлаштириш тизимини ташкил этиш амалда шуни кўрсатмокдаки, уни турлича ташкил қилиш мумкин экан: ишлаб чиқарувчи ассоциациялар, йирик истеъмолчилар, сертификатлаштириш миллий ташкилотлари томонидан, масалан, Франция ва Англияда 60 - йиллар бошида истеъмолчилар томонидан ҳарбий мақсадлар учун электроника маҳсулотларини сертификатлаштириш тизими яратилди.

Айрим олинган мамлакат миқёсида яратилган миллий тизимлар мажбурий бўлган стандартлар доирасини қамраб олади. Масалан, биринчилар қаторида миллий миқёсида қимматбаҳо тошларни сертификатлаштириш тизимлари қўлланилган.

Сертификатлаштириш тушунчаси кенг маънода учинчи томон тарафидан ўтказиладиган техникавий меъёрга, иш услубига, қоидага мувофиқлигини қамраб олган ҳар қандай текширувдир. Шунинг учун сертификатлаштиришни текширув деб ҳисоблаб, босим остидаги идишларни, портлаш хавфидан химояланган қурилмаларни, кемаларни, сузиш воситаларни, тайёрларини, авиация қурилмаларни, атом реакторларининг ва тоғ техникасини ишлатишдаги хавфсизлигини таъминлаш учун техникавий назорат урнатувчи идоралар шартли текширувни амалга оширади.

Сертификатлаштириш схемалари

Сертификатлаштириш бўйича ИСО таркибидаги қўмита томонидан тайёрланган ҳужжатда учинчи томон тарафидан амалга ошириладиган сертификатлаштиришнинг саккизта схемаси берилган:

Биринчи схема. Бу схема билан фақат маҳсулот намуналари турларини стандартлар талабларига мувофиқлигини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилади. Бу хилдаги сертификатлаштиришда синовга такдим этилган намунани белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланади, холос. Схема умумлашган (типовой) намуналарни сертификатлаштиришда қўлланилади ва махсулотни мажбурий кўрсаткичлар, биринчи навбатда хавфсизлик бўйича АСЛ да синашни назарда тутаяди. Мазкур схема маҳсулотга аниқ МХ бўлмаганда ҳам қўлланилади. Бу йўл ўзининг соддалиги ва унча кўп ҳаражат талаб қилмаслиги туфайли миллий ва халқаро савдо муносабатларида муайян даражада тарқалган.

Иккинчи схема. Бу схемада маҳсулотнинг намуна турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида синовдан ўтказилиб, сўнгра унинг сифатини савдо шахобчаларидан вақти - вақти билан олинадиган намуналар асосида назорат қилиб борилади. Бу усул такдим этилган намуналар сифатини ҳам баҳолаш имконини беради. схема умумлашган намуналарни сертификатлаштиришда қўлланилади ва мажбурий кўрсаткичларни текшириш учун махсулотни АСЛ да синашни назарда тутаяди. Мазкур схема савдо соҳасида (истеъмолчидан) олинган намуналарни синовлардан ўтказиш йўли билан маҳсулотни инспекцион текширувдан ўтказишни назарда тутаяди.

Усулнинг афзаллиги унинг соддалигидадир. Унинг камчилигига эса назорат синовлар натижасига қараб, агар маҳсулот стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланилса, барибир уни савдо шахобчаларидан чиқариб ташлаш учун бирмунча қийинчиликлар туғилади.

Учинчи схема. Маҳсулот намуналарининг турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказиш, сўнгра сотувчи ёки истеъмолчига юбормасдан туриб вақти – вақти билан намуналарнинг текширувини назорат қилишга асосланади. Иккинчи схемадан фарқланувчи томони шуки маҳсулот савдо шахобчаларига тушмасдан туриб, синов назорати ўтказилади ва стандартга омувофиқлиги аниқланса, маҳсулотнинг истеъмолчига жўнатилиши тўхтатилади. Бу схема ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаштиришда қўлланилади ва мажбурий кўрсаткичларни текшириш учун маҳсулотни АСЛ да синашни ва ишлаб чиқаришни текширишни назарда тутаяди. Мазкур схемада тайёрловчи-ташкilotдан олинган маҳсулотни синовлардан ўтказиб ва мувофиқлик белгисининг қўлланилишини текшириш учун корхонада инспекцион текширувни ўтказиш мўлжалланади.

Тўртинчи схема. Маҳсулот намуналарнинг турларини худди 3 - схемаларидан синовдан ўтказишга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шахобчасидаги ҳамда ишлаб чиқаришда олинган намуналарнинг текшириш назорати вақти – вақти билан ўтказиш орқали маҳсулотнинг сифати ҳисобга олинади. Бу ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг чиқарилишига маълум ҳаражатлар бўлгандан кейин стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланади. схема ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаштиришда қўлланилади ва мажбурий кўрсаткичларни текшириш учун маҳсулотни АСЛ да синашни ва ишлаб чиқаришни текширишни назарда тутди. Мазкур схемада, ҳам савдо соҳасида (истеъмолчидан), ҳам ишлаб чиқаришдан олинган намуналарни синовлардан ўтказиш йўли билан маҳсулотни, шунингдек мувофиқлик белгисининг қўлланилишини инспекцион теширувдан ўтказиш мўлжалланади.

Бешинчи схема. Бу схема маҳсулот намуна турларини тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришининг сифатини баҳолашга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шахобчасида ва ишлаб чиқаришда намуналар сифатини вақти - вақти билан текширилиб назорат қилиб борилади. Бу сертификатлаштириш усули фақат маҳсулотнинг сифатини керакли даражада бўлишини ҳам назорат қилади. Табиийки, корхонадаги маҳсулот сифатини таъминлашда, тизимнинг баҳоланишида унинг мезонини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу усул саноати ривожланган мамлакатларда ҳамда халқаро сертификатлаштириш тизимларида энг кўп тарқалган схемадир. Биринчи, тўртинчи схемаларга қараганда бу схема энг мураккаб ва нисбатан қимматроқ турадиган схема бўлиб, унинг афзаллиги истеъмолчи маҳсулот сифат даражасини юқори эканлигига ишонч ҳосил қилади, бу эса асосий мезон ҳисобланади.

Бу схема ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаштиришда қўлланилади ва мажбурий кўрсаткичларни текшириш учун маҳсулотни АСЛ да синашни ва ишлаб чиқаришни текширишни ёки сифат тизимини баҳолашни назарда тутди. Мазкур схемада маҳсулотни синовлардан ўтказиш ва ишлаб чиқаришни текшириш (ёки сифат тизимини баҳолаш) йўли билан инспекцион текширувни ўтказиш мўлжалланади.

Олтинчи схема фақат корхонадаги маҳсулотнинг сифатини таъминлаш билан тизимнинг баҳоланишини ўтказишга мўлжалланган. Бу усул айрим вақтда корхона – тайёрловчини аттестатлаш деб ҳам юритилади. Бу хил сертификатлаштиришда фақат корхонанинг белгиланган сифат даражасидаги маҳсулотни чиқариш қобилияти баҳоланади.

Бу схема сифат тизимини сертификатлиштиришда қўлланилади ва уни баҳолашни ҳамда кейинчалик инспекцион текширувни ўтказишни назарда тутди.

Еттинчи схема. Маҳсулотнинг ҳар бир тайёрланадиган тадсидан синовларга танлаб олишга асосланган. Танлаб олиш синовларининг натижаларига қараб тўдани ортиши учун қарор қабул қилиниши аниқланади. Бу хилдаги сертификатлаштириш учун танланманинг ҳажми аниқланиши лозим, у эса тайёрланган тўданинг катта – кичиклигига мақбул бўладиган сифат даражасига боғлиқ. Қабул қилинган қоидага асосан танланмани тўплаш ваколатланган синов ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Бу хил сертификатлаштириш қўлланилиши статистик усулни қўллаш билан боғлиқдир.

Бу схема маҳсулот тўпининг сертификатлаштиришда қўлланилади ва маҳсулотни синашни назарда тутди

Бундан ташқари 7 а схемаси ҳам мавжуд бўлиб, бир хил маҳсулотни маълум бир вақт оралиғида қайта қайта кириб келиши, ишлаб чиқилган мамкатнинг мувофиқлик сертификати асосида декларация асосида сертификатланади.

Саккизинчи схема. Ҳар бир тайёрланган, айрим буюмнинг стандартлар талабига мувофиқлиги синовлар ўтказиб аниқлашга асосланган. Бу сертификатлаштириш усулида юқорида 1-7 схемаларига караганда таъминловчининг масъулияти анча юқори. Табиийки муваффақиятли синовлардан ўтган буюмларгина сертификат ёки мувофиқлик белгисини олади. 8 - схема маҳсулотга нисбатан юқори ва қатъийроқ талаблар қўйилганда ишлатилишга асосланган ёки маҳсулотларнинг ишлатилиши натижасида стандарт талабларига мос келмаслиги истеъмомлигига катта иқтисодий зарар етказганида қўлланилади. Бу хил сертификатлаштириш қимматбаҳо металллардан ва қотишмалардан тайёрланадиган буюмларда кўпроқ қўлланилади. Бундан асосий мақсад қимматбаҳо металлларнинг белгиланган миқдорини, таркибини ва буюмнинг тозаллигини текширишдир.

Бу схема ҳар бир дона буюмни сертификатлиштиришда қўлланилади.

Буюк Британия институти томонидан сертификатлаштиришнинг янги хили яратилиб, бу усул билан фақат ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларининг тасдиқланиши /аттестатланиши/ га асосланган.

Тўққизинчи схема. Бу схема маҳсулотни сертификатлаштиришда қўлланилади ва маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларация қилишни назарда тутди. Мазкур схемада, ишлаб чиқарувчининг хошишига кўра, мувофиқлик белгиси қўлланилиши мумкин.

Мажбурий тартибда сертификатлаштириладиган, шунингдек уларнинг мувофиқлиги мувофиқлик декларатсияси билан тасдиқланиши мумкин бўлган маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ҳозирги замон адабиётида ҳар бир сертификатлаштириш схемасининг афзаллиги ва камчиликлари таҳлил этилган. Буларнинг ичида энг мукамал ва мураккаби бешинчи схемадир. Бу схема тўлиқ бўлганлиги учун уни асос қилиб олиб, ҳозирги замон халқаро сертификатлаштириш тизими яратилмоқда.

**Мувофиқлик сертификати орқали маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш
ЖАДВАЛИ**

Чизма рақами	Аккредитатланган синов лабораторияларининг синови ёки мувофиқликни баҳолашнинг бошқа далили	Ишлаб чиқариш шaroитларини баҳолаш ёки сифат тизимини баҳолаш	Сертификатланган маҳсулот устидан инспекция назорати (Сифат тизимини)
1.	Маҳсулот турининг синови	—	—
2.	Маҳсулот турини синовдан ўтказиш	—	Савдодан (истеъмолчидан) олинган намуналарнинг синови
3.	Маҳсулот турини синовдан ўтказиш	Ишлаб чиқаришни баҳолаш	Ишлаб чиқарувчидан олинган намуналарни синаш
4.	Маҳсулот турини синовдан ўтказиш	Ишлаб чиқаришни баҳолаш	Савдо (истеъмолчидан) ва ишлаб чиқаришдан олинган намуналарни синовдан ўтказиш
5.	Маҳсулот турини синовдан ўтказиш	Ишлаб чиқаришни баҳолаш ёки сифат тизимини баҳолаш	Намуна синови ва сифат тизимини баҳолаш (ишлаб чиқаришни ўрганиш)
6.	—	Сифат тизимини баҳолаш	Бошқарув тизимининг ҳолатини баҳолаш
7.	Маҳсулот тўпини синовдан ўтказиш	—	—
7А.	Маҳсулот тўпини синовдан	—	—

	Ўтказиш		
8.	Ҳар бир намунани синаш	—	—
9.	Мувофиқлик бўйича декларация ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб чиқиш	—	—

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 10-11-сон, 86-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.02.2020 й., 10/20/1458-5/0129-сон)

Сертификатлаштиришни утказиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси СМТда махсулотни сертификатлаштиришга куйидагилар киради:

- а) СИ га сертификатлаштириш тугрисида суровнома бериш ва уни куриб чиқиш;
- б) Сертификатлаштиришга такдим этилган махсулот МХни ва суровномага илова қилган бошқа ҳужжатларни таҳлил қилиш;
- в) суровнома бўйича қарор қабул қилиш;
- г) синовлар дастури (программаси)ни тайёрлаш ва тасдиқлаш (6 ва 9-схемалардан ташқари);
- д) намуналарни идентификациялаш (айнан ухшашлигини аниқлаш), танлаб олиш ва лабораторияга олиб келиш (6 ва 9-схемалардан бошқа);
- е) намуналарни АСЛ да синашни бажариш (6 ва 9-схемалардан бошқа);
- ж) махсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини текшириш (сертификатлаштиришнинг 3, 4 ва 5-схемалари учун);
- з) сифат тизимини баҳолаш (5 ва 6-схемалари учун);
- и) махсулотнинг мувофиқлиги тугрисида декларация ёзиш (9-схема);
- к) олинган натижаларни таҳлил қилиш, мувофиқлик сертификатини бериш ёки уни беришдан воз кечиш;
- л) мувофиқлик сертификатини УзР СМТ Давлат реестрида руйхатдан утказиш.

Такдим этилган махсулот МХда гигиеник, ветеринария, фитосанитария ёки экологик талаблар мавжуд бўлганда СИ гигиеник ва ветеринария экспертизаларини, фитосанитария текширувини утказиш ва экологик сертификатлаштириш зарурлигини аниқлайди. Мазкур амаллар сертификатлаштириш синовлари билан бир вақтда утказилиши мумкин ва суровчига мувофиқлик сертификатини беришдан аввал, бу амаллар тегишли ҳужжатлар берилиши билан тугалланиши лозим.

СИ тадбиркорлик субъектларининг ёзма аризасига мувофик, сертификатлаштиришни утказишда давлат санитария назорати идораларидан, давлат ветеринария назорати идораларидан ва усимликлар карантини буйича давлат идораларидан, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш давлат идораларидан барча зарур хулосаларни олишга оид агентлик хизматларини курсатишга ҳақлидир. Бунда намуналарни тугри ажратиб олиш ва уларни тегишли давлат идораларига бериш вазифаси, шунингдек масъуллик СИ га юклатилади.

СИ суровчиларнинг талаблари буйича уларга куйидаги ахборотларни тайёрлаши ва тақдим этиши лозим:

- мажбурий сертификатлаштириладиган маҳсулот турлари руйхати ёки бу руйхатдан кучирма;

- СИ нинг аккредитланган соҳаси буйича бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш коидалари;

- сертификатлаштириш буйича хизматларига ҳақ тулаш прејскуранти (тарифлари);

- «Узстандарт» агентлиги томонидан берилган аккредитлаш тугрисидаги гувоҳнома.

Маҳсулотни УзР СМТда сертификатлаштиришни утказиш учун суровчи мазкур Коидаларга 2-иловада келтирилган шаклда ёзилган суровномани тегишли СИ га юборади.

Суровчи бир турдаги маҳсулотни сертификатлаштириш буйича идора тугрисида маълумот ва сертификатлаштириш коидалари йўқ бўлган тақдирда, бу тўғрисидаги маълумотларни сертификатлаштириш бўйича Миллий идора (кейинчалик-СМИ) да ёки унинг худудий идораларида олиши мумкин.

Четдан келтириладиган маҳсулотни сертификатлаштиришда куйидаги хужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотга меъёрий хужжат нусхаси (амалда бор бўлган тақдирда);

- маҳсулот ёрлиги намунаси ёки маҳсулот тўғрисида маълумот;

- товарга қўшиб жўнатиладиган хужжат нусхаси. Бу нусхага маҳсулотнинг Ўзбекистон Республикаси божхонаси худудига келганлиги тўғрисидаги белги қўйилган бўлиши шарт (товарга товар-транспорт накладной, инвойс, счет-фактура);

- амалда бор бўлган тақдирда, давлат санитария назорати идорасининг лабораториясида ўтказилган синовларнинг натижалари ёзилган гигиеник сертификат ва МХ да белгиланган бошқа талаблар тўғрисидаги маълумотлар нусхаси (ветеринария ва фитосанитария хулосалари, экологик сертификат).

Агар сўровчи айни вақтда гигиеник сертификатни ва мувофиқлик сертификатини олишга ариза берган бўлса, бундай ҳолда гигиеник сертификат нусхаси уни белгиланган тартибда расмийлаштиригандан кейин берилади.

Мажбурий сертификатланиши шарт булган, четдан келтирилган маҳсулотга республикада МХ йўқ бўлса, сифат кўрсаткичлари ва хавфсизлик бўйича сертификатлаштириш синовлари ўхшаш турдаги маҳсулотга бўлган талабларга мувофиқлиги бўйича бажарилади.

Сўровчи томонидан четдан келтирилган маҳсулотга зарур меъёрий ҳужжат ёки хавфсизлик бўйича техник тафсилотлар тақдим этилмаса, мазкур маҳсулотни сертификатлаштириш ўхшаш маҳсулот ҳужжатлари бўйича ёки гигиеник сертификат асосида бажарилади. Бунда (озик-овқат маҳсулотига ва озиқ-овқатга тегиб турадиган маҳсулотга) идентификатлаш (айнан ўхшатиш) ишлари ҳам бажарилади.

МХга эга бўлмаган, шунингдек гигиеник сертификатлаштирилмайдиган маҳсулотни сертификатлаштириш идентификатлаштириш йўли билан ўтказилади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотни сертификатлаштиришда сўровчи куйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулотга меъёрий ҳужжат нусхаси;
- маҳсулот маркировкасининг нусхаси (маҳсулот тўғрисида ахборот);
- амалда бор бўлган тақдирда, давлат санитария назорати идорасининг лабораториясида ўтказиладиган синовларнинг натижалари ёзилган гигиеник сертификат ва МХ да белгиланган бошқа талаблар тўғрисидаги маълумотлар нусхаси (ветеринария ва фитосанитария хулосалари, экологик сертификат);

Агар сўровчи айни вақтда гигиеник сертификатни ва мувофиқлик сертификатни олишга ариза берган бўлса, бундай ҳолда гигиеник сертификат нусхаси уни белгиланган тартибда расмийлаштиригандан сунг берилади.

Синов лабораториялари ва сертификатлаштириш идораларини аккредитлаш жараёнлари

Аккредитлашни асосий мақсадлари:

- маҳаллий маҳсулот, хизматлар ёки жараёнларни хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;
- халқаро битимларда техникавий то`сиқларни бартараф қилиш;
- синов лабораториялари, калибрлаш ва қиёслаш лабораториялари, сертификатлаштириш ва назорат идоралари, метрологик хизматлар ва стандартлаштириш бўйича хизматларни техникавий лаёқатлигини ошириш ва фаолияти натижаларини халқаро тан олиншини таъминлаш.

Аккредитлашни асосий вазифаси булиб ташкилотлар ва жисмоний шахслар фаолиятини меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ қонуний ҳуқуққа эгаллигини тасдиқлаш ҳисобланади.

Аккредитлаш бўйича фаолиятни тизим доирасида қуйидаги субъектлар амалга оширади:

- Аккредитлаш бўйича Миллий идора, унинг функцияларини «Узстандарт» агентлиги бажаради;

- меъёрий таъминот ва аккредитлаш процедуралари бўйича илмий – услубий марказ, унинг функцияларини стандартлар институти бажаради;

- «Узстандарт» агентлигини топшириғига мувофиқ бошқа давлат идоралари.

Тизимда аккредитлаш объектлари:

- синов лабораториялари;

- калибрлаш ва бошқа лабораториялар;

- маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш бўйича идоралар;

- сифат тизимларини сертификатлаштириш бўйича идоралар;

- назорат идоралари;

- эксперт – аудиторлар.

Аккредитлаш бўйича идора:

- маълум юридик мақомга эга бўлиши керак;

- молиявий турғунлик ва тизим фаолият олиб бориши учун воситаларга эга булиши керак;

- аккредитлаш бўйича фаолиятда иштирок этаётган барча томонлар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқ ва жавобгарликка эга булиши керак;

- фаолияти учун зарур бўлган хоналар, техникавий ва бошқа воситаларга эга бўлиши керак;

- Тизимни муваффақиятли бошқаришга имкон берувчи ташкилий тузилма ва сифат бошқариш тизимини бошқа элементларига эга бўлиши керак;

- Тизимни такомиллаштириш учун аккредитлаш бўйича бошқа идоралар билан ахборот алмашинишга тайёр бўлиши керак.

Аккредитлаш бўйича идора:

- у томонидан бошқаларга ваколат берилган хизматларни;

- сертификатлаштириш бўйича процедураларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш бўйича хизматларни тақлиф қилмаслиги ёки қўрсатмаслиги керак

Аккредитлаш бўйича идора:

- раҳбарга;

- штатдаги ходимларга;

- ташкилий тузилмага;

- мустақил экспертларни жалб қилиш имкониятига;
- экспертлар лаёқатлигини баҳолаш буйича тегишли протседурага;
- аккредитлаш буйича экспертлар буйича ёзувларга эга булиши керак.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари, синов (о`лчов) лабораторияларини аккредитатсиядан о`тказиш тартиби

Ўз ДСт 16.0 Узбекистон Ресубликаси Аккредитлаш тизими. Асосий қоидалар

Ўз ДСт 16.10 Узбекистон Ресубликаси Аккредитлаш тизими. Сертификатлаштириш идорасига қуйиладиган умумий талаблар

Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17021 Мувофиқликни баҳолаш. Менежмент тизимларининг аудити ва сертификатлаштиришни амалга оширадиган вдораларга қуйиладиган талаблар

Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17025 Синов ва калибрлаш лабораториялари лаёқатлигига умумий талаблар

Ўз ДСт 16.2 (ЕН 45013-89) УзР Аккредитлаш тизими. Ҳодимларни сертификатлаштириш буйича идорага талаблар

Ўз ДСт 16.3 Юридик шахсларни стандарт намуналарни тайёрлаш, шаҳодатлаш ва сотиш ҳуқуқига аккредитлаш. Ташкиллаштириш ва утказиш тартиби

Ўз ДСт 16.5 УзР Аккредитлаш тизими. Юридик ва жисмоний шахсларни улчашларни бажариш услубларини шаҳодатлаш ва ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш ҳуқуқига аккредитлаш. Ташкиллаштириш ва утказиш тартиби

ЎзДСт 16.6 УзР Аккредитлаш тизими. Юридик шахсларни улчашларни бажариш услубларини ташкиллаштириш ва назорат қилиш ҳуқуқига аккредитлаш

Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17020 Турли хил назорат қилувчи идораларнинг ишлаш мезонлари

Ўз ДСт 16.8 УзР Аккредитлаш тизими. Ишлаб чиқариш лабораторияларини шаҳодатлаш. Умумий талаблар ва утказиш тартиби

Ўз ДСт 16.9 УзР Аккредитлаш тизими. УзР экоаналитик лабораторияларни шаҳодатлаш. Лабораторияни техникавий лаёқатини баҳолашни утказиш тартиби.

Сифат менежменти тизимлари ва ишлаб чиқаришларни сертификатлаштириш бо`йича идоралар сифатида “О`зстандарт” агентлигининг ҳудудий идоралари, СМСИТИ, бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш бо`йича идоралар ва бошқа ишлаб чиқарувчи ва

исте' молчиларга тобе бо'лмаган ва белгиланган талабларга жавоб берадиган бошқа ташкилотлар Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17021:2015 стандарти талабларига мувофиқ аккредитланиши мумкин.

Ушбу стандартнинг тузилмаси бо'йича сертификатлаштириш идорлари қуйидаги талабларни бажариши лозим:

Тамоийиллар: умумий қоидалар; холисоналик; лаёқатлилиқ; жавобгарлик; очиқлик; махфийлик; шикоятларга жавоб бериш тамоийилларини белгилайди.

Умумий талаблар: ҳуқуқий ва шартнома масалалари; холисоналикни та'минлаш; мажбурият ва молиялаштиришга талаблар;

Тузилмасига талаблар: ташкилий тузилма ва юқори раҳбарият; холисоналикни ҳимоялар бо'йича Кенгашга талаблар;

Ресурсларга талаблар: раҳбар ва ходимларнинг лаёқатлилиги; сертификатлаштириш бо'йича фаолиятда ходимларни жалб этилиши; ташқи аудиторлар ва ташқи техник экспертларни жалб қилиш; ходимлар то'ғ'рисидаги ёзувлар; билвосита (четки) ташкилотларни жалб қилишга тегишли талаблар;

Ахборотларга талаблар: кенг миқёсда фойдаланиладиган ахборотлар; сертификатлаштиришга таллуқли ҳужжатлар; сертификатланган ташкилотларнинг ро'йхати; сертификатга ҳаволалар ва белгилардан фойдаланиш; махфийлик; сертификатлаштириш идорасининг мижозлар билан о'заро ахборот алмашинувига талаблар;

Жараёнларга талаблар: умумий талаблар; бошланг'ич аудит ва сертификатлаштириш; назорат бо'йича фаолият; қайта сертификатлаштириш; махсус аудитлар; сертификатлаштириш амал қилиш соҳасини қисқартириш, то'татиш ёки бекор қилиш; апелляция; шикоятлар; аризачилар ва мижозлар то'ғ'рисидаги ёзувларга талаблар;

Сертификатлаштириш идораси менежменти тизимига талабалар келтирилган.

Менежмент тизимларини (МТ) сертификатлаштириш идораларига, шунингдек, сифат менежменти тизимини сертификатлаштириш идоралари Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17021:2009 (ИСО/ИЕС 17021:2006) ва ИСО/ИЕС 62 талабларига мувофиқ О'збекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизимида аккредитланган сертификатлаштириш идоралар сертификатлаштиришни амалга оширади. Ҳар бир аккредитланган сертификатлаштириш идоралари, аккредитлаштириш идораси томонидан тасдиқлаган фаолияти бо'йича сертификатлаштириш ро'йхати, ушбу идора учун рухсат этилган аккредитация соҳаси бо'лиши шарт. Сертификатлаштириш фаолиятлари соҳасининг умумий ро'йхати, я'ни Халқаро аккредитлаштириш бо'йича форум ИАФ ГД 2:2005

“ИСО/ИЕС 62:1996 қо’лаш бо’йича тавсиялар” аниқланган бо’либ, у 4.1-жадвалда келтирилган.

Менежмент тизимларини сертификатлаштириш идоралари Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17021:2018 стандарти талабларига мувофиқ бо’лиши ва уларда сифат тизими ишлаб чиқилган бо’лиши лозим.

МТ сертификатлаштириш “Ўзстандарт” агентлиги тасдиқлаган менежмент тизимларини сертификатлаштириш қоидалари ва Ўз ДСт ИСО 19011 ҳисобга олиб менежмент тизимларини сертификатлаштириш идоралари ишлаб чиққан процедура ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Аудит учун зарурий қо’шимча талаблар Ўз ДСт ИСО 9001, ИСО 14001, ОҲСАС 18001 ва бошқа стандартларда белгиланган.

Сертификатлаштириш идораси ва унинг аудиторлари ҳамда барча мутахассислари, шунингдек, аудиторлик гуруҳи ишида қатнашишга жалб қилинган субпудратчилар аризачи-ташкilotнинг аудити жараёнида олинган барча ма’лумотларни махфийлигига риоя этиши ва мустақил, лаёқатли бо’лиши шарт.

Ўз ДСт ИСО/ИЕС 17021:2015 стандартининг 7-бо’лими Ресурсларга талаблар.

Ходимларнинг ваколатлари

Сертификатлаштириш органи ходимларнинг зарур билимларни олиш тартибини белгилаши керак. Менежмент тизимининг турлари бўйича кўникмалар (масалан, атроф-муҳитни бошқариш тизими, тизим) У шуғулланадиган сифат менежменти, ахборот хавфсизлигини бошқариш тизими). ва у фаолият кўрсатадиган географик ҳудудлар.

Ваколат мезонларини аниқлаш

Сертификатлаштириш органи текширувлар ва сертификатлашни ташкил этиш ва ўтказиш билан шуғулланувчи ходимларнинг ваколатлари мезонларини аниқлаш учун ҳужжатлаштирилган тартибга эга бўлиши керак. Мезонлар компетентсиялар стандарт талаблари ёки спетсификатсияларни ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Бошқарув тизимининг ҳар бир тури, ҳар бир техник майдон ва ҳар бир жараён функсияси учун сертификатлаш. Бундай жараённинг натижаси режалаштирилган натижаларга эришиш учун аудит ва сертификатлаштириш вазифаларини самарали бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларнинг мезонлари ҳужжатлаштирилган бўлиши керак. Иловада билим ва кўникмалар кўрсатилган, сертификатлаштириш органи аниқ функсияларни бажариш учун аниқланиши керак. Муайян сертификатлаш схемаси учун (масалан, ИСО / ИЕС 17021-2. ИСО / ИЕС 17021-3) мувофиқлик учун қўшимча мезонларни белгилашда ушбу мезонлар қўлланилади.

Назорат саволлари

1. Сертификатлаштириш тартиби
2. Сертификатлаштириш схемалари
3. Сертификатлаштиришнинг мақсад ва вазифалари
4. Сертификатлаштириш схемаларини қўллаш тартиби

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008.267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
11. www.ima.uz
12. vtww.academy.uz
13. www.standart.uz
14. www.smsiti.uz
15. www.uza.uz

1	одамларнинг хаёти, соглиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф мухит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация килинишини назорат этиб бориш	Сертификатлаштириш
2	ишлаб чиқарувчи /базарувчи/, сотувчи /таъхминловчи/ ёки истеъмолчи ташаббуси билан ихтиёрий равишда утказилладиган сертификатлаштириш тушунилади	Ихтиёрий сертификатлаштириш
3	Ҳар бир тайёрланган, айрим буюмнинг стандартлар талабига мувофиқлиги синовлар ўтказиб аниқлашга асосланган.	Саккизинчи схема
4	Маҳсулотнинг ҳар бир тайёрланадиган тўдасидан синовларга танлаб олишга асосланган.	Еттинчи схема
5	маҳсулотни сертификатлаштиришда қўлланилади ва маҳсулотнинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини декларация килишни назарда тутди.	Тўққизинчи схема
6	маҳсулот намуна турларини тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришининг сифатини баҳолашга асосланган бўлиб, сўнгра савдо шахобчасида ва ишлаб чиқаришда намуналар сифатини вақти - вақти билан текширилиб назорат қилиб борилади.	Бешинчи схема

7	Маҳсулот намуналарининг турларини махсус тасдиқланган синов ташкилотларида ўтказиш, сўнгра сотувчи ёки истеъмолчига юбормасдан туриб вақти – вақти билан намуналарнинг текширувини назорат қилишга асосланади.	Учинчи схема.
---	--	---------------

8-амалий машғулот

ТЕХНИК ЖИХАТДАН ТАРТИБГА СОЛИШ СОҲАСИДА ЭКСПЕРТ КОМИССИЯ ВА ЭКСПЕРТ КЕНГАШЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Режа:

1. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
2. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Калит (таянч) сўзлар: техник жиҳатдан тартибга солиш, техник регламент, умумий техник регламент, махсус техник регламент, эксперт комиссия, эксперт кенгаш.

Замонавий педтехнология элементларидан, масалан интерактив методини қўллаб дарс ўтилади.

Дарсда техник восита ва кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилади (кодоскоп, проектор, плакат ва ҳоказо).

Талабалар тарқатма материаллар билан таъминланадилар.

Талабалар мустақил фикрлаши учун тўла шароит яратилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялар тўғрисида низоми 2010 йил 10 майдаги 86-сон қарорнинг 1-иловасидир. Мазкур Низомга ЎзР ВМ 06.09.2011 й. 248-сон Қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Низом VIII бўлим ва 2 иловадан иборат. Биринчи бўлим умумий қоидалар бўлиб унда қуйдагилар баён қилинган:

Ушбу Низом техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш

тартибини, вазифалари ва ҳуқуқларини, шунингдек аъзоларининг мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялар (кейинги ўринларда Комиссиялар деб юритилади) ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартириш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат ваколатли органлари (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб юритилади) ҳузурида тузилади.

Комиссиялар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

Комиссияларнинг таркиби ваколатли орган раҳбари томонидан тасдиқланади.

Комиссия аъзолари қуйидагиларга мажбур:

- а) Комиссия ишида қатнашиш;
- б) Комиссия томонидан қарорлар қабул қилинишида овоз беришда қатнашиш;
- в) кўриб чиқиш учун киритилаётган техник регламентлар лойиҳалари бўйича тегишли хулосаларни ўз вақтида тақдим этиш;
- г) ушбу Низом талабларига риоя қилиш.

Комиссия аъзолари ишлаб чиқилган техник регламентлар лойиҳалари, техник регламентларга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар юзасидан ўтказилган экспертизанинг тўлиқлиги ва холислиги, шунингдек амал қилиш муддати тугаган техник регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар

юзасидан хулосалар тайёрланиши ва тақдим этилиши учун жавоб берадилар.

Комиссия Комиссиянинг раиси, раис ўринбосарлари ва аъзоларидан иборат таркибда шакллантирилади. Иш юритишни ташкил этиш учун Комиссия аъзоси бўлмаган Комиссия котиби тайинланади.

Комиссия аъзолари сони тоқ ва Комиссия раисини ўз ичига олган ҳолда камида 5 кишидан иборат бўлиши керак.

Ваколатли органнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари Комиссия раиси ҳисобланади.

Комиссия таркибига:

а) техник регламентлар талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширадиган ваколатли органлар ва давлат бошқаруви органлари;

б) касаба уюшмаси органлари (меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан);

в) Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги;

г) лойиҳалаш, илмий-техник ва илмий-тадқиқот ташкилотлари вакиллари киритилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш объектининг тармоқ мансублигига қараб (аниқ техник регламент) техник регламент кўриб чиқилишидан манфаатдор бўлган:

а) техник регламентни жорий этадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг;

б) қайта кўриб чиқилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки техник регламентлар қабул қилиниши муносабати билан бекор қилиниши керак бўлган маҳсулотга, жараёнларга, ишлар ва хизматларга ўзаро боғлиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаган (қўллайдиган) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар ва базавий ташкилотларнинг;

в) тармоқ, илмий ва лойиҳалаш ташкилотларининг;


г) техник регламентларни ишлаб чиқувчи ташкилотларнинг етакчи олимлари ва мутахассислари Комиссия аъзолари бўлиши мумкин.

Комиссия таркиби ушбу Низомнинг 10-11-бандларида кўрсатилган ташкилотларнинг тақдимномаси бўйича ваколатли органнинг фармойиши (буйруғи) билан тасдиқланади.

Қуйидагилар Комиссияларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:



Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:



.Техник регламентлар лойиҳалари Комиссияга тушгандан кейин экспертизанинг қуйидаги турлари амалга оширилади:

а) техник экспертиза - техник регламент номининг техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурига, шунингдек техник топшириққа (у мавжуд бўлганда) мувофиқлигини аниқлайди, шунингдек стандартлаштириш бўйича тасдиқланган норматив ҳужжатларга мувофиқ техник регламентлар баёни ва мазмунининг тўғрилиги текширилади;

б) иқтисодий экспертиза - техник регламент жорий этилишининг техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоби, шунингдек тушунтириш хатида кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғрилигини текширади;

в) экологик экспертиза - техник регламентлар мазмунининг экологик нормалар ва талабларга мувофиқлигини текширади;

г) санитария-гигиена ва эпидемиологик экспертиза - техник регламентлар мазмунининг санитария-гигиена ҳамда эпидемиологик нормалар ва талабларга мувофиқлигини текширади;

д) метрологик экспертиза - Ўзбекистон Республикасининг ўлчовлари бир хиллигини таъминлаш тизимининг норматив ҳужжатлари талабларига мувофиқ ўтказилади;

е) терминологик экспертиза - ҳужжатнинг давлат тилида ва рус тилида эканлигини, техник регламентда белгиланган илмий-техник атамалар қўлланилиши тўғрилигини, давлат ва тармоқ терминологик стандартларига риоя қилинишини текшириш босқичи ҳисобланади;

ж) ҳуқуқий экспертиза - техник регламентлар мазмунининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини белгиланган тартибда текширади.

Комиссия котиби Комиссиянинг ҳар бир аъзосини, ўз ваколатлари доирасида экспертизадан ўтказиш учун, ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўплами билан таъминлайди.

Комиссиянинг ҳар бир аъзоси ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган зарур ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб экспертиза натижалари бўйича ўз мулоҳаза ва таклифларини Комиссия котибиятига 15 календарь кундан ортиқ бўлмаган муддатда юборади.

Комиссия аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Техник регламентнинг киритилган лойиҳаси бўйича Комиссия ҳулосасини беришнинг умумий муддати лойиҳа кўриб чиқиш учун тушган санадан бошлаб 30 календарь кундан ошмаслиги керак.

Комиссиянинг ҳулосаси ижобий бўлган тақдирда умумий техник регламентлар лойиҳалари белгиланган тартибда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, махсус техник регламентлар лойиҳалари эса - тасдиқлаш учун тегишли ваколатли органларга киритилади.

Комиссия раиси қарорларнинг тезда қабул қилиниши учун сўраб чиқиш йўли билан Комиссия аъзолари билан келишилган айрим масалалар бўйича Комиссия қарорини тасдиқлаши мумкин.

Комиссия хулосасининг асл нусхаси ва унга доир материаллар ваколатли орган Комиссияси котибиятида сақланади.

Комиссия қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқади.

Комиссия қарорларининг ижросини назорат қилиш ишчи орган ва Комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгаш

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари тўғрисида Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 7 январда 2060-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 11 декабрдаги 534-сонли буйруғига илова

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 й., 4-сон, 140-модда) мувофиқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида тузиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг фаолиятларини тартибга солади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари (бундан кейинги ўринларда кенгаш деб юритилади) умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун ташкил этилади.

Кенгашнинг асосий вазибалари куйидагилардир:

умумий ва махсус техник регламентлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

умумий ва махсус техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни бекор қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш.

Кенгаш ўзига юклатилган асосий вазифалардан ташқари қуйидагиларни амалга оширади:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ваколатлари доирасида техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимининг асосий йўналишларини ривожлантириш бўйича иш режаларини ишлаб чиқиш;

стандартлаштириш бўйича тармоқ ва тармоқлараро техника қўмиталарига белгиланган тартибда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги режа ва тадбирлар ишлаб чиқишда услубий ёрдам кўрсатиш.

Кенгаш ўз фаолияти давомида техник тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига амал қилади.


Кенгаш техник регламент лойиҳаларининг тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан келишилишини таъминлайди.

Кенгаш таркиби раис, раис ўринбосари ва аъзолардан иборат бўлади. Иш юритишни ташкиллаштириш учун котиб тайинланади.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбарининг ўринбосари - кенгаш раиси, давлат ва хўжалик бошқаруви органи таркибий тузилмасининг раҳбари - кенгаш раисининг ўринбосари, давлат ва хўжалик бошқаруви органи таркибий тузилмасининг масъул ходими - кенгаш котиби этиб тайинланади.

Кенгаш аъзолигига техник регламентларни жорий этувчи ташкилотлар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек техник регламентлар қабул қилиниши муносабати билан қайта кўриб чиқилиши, ўзгартириш киритилиши ёки бекор қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар бўйича ўзаро боғлиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаган ташкилотлар, стандартлаштириш бўйича базавий ҳамда тармоққа оид ташкилотлар вакиллари тайинланади.

Эксперт кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:



Кенгаш аъзолари ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган ташкилотларнинг тақдимоти бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органи раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан тайинланади.

Кенгаш аъзолари кенгаш ишида иштирок этади, кенгаш томонидан қарор қабул қилишда овоз беради, техник регламентларнинг лойиҳалари бўйича тегишли таклифларни беради.

Кенгаш аъзолари бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органларида тузиладиган кенгаш ишида қатнашиши мумкин.

Кенгаш ўз фаолиятини ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

Кенгаш раиси:

кенгаш ишини ташкиллаштиради;

кенгаш мажлиси бўладиган сана ва жойни белгилайди;

кенгаш мажлисларида раислик қилади.

Кенгаш раиси бўлмаган ҳолларда унинг вазифаларини кенгаш раисининг ўринбосари бажаради.

Кенгаш котиби ўтказилиши режалаштирилаётган мажлислар тўғрисида кенгашнинг барча аъзоларини хабардор қилади.

Техник регламент лойиҳалари техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларига мувофиқ кенгаш томонидан ишлаб чиқилади.

Кенгаш тузиладиган давлат ва ҳўжалик бошқаруви органи техник регламентлар ишлаб чиқилиши тўғрисидаги хабарларни белгиланган тартибда нашр қилади.

Кенгаш техник регламентнинг талаблари татбиқ этиладиган маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг гуруҳи ва турларини аниқлайди. Маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг техник регламентларда белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш усуллари белгиланади.

Техник регламентнинг лойиҳаси келишилиши лозим бўлган тегишли ташкилотларнинг рўйхати кенгаш томонидан белгиланади ва уларга юборилади.

Техник регламент лойиҳалари 30 кун мобайнида келишилиши лозим.

Техник регламент лойиҳаси бўйича келишилиши лозим бўлган тегишли ташкилотларда таклиф ва эътирозлар мавжуд бўлмаса, бу ҳақда кенгашга хабар берилиши лозим.

Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган техник регламент лойиҳаси бўйича келиб тушган барча тақризлар котиб томонидан умумлаштирилади ва бу ҳақда 5 кун мобайнида маълумот тайёрланади.

Келиб тушган тақризлар кенгаш мажлисида кўриб чиқилади.

Тақризларни кўриб чиқиш натижаларига кўра техник регламентнинг якуний лойиҳаси тайёрланади.

Техник регламентлар лойиҳалари аниқ ифодаланиши, қонун ҳужжатларига мувофиқ келиши, кўриб чиқиладиган масаланинг пухта таҳлилини ва холис

баҳосини ўз ичига олган бўлиши, техник регламентдан фойдаланувчилар олдига аниқ мақсад ва вазифаларни қўйиши, шунингдек уларнинг талабларини бажаришнинг аниқ муддатларини белгилаши лозим.

Техник регламент лойиҳасига кенгаш раиси, унинг ўринбосари ва барча аъзолари томонидан розилик имзоси қўйилади. Розилик имзоси қўйилган лойиҳа белгиланган тартибда экспертизадан ўтиш учун тайёр деб ҳисобланади.

Техник регламентларнинг якуний лойиҳаси 3 иш куни мобайнида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги тегишли ваколатли давлат органига юборилади.

Техник регламентлар лойиҳаларининг экспертизаси фаолиятларининг йўналишлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳузурида тузиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияси томонидан техник регламент лойиҳаси белгиланган талабларга номувофиқлиги ҳақида хулоса қабул қилинган тақдирда, ушбу хулоса келиб тушган кундан бошлаб 15 кун мобайнида техник регламент лойиҳаси кенгаш томонидан қайта кўриб чиқилади.

Техник регламентнинг охирига етказиб ишлаб чиқилган лойиҳаси ушбу Низомнинг 25 ва 26-бандларига асосан қайта экспертизадан ўтказиш учун топширилади.

Техник регламент лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурида ўрнатилган муддатларда кенгаш томонидан ишлаб чиқилиши керак.

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишилган.

Назорат саволлари

1. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссия ва эксперт кенгашларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат ?
2. Қайси ваколатли органлар эксперт комиссиясини тузиш ҳуқуқига эга ?
3. Техник регламетлар қандай экспертизадан утказилади?
4. Эксперт комиссиясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008.267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.
6. [www. ima.uz](http://www.ima.uz)
7. vtww .academy.uz
8. www.standart.uz
9. www.smsiti.uz
10. www.uza.uz

1	Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялар тўғрисида низоми	ЎзР ВМ 2010 йил 10 майдаги 86-сон
2	Техник регламентни ишлаб чиқиш вазифаси	Эксперт кенгаш
3	хужжатнинг давлат тилида ва рус тилида эканлигини, техник регламентда белгиланган илмий-техник атамалар қўлланилиши тўғрилигини, давлат ва тармоқ терминологик стандартларига риоя қилинишини текшириш босқичи ҳисобланади	Хуқуқий экспертиза
4	техник регламентлар мазмунининг санитария-гигиена ҳамда эпидемиологик нормалар ва талабларга мувофиқлигини текширади;	Метрологик экспертиза
5	хужжатнинг давлат тилида ва рус тилида эканлигини, техник регламентда белгиланган илмий-техник атамалар қўлланилиши тўғрилигини, давлат ва тармоқ терминологик стандартларига риоя қилинишини текшириш босқичи ҳисобланади	терминологик экспертиза
6	техник регламентлар мазмунининг санитария-гигиена ҳамда эпидемиологик нормалар ва талабларга мувофиқлигини текширади;	санитария-гигиена ва эпидемиологик экспертиза
7	техник регламент жорий этилишининг техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоби, шунингдек тушунтириш хатида кўрсатилган тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғрилигини текширади	иқтисодий экспертиза

9-амалий машғулот

Сифат менежменти тизимини қўллаш

ISO 9001 халқаро стандарти талабларига мувофиқ яратилаётган сифат менежменти тизими (СМТ)нинг самарадорлиги ва муваффақиятлиги ISO 9000 стандартида баён этилган сифат менежментининг еттита тамойилини тушуниш ва ундан тўғри фойдаланишга боғлиқдир. Улардан энг муҳими бешинчи тамойил – менежментга тизимли ёндашув бўлиб ҳисобланади. Тизимли ёндашувда барча қизиқувчи томонларнинг талабларини қаноатлантирувчи интегрирланган сифат менежменти тизими зарурияти юзага келади. Шунинг учун ҳам охириги вақтда турли хил ташкилотларда СМТ интегрирлаш бўйича ишлар фаол ривожланмоқда. ISO 9001, ISO 14001, ISO 22001 ва OHSAS 18001 стандартлари талабларини белгилаш ва қайта кўриб чиқиш, барчасини интегрирлаш мураккаблигини кўрсатади.


ISO 9001 стандартининг 4 бўлимига биноан СМТнинг умумий қоидалари қуйидагича: "Ташкилот СМТни ишлаб чиқиши, ҳужжатлаштириш, амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаши, талабларга мувофиқ ўз фаолиятини доимий равишда яхшилаши керак ...".

Корхона бошқарув тизимини интеграциялашган ҳолда ушбу талаб қуйидаги тарзда таққосланиши мумкин: "Ташкилот ISO 9001 ва ISO 22000 талабларига мувофиқ ўз маҳсулотини доимий равишда такомиллаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг ИСМТваХ иш жараёнини ишлаб чиқиш, ҳужжатлаштириш, жорий етиш ва қўллаб-қувватлаши керак".

ИСМТ ва Хавфсизликнинг шаклланиши унинг структурасини (элементларини) ушбу стандартларда белгиланган талабларнинг органик бирикмасидан аниқ ташкил етишни назарда тутди.

2. Интегралланган СМТ ва хавфсизлик менежмент тизимлари

ИСМТ ва Хавфсизлик элементларини ишлаб чиқиш учун уларнинг интеграция соҳаларини аниқ белгилаш керакми? стандартлари. 9.1-расмда кўрсатилган интеграция ҳудудлари аниқланди.



9.1-расм. ISO 9001 ва ISO 22000 халқаро стандартларини интеграция соҳалари

Натижада 9 та интеграция майдони аниқланди. 3-расм, ISO 9001 стандарти талабларига мослаштириш учун бирлашма тамойилидан фойдаланган ҳолда ISO 22000 нинг тегишли талабларига қўшимча равишда қўшилади ва ушбу стандартларга мос келадиган талаблар тўлиқ элементларга киритилади²⁵.

Юқорида келтирилган натижалар ва ушбу стандартларни таққослаш натижасида ИСМС& Б ташкил этиш учун 1-жадвалда келтирилган маълумотлар келтирилган.

Жадвалнинг биринчи устуни ИСМСБ элементларининг тўлиқ рўйхатини тақдим этади. Кейинчалик устунларда, ИСМТваХ элементларига мос келувчи ушбу тизимлар стандартларининг сонлари киритилади.

Шу тарзда шаклланган ИСМТ ва Хавфсизлик элементлари озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигига талабларни акс еттиради. Шундай қилиб, ИСМТваХ элементларини СМТэлементлари билан интеграциялашган ҳолда, корхона озиқ-овқат хавфсизлигини бошқаришнинг универсал тизимини олади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг ривожланиши ташкилотга қиймат қўшадиган жараён сифатида аниқланиши мумкин. Ушбу тизимни ишлаб чиққан ва жорий этадиган озиқ-овқат корхонаси ривожланиши учун янги уфқлар очиб беради: янги бозорларни егаллаш, истеъмолчиларга содиқлик ва садоқатни таъминлаш.

Мазкур жараёни амалга ошириш ташкилотнинг асосий фаолияти емас. Маҳсулотлар учун озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг ривожланиши бир марталик жараён, яъни жараён тугаллангандан сўнг ташкилот уни такрорламайди.

Шунга кўра, ушбу тизимни корхонада ишлаб чиқиш аниқ бошланган сана ва охириги бўлган бир лойиҳа.

Озиқ-овқат компаниясида хавфсизликни бошқариш тизимини ишлаб

²⁵ Акименко Е. Внедрение системы управления безопасностью пищевой продукции // Стандарты и качество.- 2008.- №2.- С. 90.

чиқишда, уни янги тузилмани яратишдан кўра, мавжуд тизимни "интеграция қилиш" йўли билан ишлаб чиқаришни жорий этиш зарурлигини инобатга олиш керак.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг асоси хавфларни олдини олишга мўлжалланган "хавфсизликни режалаштириш" тушунчасига асосланган бўлиши мумкин. Асосий қоидалари:

- унинг таркибини ишлаб чиқишда озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланади;
- режалаштирилган технологик жараёнлар таслим қилинган маҳсулотнинг хавфсизлигини таъминлаши керак.

Ва ушбу қоидаларнинг ҳар иккаласи ҳам бажарилиши керак - бу энг хавфсиз восита, унинг ишлаб чиқариш технологияси хавфсиз бўлмаса, якуний маҳсулотнинг хавфсизлигига кафолат бермайди.

"Хавфсизликни режалаштириш" ишлаб чиқариш ва тарқатиш занжири давомида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган хавфсизлик тизимини шакллантиришнинг муҳим элементидир.

Ушбу ёндашув хавфсиз маҳсулотларни барқарор таъминлашни таъминлайдиган бир қатор қаттиқ тартиблар ёрдамида амалга оширилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:


- хавфсиз маҳсулотлар ва ахборотни ривожлантириш учун ишончли воситалар (масалан, керакли прогноз маълумотларини олиш ва микроорганизмлар ва маҳсулотнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш учун турли микробиологик тадқиқотлар ўтказиш имконияти);

- тўғри ишлаб чиқариш амалиётлари (ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлайдиган ювиш ва дезинфекция тизимлари);

- маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган барча ходимларни доимий равишда тайёрлаш, бу еса озиқ-овқат хавфсизлигини яхши ташкил этадиган одатга айлантиради;

- ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлигини назорат қилиш учун ишончли сифатли тизим.

Шубҳасиз, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчилар учун озиқ-овқат хавфсизлиги энг устувор йўналиш бўлиши керак. Шу боис, бугунги кунда озиқ-овқат саноатида озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги меъёрларга асосланган бошқарув тизимлари кўпинча қўлланилади: ISO 9001:2015 (Сифатни бошқариш тизимлари - Талаблар); ХАССП (Хатарларни таҳлил қилиш ва кескин назорат нуқталари); ГМП (Яхши ишлаб чиқариш амалиёти); ISO 22000:2007 (Озиқ-овқат хавфсизлигини бошқариш тизимлари - озиқ-овқат занжири бўйича ҳар қандай ташкилот учун талаблар).



9.2-расм. Маҳсулотларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш жараёнининг модели

ISO 9001 стандарти сифатни бошқариш тизимини яратиш учун универсал асос бўлиб хизмат қилади, чунки у умумий бошқарувнинг асосий тушунчалари ва тамойилларини ўз ичига олади.

ISO 9000 асосида ИСО сифат менежменти тизими (СМТ) унинг негизида яратилган жараён ёндашуви туфайли барча корпоратив бошқарув тизимини тартибга солишни таъминлайди. СМТ озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳаёт айланиш жараёнининг барча босқичларини, яъни асосий ишлаб чиқариш

жараёнларини қамраб олади²⁶.

ISO 9000 стандартлари озиқ-овқат, шу жумладан корхонада фаолият кўрсатадиган барча ўзаро боғлиқ жараёнларни идентификациялаш ва шу усуллар ва уларни бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш учун ҳар қандай корхонанинг СМТ ишлаб чиқишини талаб қилади, бу эса ушбу жараёнларнинг самарадорлигини мунтазам оширишга олиб келади.


Стандартларнинг ушбу талаби шунингдек бошқарув жараёнларига (стратегик режалаштириш, молиявий бошқарув ва хоказо) ва қўллаб-қувватловчи жараёнларга (жиҳозларни таъмирлаш, ходимларни тайёрлаш ва бошқалар) қаратилади.

3. Сифат ва хавфсизлик менежменти тизимларини бирлаштириш масалалари

Тизим бирлаштириш (интеграцияси). Менежмент тизимларини интегрирлаш масалаларини кўриб чиқишда тўлиқ ҳаққоний равишда европа мамлакатларида тўлиқ ва чуқурроқ интегрирланганли ҳолатлари тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин. Асосан интегрирланиши ҳолатларини ҳамда уларни кенг ва тўлиқ СМТ, ООХМТ интегрирланишида кўзга ташланади. Ҳаммадан ҳам СМТ ва ООХМТ тизимларини бирлаштириш нечоғлиқ, ISO 9001 ва ISO 22000 стандартлари талаблари тузилмалар айнан бир хиллигини англатади.

Тизим бирлаштиришнинг № 1 усули. Деминг циклидан уч босқичли схема: режалаштириш, бажариш ва тизим натижавийлигини таҳлил қилиш тартибида соддалаштириб ва унда менежмент тизимларини интегрирлаш қуйидаги схема кўринишида шакллантириш мумкин:


²⁶ Александровская Л.Н., Розенталь О.М., Сурсяков В.Н. Эффективность ХАССП // Методы оценки соответствия.- 2009.- №7.- С. 26.



3-расм. Тизимларни бирлаштиришнинг 1 усули

Икки ёки ундан ортиқ тизимларни интегрирлашни режалаштириш ва натijавийликни таҳлил қилиш даражаларида таъминлаш мумкин. Бошқача сўз билан айтганда Деминг циклини ҳар бир бошланишида ва якунида ҳар бир бошқарув давомида ихтиёрий менежмент тизimini интегрирлаш имконияти мавжуд.

Тизим интеграциясининг № 2 усули. Деминг циклининг тўрта босқичларидан фойдаланиб МТ интегрирланиш соҳаларини иккита тизим доирасидаги у ёки бу фаолиятларни айнан кўрсатиб, қуйидаги шаклда кўриниши мумкин (4-расм):



4-расм. Тизимларни бирлаштиришнинг 2 усули

Барча менежмент тизимларини доимий такомиллашувини таъминлашга ёрдам берувчи интегрирловчи механизм зарур. Барча менежмент тизимлари ва

ИМТ доимий яхшилаш учун улар қаторида корхонанинг барча жиҳатлари кўриб чиқилган, интегрирлашнинг барча ҳолатлари бўйича маълумотлар йиғилган бўлиши, доимий такомиллаштириш (ёки корхонадаги мавжуд яхшилаш) жараёнини яратиш зарур.

ИМТ стандартлаштиришни давом эттириб, интегрирланган менежмент тизимларининг умумий ҳолатларини топиш мумкин. Бундай умумий ҳолатлар қуйидагилар бўлиб ҳисобланади:

- Режалаштириш, мақсадларни ўрнатиш,
- Менежмент тизимлари аудити,
- Маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш,
- Менежмент тизимларини таҳлил қилиш,
- Тўғриловчи ва олдини олувчи амаллар.

Ихтиёрий бошқарув тизимини хоҳ у сифат менежменти тизими (СМТ), озиқ-овқат хавфсизлиги менежменти тизими (ООХМТ), бўлмасин уларни ўрганишда “менежмент тизими” ва “бошқарув тизими” тушунчалари энг муҳим бўлиб ҳисобланиб, ушбу ҳолатда иккаласи ҳам бир хил маънони англатади.

ISO 9001 ва ISO 22001 стандартларининг биринчи талабларидан бири бу сифатни бошқариш тизими ҳолатида ҳам, бошқаси атроф-муҳитга таъсирларни бошқариш тизимида ҳам, учинчи саноат ва меҳнат муҳофазаси хавфсизлиги бошқаруви тизимида ҳам “бошқарув тизимини ўрнатиш” талаби ҳисобланади²⁷.

Энг асосийси ИМТ интегрирлаш нималиги ва СМТ, ООХМТ менежмент тизимларининг аниқланган миқдорларини тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда “бошқарув тизими” нима эканлигини тушуниш муҳим аҳамият касб этади.

Интегрирланган менежмент тизими – бу худди “бошқарув тизими”, шунинг учун ISO 9001, ISO 14001 ва OHSAS 18001 стандартлари қайдай қилиб шарҳлайди ва тушунча нималар билан алоқадорлигини тушуниш лозим.

Бажариладиган иш бўйича қуйидаги саволлар

²⁷ Мейес Т. Эффективное внедрение HACCP: Учимся на опыте других: учебник / Т. Мейес, С. Мортимор; пер. с англ. В. Широкова. — СПб: Профессия, 2005. — 288 с

1. ИМТ модел ва халқаро стандарт талаблари ҳақида қисқача маълумот.
2. ИМТ натижавийлигини баҳолаш алгоритми фойдаланилаётган стандартларнинг аҳамиятлилиги.
3. ИМТ натижавийлигини баҳолаш алгоритми халқаро стандартларга мувофиқлиги асосида шаклланган менежмент тизими ишчи ҳолати услубий асослари сифатида “Доимий яхшилаш” принципини амалга ошириш

Ҳозирги пайтда халқаро стандартлар асосида яратилаётган менежмент тизимларининг натижавийлигини баҳолашнинг умум тан олинган усули танланмаган. Фақат қизиқувчи томонларнинг қаноатланганлиги, умумий хавфларни баҳолаш, сифат соҳасидаги мукофот моделларидан фойдаланиш асосида ИМТ натижавийлигини баҳолашга ёндашувлар мавжуддир.

Шубҳасиз, ИМТ натижавийлигини баҳолашга ёндашув қуйидаги принципларга таяниши лозим:

Натижавийликни баҳолаш усулини ишлаб чиқишда ИМТ ишлаб чиқилган ИМТ моделидан фойдаланиш тавсия этилади (5-расм). Ушбу корхона менежменти тизими ҳажмий модели, менежментга умум тан олинган классик ёндошувига асосланган, уни ичидан қуришга рухсат этилади, аммо, сифат менежменти тизими ва бошқа налогик менежмент тизимлари билан параллел бўлмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Аккредитлаш тизими. Атама ва таърифлар.

Аккредитлашни асосий мақсадлари:

- маҳаллий маҳсулот, хизматлар ёки жараёнларни хавфсизлиги, сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;
- халқаро битимларда техникавий тусиқларни бартараф қилиш;
- синов лабораториялари, калибрлаш ва қиёслаш лабораториялари, сертификатлаштириш ва назорат идоралари, метрологик хизматлар ва стандартлаштириш буйича хизматларни техникавий лаёқатлигини ошириш ва фаолияти натижаларини халқаро тан олиншини таъминлаш

Аккредитлашни асосий вазифаси булиб ташкилотлар ва жисмоний шахслар фаолиятини меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ қонуний ҳуқуққа эгаллигини тасдиқлаш ҳисобланади.

Аккредитлаш буйича фаолиятни тизим доирасида қуйидаги субъектлар амалга оширади:

- Аккредитлаш буйича Миллий идора, унинг функцияларини «Узстандарт» агентлиги бажаради;
- меъёрий таъминот ва аккредитлаш процедуралари буйича илмий – услубий марказ, унинг функцияларини СМСИТИ бажаради;
- «Узстандарт» агентлигини топшириғига мувофиқ бошқа давлат идоралари.

Тизимда аккредитлаш объектлари:

- синов лабораториялари;
- калибрлаш ва бошқа лабораториялар;
- маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш буйича идоралар;
- сифат тизимларини сертификатлаштириш буйича идоралар;
- назорат идоралари;
- эксперт – аудиторлар.

Аккредитлаш – маҳсулот ва хизматлар, ходимлар ва сифат тизимларини белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва мувофиқлигини тасдиқлаш буйича аниқ вазифаларни бажариш учун ваколатларини расмий тасдиқлаш.

Аккредитловчи идора - маҳсулот ва хизматлар, ходимлар ва сифат тизимларини белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва мувофиқлигини тасдиқлаш буйича фаолиятни амалга ошириш учун расмий ваколатларни берувчи давлат бошқарув идораси.

Аккредитлаш мезонлари – аккредитлашга талабгор жавоб бериши керак булган талаблар йиғиндиси.

Аккредитлаш соҳаси – мувофиқликни тасдиқлаш буйича маълум фаолият соҳасидаги, бажаришга мурожаат қилинган ва (ёки) аккредитация берилган аниқ ишлар.

Аккредитлаш идорасига талаблар. Ўзбекистон Республикаси аккредитлаш идорасига талаблар. Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари, синов (улчов) лабораторияларини аккредитациядан утказиш тартиби. О'з DSt 16.10:2009, О'з DSt ISO/IEC 17021:2009, О'з DSt ISO/IEC 17025:2005 ва бошқалар.

Аккредитлаш буйича идора:

- маълум юридик мақомга эга булиши керак;
- молиявий турғунлик ва Тизим фаолият олиб бориши учун воситаларга эга булиши керак;
- аккредитлаш буйича фаолиятда иштирок этаётган барча томонлар манфаатларини химоя қилиш учун ҳуқуқ ва жавобгарликка эга булиши керак;
- фаолияти учун зарур булган хоналар, техникавий ва бошқа воситаларга эга булиши керак;
- Тизимни мувафаққиятли бошқаришга имкон берувчи ташкилий тузилма ва сифат бошқариш тизимини бошқа элементларига эга булиши керак;
- Тизимни такомиллаштириш учун аккредитлаш буйича бошқа идоралар билан ахборот алмашинишга тайёр булиши керак.

Аккредитлаш буйича идора:

- у томонидан бошқаларга ваколат берилган хизматларни;
- сертификатлаштириш буйича процедураларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш буйича хизматларни таклиф қилмаслиги ёки курсатмаслиги керак
- раҳбарга;
- штатдаги ходимларга;
- ташкилий тузилмага;
- мустақил экспертларни жалб қилиш имкониятига;
- экспертлар лаёқатлигини баҳолаш буйича тегишли процедурага;

- аккредитлаш буйича экспертлар буйича ёзувларга эга булиши керак.

Бир турдаги маҳсулотларни сертификатлаштириш идоралари, синов (улчов) лабораторияларини аккредитациядан утказиш тартиби

(УзР Адлия вазирлиги томонидан 17.07.2006 й. 1596 – сон билан руйхатга олинган)

О'z DSt 16.0:2006 Ўзбекистон Ресубликаси Аккредитлаш тизими. Асосий қоидалар

О'z DSt 16.10:2009 Ўзбекистон Ресубликаси Аккредитлаш тизими. Сертификатлаштириш идорасига қуйиладиган умумий талаблар

О'z DSt ISO/IEC 17021:2009 Мувофиқликни баҳолаш. Менежмент тизимларининг аудити ва сертификатлаштиришни амалга оширадиган вдораларга қуйиладиган талаблар

О'z DSt ISO/IEC 17025:2007 Синов ва калибрлаш лабораториялари лаёқатлилига умумий талаблар

О'z DSt 16.2:1999 (EN 45013-89) УзР Аккредитлаш тизими. Ходимларни сертификатлаштириш буйича идорага талаблар

О'z DSt 16.3:2001 Юридик шахсларни стандарт намуналарни тайёрлаш, шаҳодатлаш ва сотиш ҳуқуқига аккредитлаш. Ташкиллаштириш ва утказиш тартиби

О'z DSt 16.5:2001 УзР Аккредитлаш тизими. Юридик ва жисмоний шахсларни улчашларни бажариш услубларини шаҳодатлаш ва ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш ҳуқуқига аккредитлаш. Ташкиллаштириш ва утказиш тартиби

О'zDSt 16.6:2003 УзР Аккредитлаш тизими. Юридик шахсларни улчашларни бажариш услубларини ташкиллаштириш ва назорат қилиш ҳуқуқига аккредитлаш

О'z DSt ISO/IEC 17020:2009 Турли хил назорат қилувчи идораларнинг ишлаш мезонлари

О'z DSt 16.8:2004 УзР Аккредитлаш тизими. Ишлаб чиқариш лабораторияларини шаҳодатлаш. Умумий талаблар ва утказиш тартиби

О'z DSt 16.9:2006 УзР Аккредитлаш тизими. УзР экоаналитик лабораторияларни шаҳодатлаш. Лабораторияни техникавий лаёқатини баҳолашни утказиш тартиби.

СМТ сертификатлаштириш жараёнига талаблар Умумий қоидалар. Бошланғич аудит ва сертификатлаштириш. Назорат буйича фаолият. Қайта сертификатлаштириш. Махсус аудитлар. Сертификатлаштиришни фаолият соҳасини тухтатиб қуйиш, бекор қилиш ёки қисқартириш. Апелляциялар. Шикоятлар. Талабгорлар ва мижозлар буйича ёзувлар

- Аудит дастури икки босқичдан иборат бошланғич аудит, биринчи ва иккинчи йил давомидаги назорат аудитлари ва қайта сертификатлаштириш аудитидан иборат булиши керак.
- Сертификатлаштиришни уч йиллик цикли сертификатлаштириш ёки қайта сертификатлаштириш туғрисидаги қарордан бошланади. Аудит дастурини ва исталган туғрилашларни аниқлашда буюртмачи ташкилотини улчами, қулланиш соҳаси ва унинг менеджмент тизими, жараёнлари ва маҳсулотини мураккаблигини, шунингдек олдинги аудитлар натижаларини куриб чиқиш керак. СИ талабгорда утказилган сертификатлаштириш ёки бошқа аудитларни эътиборга олган тақдирда, СИ аудит дастурини исталган улчашларини асослаш ва ёзиб олиш учун етарли, текшириладиган маълумотларни йиғиши керак.

СИ, аудиторлик фаолиятини утказиш ва муддатларини аниқлаш учун ҳар бир аудит учун аудит плани тузилишини таъминлаши керак. Аудит режаси О'zDSt ISO 19011 га биноан ишлаб чиқилган, СИ ҳужжатлаштирилган талабларига асосланиши керак.

СИ, аудит буйича гуруҳ раҳбарини қушган ҳолда, аудит буйича гуруҳни танлаш ва тайинлаш жараёнига эга булиши керак. Бу жараён О'z DSt ISO 19011 да белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган, ҳужжатлаштирилган талабларга асосланиши керак.

СИ аудит вақтини аниқлаш учун ҳужжатлаштирилган процедураларга эга булиши керак, ҳар бир буюртмачи учун менеджмент тизимини тулиқ ва самарали режалаштириш ва тугаллаш учун зарур вақтни аниқлаши керак.

СИ томонидан аниқланган аудит вақти ва аниқлаш учун асос ёзилиши керак.

Аудит муддатларини аниқлашда СИ қуйидаги аспектларни куриб чиқиши керак:

- менеджмент тизимига тегишли стандартни талабларини;
- улчам ва мураккаблилик;
- технологик узига хос хусусиятлар;
- менеджмент тизими билан қамраб олинган исталган фаолият учун ҳамижрочиларни (аутсорсинг) жалб қилиш;
- олдинги аудит натижаларини;
- ишлаб чиқариш майдончаларини сони ва уларда аудитни утказиш билан боғлиқ масалаларни.

Агар аудит давомида турли жойларда жойлашган ва ухшаш фаолиятни амалга оширадиган ишлаб чиқариш майдончалари танлама текширилса, СИ танлашни амалга ошириш учун дастур ишлаб чиқиши керак. Танлашни асосланиши ёзиб қуйилиши керак.

Аудит буйича гуруҳга белгиланган вазифалар аниқланиши ва буюртмачи – ташкилот хабардор қилиниши, аудиторлар гуруҳидан қуйидагиларни талаб қилиши керак:

- буюртмачи – ташкилотни менеджмент тизимига тегишли булган ташкилий тузилма, сиёсат, жараёнлар, процедуралар ва улар билан боғлиқ ҳужжатларни инспекция қилиш ва верификациялаш;
- кузда тутилган сертификатлаштириш соҳасини барча талабларини мувофиқлигини аниқлаш;
- барча жараён ва процедурадар белгиланганлиги, самарали бажарилаётганлиги ва ишчи ҳолатда тутилиши, менеджмент тизимига ишонч учун асостаъминлашига ишонч ҳосил қилиш;

СИ буюртмачи – ташкилотга аудиторлар гуруҳи аъзоларини фамилияларини уз вақтида хабардор қилиши керак.

Аудит режаси ва вақти буюртмачи – ташкилотга олдиндан хабар қилиниши ва келишилиши керак.

СИ ҳар бир аудит буйича ёзма ҳисобот тайёрлаши керак . Ҳисобот O'z DSt ISO 19011 буйича тузилиши керак.

- Аудит буйича гуруҳ яхшилаш имкониятларини белгилаши керак, аммо аниқ қарорларни тавсия қилмаслиги керак.
- СИ миждан сабаблар таҳлили ва жорий қилинган ёки жорий қилиниши режалаштирилаётган махсус туғрилаш ва туғриловчи ҳаракатларни баёнини талаб қилиши керак.
- СИ миждан амалга оширилган туғрилаш ва туғриловчи ҳаракатларни уларни яроқлилигига таҳлил қилиши керак.

Сертификатлаштиришни бошланғич аудити икки босқичда утказилади: биринчи босқич ва иккинчи босқич.

Назорат саволлари

1. ISO 9001 халқаро стандарти талаблари
2. Интегралланган СМТ ва хавфсизлик менежмент тизимлари
3. ISO 9001 ва ISO 22000 халқаро стандартларини интеграция соҳалари
4. Деминг циклидан
5. Тизимларни бирлаштириш усули

Адабиётлар

1. Henk J. de Vries Standardization: A Business Approach to the Role of National Standardization Organizations. Springer Science+Business Media, LLC, New York All Rights Reserved © 2000 Springer, 330 p.
2. Dr. Peter Hatto Standards and Standardization. Handbook. EUROPEAN COMMISSION, Directorate-General for Research Industrial Technologies Pictures © Shutterstock, 2010, 24 p.
3. Role of standards. A guide for small and medium-sized enterprises. Working paper. United nations industrial development organization, Vienna, 2006, 56 p.
4. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С., Алимов М.Н., Бойко С.Р., Хакимов О.Ш., Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва сифат. Ўқув қўлланма. Тошкент, СМСИТИ, 2008. – 267 б.
5. Исматуллаев П.Р., Матякубова П.М., Тураев Ш.А. Метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш. Дарслик. «Lisson-Press». Тошкент, 2015. -423 б.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

CASE № 1

Кейс учун маълумотлар: СТАНДАРТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

